

Абдул Фаттох
Абу Фудда

УЛАМОЛАР НАЗДИДА

ВАҚТНИНГ КАДРИ



وَالْعَصْرُ اَلْيَسِنْ فَيْحَبِّرُ

Иккинчи
нашр

Абдул Фаттоҳ Абу Ғудда



УЛАМОЛАР НАЗДИДА ВАҚТНИНГ ҚАДРИ



ғілкінчи нашр

фур Ғулом номидаги
нашириёт-матбаа ижодий уйи.
Тошкент – 2018



УЎК 297.1

КБК 86.38

F 75

Таржимонлар: Кудратуллоҳ Сидиқметов,
Абдулқодир Пардаев

Масъул муҳаррир ва сўз боши муаллифи:
Жалолиддин Ҳамроқулов

Тақризчилар:

Анвар қори Турсунов

Бурҳониддин Аҳмедов

Муҳаммадсиддик Усмонов

Нашр учун масъул
Иброҳим НУРУЛЛОҲ

Жалолиддин Ҳамроқулов

Уламолар наздида вақтнинг қадри / Ж. Ҳамроқулов,

И. Нуруллоҳ; таржимонлар Қ. Сидиқметов, А. Пардаев.

– Тошкент: Faфур Fулом номидаги нашриёт-матбаа
ижодий уйи, 2018. – 160 б.

Абдул Фаттоҳ Абу Fудда раҳматуллоҳи алайҳинг «Уламолар наздида вақтнинг қадри» номли асари илм аҳллари наздидаги вақтнинг қадри хусусида фикр-мулоҳаза юритишга бағишиланган. Мазкур китобда ўтган уламоларимизнинг вақтларидан унумли фойдаланганлари ва шу туфайли улкан ҳажмдаги асарлар таълиф этганлари мисоллар билан баён қилиб берилган. Ушбу китоб ўқувчини вақтнинг қадрига етишга, ўзи, оиласи, эл-юрт ва ватани учун фойдали ишлар билан машғул бўлишига тарғиб қиласди. Шу маънода бу китобни халқимизнинг маънавиятини янада юксалтиришига хизмат қиласиган муҳим манба бўлади, деб умид қиласман.

УЎК 297.1

КБК 86.38

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги

Дин шилари бўйича кўмитанинг 2018 йилдаги 4722-сонли

Abdulla Qodiriyu nomidagi тартиби тайёрланди.

viloyat AKM

INV № 1693354-2020

ISBN 978-9943-5425-2-5

© Қ. Сидиқметов, А. Пардаев

© Faфур Fулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2018

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

СЎЗБОШИ

Куръони каримда вақт неъматининг улуғлиги, қадрининг баландлиги ва таъсири катталигини англатишга далолат қилувчи кўплаб оятлар ворид бўлган. Жумладан, «Аср» сурасида шундай хабар берилган:



«Аср билан қасамёд этурман» (Aср сураси 1-оят).

Куръон таржимони, дея улуғланган Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анхумо ушбу оят тафсирида: «Аср бу вақтдир» деганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вақтнинг ғанимат неъмат эканини баён қилиб шундай деганлар:

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «نَعْمَتَانِ مَغْبُونٌ فِيهِمَا كَثِيرٌ مِنْ النَّاسِ الصِّحَّةُ وَالْفَرَاغُ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ

Ибн Аббос розияллоҳу анхумодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Икки неъмат борки, кўп инсонлар улардан бебахра қолишган,** (Улар): **Соғлик ва бўш вақтдир»,** дедилар» (Бухорий ривоят қилган).

Демак, вақт деб аталган улуғ неъматдан жуда кам кишиларгина тўғри фойдаланар экан. Имом Шофеъий

раҳматуллоҳи алайҳ вақтнинг қадри шундай деганлар: «Мен сўфийлар билан бирга юриб, улардан икки нарса-ни ўргандим:

«Бири вақт қиличдир, агар сен уни кесмасанг, у сени кесади. Иккинчиси нафсингни ҳақ билан машғул қилмасанг, у сени ботил билан машғул қиласди».

Ҳа, вақт ҳақида теранроқ тафаккур қилиб кўрадиган бўлсак, ўтиб бораётган ҳар бир дақиқамиз аслида азиз умримизнинг қимматли онлари эканини ҳис этамиз. Шунинг учун бўш вақтимизни ҳам режали равишда динимиз ёки дунёмиз учун манфаатли амалларга сарфлашимиз лозим.

Абдул Фаттоҳ Абу Гудда раҳматуллоҳи алайҳнинг «Уламолар наздида вақтнинг қадри» номли асари илм ахллари наздидаги вақтнинг қадри хусусида фикр-мулоҳаза юритишга бағишиланган. Мазкур китобда ўтган уламоларимизнинг вақтларидан унумли фойдаланганлари ва шу туфайли улкан ҳажмдаги асарлар таълиф этганлари мисоллар билан баён қилиб берилган. Ушбу китоб ўқувчини вақтнинг қадрига етишга, ўзи, оиласи, эл-юрт ва ватани учун фойдали ишлар билан машғул бўлишга тарғиб қиласди. Шу маънода бу китобни халқимизнинг маънавиятини янада юксалтиришга хизмат қиласиган муҳим манба бўлади, деб умид қиласман!

Ўз умрини илмга бағишилаган уламоларни Аллоҳ тао-ло ўз раҳматига олсин. Бу китобни тилимизга ўгиришга вақтини аямаган таржимонларнинг илмларини Аллоҳ таоло янада зиёда қилсин. Ушбу асарни ўқиб, у туфайли вақтнинг қадрига етган китобхонларнинг умрларини Аллоҳ таоло баракали қилсин!

Жалолиддин Ҳамроқулов,
*Вақф хайрия жамоат фонди
бошқарув раҳбари*

**Нафсингни ҳақ билан машғул қилмасанг,
у сени ботил билан машғул қиласди.**

Вақтнинг аҳамияти

Инсон ҳар тонг янги кунни қарши олар экан, унинг ихтиёрига 24 соат вақт берилади. Бу унга ҳар куни бериладиган 1440 дақиқа ёки 86400 сониялик фурсатдир. Ўтаётган вақтимиз ҳақида ўйлаб кўрадиган бўлсак, соат миллиарининг «чиқ-чиқ»лари, аслида азиз умримизнинг тўхтовсиз парчаланиб кетаётган онлари эканини ҳис этамиз. Ушбу онлар бизнинг яхши ё ёмон амалларимизга гувоҳ бўлиб ўтиб бормоқда.

Вақтга эътибор муҳим бўлганидан, динимизда кўп-лаб тоат-ибодатлар аниқ вақтга хослаб қўйилган. Бир кунда адо этиш лозим бўлган беш вақт намозга алоҳида-алоҳида вақт тайин қилинган. Уларни жамлаб бир вақтнинг ўзида адо этиш асло мумкин эмас. Чунки уларни белгиланган, яъни ўз вақтида адо этиш фарздир. Бу эса вақтнинг аҳамияти нақадар муҳим эканини билдиради.

Рўза тутиш ҳам аниқ вақтга, фақат Рамазон ойига хослаб қўйилган. Шу ойдан бошқа йилнинг ҳамма ойларида рўза тутилса ҳам, Рамазон рўзасининг ўрнига ўтмайди. Чунки Рамазон рўзаси бўлиши учун шариатда белгиланган вақтда рўза тутиш шарт. Бу ҳам вақтнинг аҳамиятли эканини билдиради.

Ҳаж ибодатини адо этишда ҳам аниқ вақт, яъни арафа куни Арофатда туриш белгилаб қўйилган. Шу вақтдан ташқари йилнинг бошқа ҳамма кунида Арофат тоғида турилса ҳам, ҳаж ибодати адо этилган ҳисобланмайди. Чунки ҳаж бўлиши учун шариатда белгиланган аниқ вақтда Арофат тоғида туриш шарт. Бу ҳам вақтнинг аҳамиятли эканидандир.

Курбонлик қилишнинг ҳам аниқ вақти мавжуд. Учкун ичида сўйилмаса, кейин сўйгани қурбонлика ўтмайди. Чунки қурбонлик бўлиши учун шариатда белгиланган аниқ вақтда қурбонлик қилиш шарт. Бу ҳам вақтнинг аҳамиятли эканидандир.

Бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин. Динимизда ибодатларнинг аниқ вақтлари тайин қилиб қўйилгани мусулмон кишини вақтга риоя қилишга ҳамда қатъий тартиб ва интизом билан яшашга ўргатади. Шунинг учун ҳам доно халқимиз вақтга эътиборли бўлишни таъкидлаб шундай деганлар:

*Ҳар бир ишнинг вақти бор,
вақт билганинг баҳти ёр.*

Куръони каримнинг қўплаб оятларида вақтнинг қийматини ва аҳамиятини билдириб, тун, кундуз, тонг, субҳидам, шафак, чошгоҳ ва аср вақтлари билан қасамёд этилган.

Агар вақтнинг аҳамияти ҳақида тафаккур қиласиган бўлсак, уларнинг нақадар ғанимат лаҳзалар эканлиги кўз ўнгимизда намоён бўлади:

Ўтиб кетган вақт ҳеч қачон қайтмайди ва унинг ўрнини тўлдириб бўлмайди

Ўтаётган ҳар бир лаҳза инсон ҳаёти ва умрининг бир қисмидир. У қиёмат куни инсоннинг фойдасига ё зарарига гувоҳлик беради. Шунинг учун мусулмон киши ўтказаётган вақтини зийрак тижоратчи каби ҳар доим сарҳисоб қилиб бориши лозим. Ҳар кун, ҳафта, ой ва йилда мусулмон киши ўтаётган вақтида нимадан фойда кўргани, нимадан зарар кўргани, фойда қанча бўлгани, зарар қанча бўлгани, фойда нима сабабли бўлгани,

нимаби заар күрганини сархисоб қилиб, фойданы ошириб, заарни йүқотишга уриниб бориши лозим. Чунки тижоратчи йүқотган молини яна ортиғи билан құлға киритиши мумкин. Аммо вақтіни йүқотган инсон эса уни қайта құлға киритиши асло мумкин эмас.

Уламолар үтаётган вақт ҳақида шундай деганлар: «*вақт бетараф бұлмайды, ё сенга қадрдон дұст ёки ашаддий рақиб бұлады*». Яъни үтган вақт инсоннинг ё фойдаси, ё заарига ҳужжат бұлади.

Ҳасан Басрий раҳматуллохи алайх шундай деганлар: «*Бошланаётган ҳар бир кун шундай нидо қилади: «Эй одам боласи, мен янги кунман, сенинг амалингга гувоҳман, мендан фойдаланиб қол, агар үтиб кетсам, қиёмат кунигача қайтмайман»*.

Кунлар жуда тез үтиб кетади

Кунларнинг жуда тез үтиб кетаётгани дақиқа сайин үткинчи дунёдан тезлик билан үтиб бораётганимизни англатади. Ғам-ташвишли пайтларда кунлар секин үтаётгандек тулюса-да, аслида жуда тез үтаётган бұлади. Унинг жуда тез үтиб бораётгани касаллик ва ғам-ташвишлардан холи бұлған, шоду хуррам пайтларда аник билиниб қолади. Бу хусусда ҳикматли шеърда шундай дейилган:

*Гамгин пайтда қисқа кун ҳам үтмайды,
Шодлик вақтда узун кунлар етмайды.*

Умар ибн Абдулазиз раҳматуллохи алайх кеча ва кундузнинг инсон танасига лаҳзама-лаҳза таъсирини үтказиб бораётганини баён қилиб шундай деганлар: «*Кече ва кундуз сенда үз ишини бажаряпти, сен ҳам уларда ишингни бажариб олгин!*»

Умар ибн Абдулазиз раҳматуллохи алайҳ иш күплигидан сал ҳорғин күринганларида яқинларидан бири ачиниб: «Бу ишиңгизни эртага қолдира қолинг», дебди. Шунда у зот: «Бир куннинг иши оғир келмоқда-ку, икки куннинг иши түпланиб қолса, қандай бажараман», деб жавоб берган экан.

Бугунги кунимизда зарур ишлар билан машғул бўлиш ўрнига бошқа бекорчи нарсаларга ўралашиб қолиш кўзга ташланиб қолди. Аслида қанчадан-қанча қулайликлар мавжуд бўлган ҳозирги замонда олдингиларга қараганда кўпроқ ютуқларга эришиш мумкин. Лекин вақтдан нотўғри фойдаланиш сабабли кўпгина зарур ишларга «вақт етмай қоляпти». Яхши ишларни бажаришга «вақт топа олмаётганлар» аслида вақтга беътибор кимсалардир. Чунки ишларини режали равиша бажариб, «вақт топа олаётганлар» йўқ эмас. Доно хақимизнинг ҳикматли сўзи бор:

*Зарурмас ўринга молин сарфлаган,
Энг зарур ўринга мол топа олмас.*

Шу сингари кераксиз ишларга вақт сарфлаганлар керакли ўринларга вақт топа олмасликлари аниқдир. Чунки вақт ҳаммага бир хил тақсимлаб берилган. Ҳар бир киши уни ўз ихтиёри билан ўзи муносиб деб билган жойига сарфлайди. Абу Бакр ибн Айёш раҳматуллохи алайҳ шундай деганлар: «Бирор кимсанинг дирҳами тушиб қолса, «Иннаа лиллаҳи» деб, истиржоъ айтади, лекин бир куни ўтиб унда яхши амал қила олмаса «Куним кетди, солиҳ амал қила олмадим», деб қайғурмайди».

Инсон ўтказаётган вақти ҳисоб-китобли эканини унутмаслиги лозим. Куръони каримда бу ҳақда шундай хабар берилган:



وَمَنْ نُعَمِّرْهُ نُتَكَبِّرُ فِي الْخَلْقِ أَفَلَا يَعْقِلُونَ

«Биз кимга узоқ умр берсак, унинг вужудини хам (эгик, заиф) қилиб қўюрмиз. Ахир, ақл юргизмайдиларми?!» (Ёсин сураси, 68-оят.)

Демак, умр ўтказаётган одам ақл юргизиши, амалдан ожиз қоладиган кун келмасдан олдин хайрли амалларни қилиб олишга шошилиши лозим. Зеро, динимизда буюрилган амаллар қариб-қартайиб, ибодат қилишга ёки гуноҳ қилишга қуввати қолмагандан кейин бажариладиган амаллар эмас.

Кекса олимлардан бири ёш шогирдига шундай насиҳат қилган экан: «Ишлаш қобилияtingни йўқотмасдан олдин ишлаб қол, чунки мен бугун ишлашини хоҳлайман, лекин унга қодир эмасман».

Умр ўлчаб берилган

Дунёга келган ҳар бир инсоннинг умри вақт кўринишида тўхтовсиз ўтиб боради. Бу дунёдан кетиш муддати етганда унга бўйсуниб, дунёни ташлаб кетишдан ўзга чора қолмайди. Кетиш вақти эса бугунми, эртами қачон келиши инсонга номаълум. Деярли ҳар куни «фalonчи вафот этибди», деган хабарни эшитамиз. Бир кун келиб биз ҳақимизда ҳам «фalonчи вафот этибди», дейилади. Ўша кунда одамлар: «Фалончи нима қолдирибди?» дейишса, фаришталар: «Фалончи нима олиб келибди?» дейишади. Ўша вақтда эса дунё биздан бўшаб қолган, бизнинг эса охиратимиз бошланган бўлади.

Ҳа, ўтаётган ҳар бир соат, ҳар бир дақиқа ажал келиши мумкин бўлган вақтдир. Ўтиб кетган кунлар эса унинг яқин қолганидан даракдир. Шунинг учун ўтаёт-

*Вақт бетараф бўлмайди, инсонга ё қадрдон
дўст ёки ашаддий душман бўлади.*

ган ҳар бир кун амал қилиб қолишга ва умрни ғанимат билишга ундан, гўё шундай нидо қилади: «**Эй одам боласи! Сен кунлардан иборатсан, ҳар бир кун ўтганда сенинг ҳам бир қисминг кетган бўлади. Ўзинг билмаган ҳолда сенинг бир қисминг ўтиб кетибдими, демак, бутунлай кетишингга ҳам фурсат оз қолибди. Билгинки, бугун амал бор, ҳисоб йўқ, эртага ҳисоб бор, амал йўқдир**» .

Дунё ҳаёти бир кундек бўлиб ўтиб боради. Чунки кечаги кун ўтиб кетган кун, эртанги кун эса ҳали келмаган. Инсон амал қиладиган асосий кун эса бугунидир. Ҳикматли шеърда бу ҳақда шундай дейилган:

*Ўтмиш ўтиб кетди келажак орзу,
Шу турган онингга қиласавер ружу.*

Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ бугунги кундан фойдаланиб қолишга ундан шундай деган: «**Эй одам боласи, ибодатни ортга суриш қачонгача давом этади. Сен бугунги кунинг учунсан, эртанги кун учун эмассан** (шунинг учун бугун ибодат қилиб ол). Агар сенга эртанги кун ҳам насиб этса, бугун ибодат қилганинг каби яна ибодат қилиб ол. Агар сенга эртанги кун насиб этмаса, ўтказиб юборган бугунинг учун пушаймон бўлмагин. Мен шундай қавмларни учратганманки, улар динору дирҳамидан кўра вақтларини кўпроқ қизғанар эдилар».

Фузайл ибн Иёз раҳматуллоҳи алайҳ ёшу қари дўстлари билан бирга ўтирганда, уларга насиҳат қилиб, шундай деган экан: «**Эй ёшлар, қанчадан-қанча экинларга ҳали пишмасдан офат етган, эй қариялар, экинлар пишганидан кейин эса йиғиб олинади. Сизлар нимани кутмоқдасизлар? Қайси узрни баҳона қиласизлар?** Агар

*Ғамғин пайтда қисқа күн ҳам ўтмайды,
Шодлик вақтда узун күнлар етмайды.*

амалларингиздан хабардор Роббингиз: «Ахир, биз сизларга эслатма оладиган киши эслатма олгудек узун умр бермаганмидик?! Сизларга огоҳлантирувчи (пайғамбар) ҳам келган эди-ку!»¹ деб сизларни сўроққа тутса, ёшу қариларингиз нима деб жавоб берасиз?»

Вақт инсон эга бўлган энг нафис, энг бебаҳо неъматдир

Бу «вақт олтиндең қимматлидир», дегани эмас, балки «вақт олтиндан қимматлидир» деганидир. Чунки вақт ҳаётдир, ҳаётнинг эса олтиндан қимматли экани ҳеч кимга сир эмас. Қолаверса, йўқотилган олтину бойликларни яна қўлга киритиш мумкин, аммо йўқотилган вақтни эса асло қайта қўлга киритиб бўлмайди. Бу ҳақда ҳикматли шеърда шундай дейилган:

الْيَوْمَ أَقِيمُتُ تُوْجُدُ بِالْمَوَاقِيتِ
وَالْمَوَاقِيتُ لَا تُوْجُدُ بِالْيَوْمَ أَقِيمِتِ

*Ёқутлар топилар вақтлар билан
Вақтлар топилмас ёқутлар билан.*

Ҳа, вақт сотиб олса бўладиган оддий мато эмас, балки инсонга фақат бир марта бериладиган имкониятдир. Саъдий Шерозий вақтни қадрлашга ундан шундай ёзганлар:

Эй ғофил, кўп ўйлаб фойда-ю мол,
умринг сармоясин айлама поймол.

Али Тантовий айтади: «Бир куни шайх Жамол Қосимий кераксиз нарсалар билан вақтларини зое қилаётган

¹ Фотир сураси, 37-оят.

*Кече ва кундуз сенда ўз ишини бажаряпты,
сен ҳам уларда ишиңгни бажарып олгин!*

Йигитларнинг ёnlаридан ўтаётиб афсус билан: «Эх, қани энди вақт сотилганида, албатта шуларнинг вақтларини сотиб олган бўлардим», деб айтган экан».

Инсон ҳаётида лаҳзаларнинг ҳам нақадар аҳамиятли эканини бир, ҳатто ярим сония сабабли ғолибликтан маҳрум бўлган мусобақачилар аниқ ҳис этадилар. Ҳадиси шарифларда ушбу бебаҳо неъматнинг қадрига етишга ундан эрта туришга тарғиб қилинганд. Чунки эрталаб барвакт ишга киришиш вақтни муҳофаза қилишга ва куннинг қолган қисмидаги ишлар ҳам баракали бўлишига сабаб бўлади. Абу Зарр Фифорий розияллоҳу анҳу бу ҳақда шундай деган: «**Кунинг түя кабидир, бошини ушлаб олсанг, орқаси эргашиб келаверади**». Яъни бу сўzlари билан кун яхши ишлар билан бошланса, қолган қисмida ҳам яхши ишлар осонлик билан амалга ошишига ишора қилган.

Энг бебаҳо неъматнинг қадрига етмайдиганлар кўпчиликдир

Вақт шунчалик қиммат ва бебаҳо бўлишига қарамасдан, кўпчилик инсонлар унинг бу қийматини ҳис этмайдилар, натижада ундан фойдаланиб қолиш учун эмас, балки уни зое қилиб, йўқотиш учун мусобақалашадилар. Бундай «мусобақачилар» унинг бебаҳо улушкидан маҳрум инсонлардир. Бу ҳақда ҳадиси шарифда қўйидагича баён қилинганд:

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «نِعْمَتَانِ مَغْبُونُ فِيهِمَا كَثِيرٌ مِنْ النَّاسِ الصِّحَّةُ

Үтмиш ўтиб кетди келажак орзу,
шу турган онингга қиласавер ружу.

وَالْفَرَاغُ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Иbn Аbbос розияллоху анҳумодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **«Икки неъмат борки, кўп инсонлар улардан бебаҳра қолишган, (Улар): Соғлик ва бўш вақтдир»**, дедилар» (Бухорий ривоят қилган).

Инсон гоҳида соғлом бўлса-да, оғир меҳнат билан банд бўлганлиги сабабли фазилатли амалларни ўзлаштириш учун фурсат топа олмайди. Баъзида эса оғир меҳнатлардан қутулган бўлса ҳам, унинг соғлиги йўқ бўлади. Агар бир инсоннинг соғлиги ҳам, бўш вақти ҳам бўлса-ю, фазилатларга эришиб қолишга ҳаракат қилмаса, унинг ана шу дангасалиги улардаги улушдан маҳрумликдир. Зоро, ҳар хил тўсиқларга тўла ва қисқагина умрдан имкон қадар фойдаланиб қолмасдан беҳуда ўтказиб юбориш энг қимматли улушдан бенасиб қолишдир.

Бугунги кунда вақтни беҳуда амалларга сарфлаш оддий ҳол бўлиб қолгани ҳеч кимга сир эмас. «Фалон жойда янги ошхона очилиди», дейилса, вақтини исроф қилаётганига парво ҳам қилмай янги ошхона сари отланадиганлар, ҳатто овқатланиб келиш учун шаҳар ташқарисига ёки бошқа шаҳарларга ҳам бориб келадиганлар борлиги ҳақиқатдир. Аслида инсон ейиш учун яшashi билан эмас, балки яшаш учун ейиши билан бошқа жонзорлардан фарқланиб турмасмиди?

«Бир марта келадиган дунёда ўйнаб-кулиб юриб қолиш»ни айтиб, шу «ташвиш» билан яшаётгандарга уламолар қуйидагича насиҳат қилганлар: «Аслида дунёга бир марта келадиган бўлганимиз учун амал

қилиб қолишимиз лозим. Чунки бизга абадий роҳат-фароғатни қўлга киритиш учун фақат бир марта дунёда туриш муддатигина имконият қилиб берилган. Ана шу бир марталик имкониятни вақтинчалик нарсаларга чалғиб қўлдан бой бериш ақлли инсонларнинг иши эмас».

Куръони каримда ҳар бир кишига эртанги кун учун қандай амаллар қилганига қараш буюрилган:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَتَقْوِا اللَّهَ وَلَنَنْظُرُ نَفْسُ
مَا قَدَّمْتُ لِغَدِيرٍ وَأَتَقْوِا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ خَيْرٌ بِمَا
تَعْمَلُونَ

۱۸

«Эй, иймон келтирганлар, Аллоҳдан қўрқинглар ва (ҳар бир) жон (эгаси) эртанги кун (қиёмат) учун нимани (қандай амални) тақдим этганига қарасин! Аллоҳдан қўрқинглар! Албатта, Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир» (Ҳашр сураси, 18-оят).

Ушбу оятда қиёмат куни эртанги кун деб хабар берилган. Эътибор бериладиган бўлса, ҳамманинг ўтказган умри кечагидек кўз олдида туради. Қиёмат ҳам оятда хабар берилгани сингари эртадек жуда тез келиб қолади. Уламолар мусулмон кишининг вақти доимо уч амалдан бирига сарфланишини баён қилганлар:

1. Фарз амаллар. Беш вақт намоз, Рамазон рӯзаси, оила нафақаси учун касб-кор қилиш ва ҳаром ишлардан тийилиш каби шариатдаги барча буйруқ ва қайтарикларни бажаришга сарфланади.

2. Суннат ва мустаҳаб амаллар. Қуръон тиловатини кўпайтириш, Аллоҳни кўп зикр қилиш, қариндошлар

*Ёқутлар топилар вақтлар билан,
Вақтлар топилмас ёқутлар билан.*

ва қўни-қўшнилар билан борди-келди қилиш, bemorлар ва етим-есирларнинг ҳолидан хабар олиш сингари шариатда тавсия қилинган барча амалларни адо этишга сарфланади.

3. Мубоҳ амаллар. Овқатланиш, дам олиш, шариятда рухсат берилган ўйинларни ўйнаш каби амалларга сарфланади.

Ушбу мубоҳ амалларни бажаришда фарз ва суннат амалларга куч-қувват йиғиб олиш ният қилинса, мубоҳ амал туфайли ҳам савобга эга бўлинади. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо шундай деганлар: «**Тунни қоим қилиб савоб умид қилганим каби, ухлашимдан ҳам савоб умид қиласман**».

Мусулмон киши учун вақтнинг тўртинчи бўллаги бўлмайди. Тўртинчиси ҳаддан ошишдир. Ким ҳаддан ошса, ўзига зулм қилган бўлади.

Вақтга эътиборли бўлиш муҳимлиги баён этилар экан, ўртача етмиш беш йиллик умр таҳлил қилиб кўриладиган бўлса, асосий вақт нималарга сарфланиши яққол намоён бўлади:

1. Ўн беш йил атрофидаги вақт болалик ва ўсмирилик билан ўтади;

2. Қолган олтмиш йилда агар бир суткада саккиз соатдан ухласа, йигирма йил умр уйқу билан ўтади;

3. Агар бир суткада саккиз соат касб-кор билан машғул бўлса, йигирма йил умр ишлашга сарфланган бўлади;

4. Агар бир суткада уч маҳал овқатланса, ҳар овқатланишига ярим соатдан вақт сарфласа, уч йилу тўққиз ой умр овқатланишга кетади;

5. Қолган ўн олти йил умр ибодат, оила ва шу каби ҳамманинг ўзи яхши кўрган машғулотларига сарфланади.

**Икки неъмат борки кўп инсонлар улардан бебаҳра қолишган.
(улар): соғломлик (саломатлик) ва бўш вақтдир.**

Мазкур ишларнинг барчаси шаръий ният туфайли ибодатга айланиши мумкин. Бу эса, мусулмон киши бутун умрини дақиқа-ю сонияларигача тўлиқ ибодатга айлантириб олиш имкониятига эга деганидир. Шунинг учун ҳар бир мусулмон киши ўтаётган кунида қанча фарз ва вожиб, суннату мустаҳаб амалларни, ота-она, қариндошлар, қўни-қўшни, юрт-ватан ҳақларини ва ҳоказо шариат талаб қилган амаларни ният билан бажа-раётганини ҳар доим сарҳисоб қилиб бориши лозим. Зеро, ўтаётган ҳар бир вақт ҳисоб-китоблидир.

Саҳобаи киромларнинг вақтни қандай ҳисоблаган-ларига эътибор берайлик:

عَنْ زِيدِ بْنِ ثَابِتٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: تَسْحَرَنَا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ثُمَّ قُمْنَا إِلَى الصَّلَاةِ. قَيْلَ: كَمْ كَانَ بَيْنَهُمَا؟ قَالَ: قَدْرُ حَمْسِينِ آيَةً. مُتَفَقُ عَلَيْهِ.

Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳу: «Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга сахарлик қилдик, сўнгра намозга турдик», дедилар. У иккисининг (яъни, сахарлик билан бомдоднинг иқомати) ораси қанчалик (вақт) эди, деб сўралди. У: «Эллик оят (ўқиши) миқдорича», деб жавоб берди. *Муттафақун алайҳ*.

Вақтни Қуръондан оятлар ўқиши миқдори билан ҳисоб қилишяпти.

Бир киши дўстидан: «Уйингиздан ишхонангизга боргунча йўл қанча вақт олади?», деб сўрабди. Дўсти: «Агар йўл тикилинич бўлса, саккиз юзта тасбехни, агар йўл очиқ бўлса, икки юз элликта тасбехни олади», деб жавоб бериди. Жавобнинг гўзаллигига қаранг!


*Baqt – ганимат
Ўтса – надомати.*

Уламолар наздида вақтнинг қадри китобининг илк таржимаси 2014 йилда нашр қилинган эди. Ўқувчиларнинг талаб, истак ва мuloҳазаларидан келиб чиқиб китоб қайта нашрга таёrlанди. Китобнинг ушбу нашрида, айrim жумлалар таҳrir қилинди ва вақтга доир ҳикматли сўзлар билан янада бойитилди.

Аллоҳ таолодан ўтказаётган кунларимизни хайр-бракали қилишини, бугунимизни кечамиздан, эртамизни эса бугунимиздан афзал қилишини сўраймиз.

Оламлар Роббисига ҳамду санолар, Пайғамбаримиз Муҳаммад мустафога салавот ва саломлар бўлсин!

Таржимонлар



Муаллиф ҳақида

Абдул Фаттоҳ ибн Мұхаммад ибн Башир ибн Ҳасан Абу Ғудда раҳматуллоҳи алайҳ ҳижрий 1336 йилда Суряниң Ҳалаб шаҳрида илм-маърифат ва дину диёнат билан танилган хонадонда таваллуд топған. Насаби улуғ саҳобий Ҳолид ибн Валид розияллоҳу анҳуга бориб туташади. Абу Ғудда раҳматуллоҳи алайҳнинг отаси Мұхаммад тиженорат билан шуғулланғин.

Абу Ғудда раҳматуллоҳи алайҳ бошланғич таълимни Ҳалабдаги мадрасалардан бирида олған. Сүнгра Мисрдаги «Ал-азҳар» дорулғунунида ўқиши давом эттирган. Бу зот жуда күплаб устозлардан таълим олғанини билдириб, улар ҳақида шундай ёзған: «Аллоҳга ҳамдлар бўлсинки, ўз шахрим Ҳалабда ҳамда Шомнинг күплаб шаҳарларида, шунингдек Макка, Мадина, Миср, Ҳиндистон, Покистон ва Мағриб шаҳарларида юзлаб устозлардан таълим олдим».

Абдул Фаттоҳ Абу Ғудда раҳматуллоҳи алайҳ узок йиллар мобайнида Ҳалабда «Усулул фикҳ», «Фикхул Ҳанафий» ва «ал-Фикхул муқорину байнал мазаҳиб» каби фанлардан сабоқ берганлар. Шундан кейин Риёзга сафар қылғанлар ва умрларининг охиригача турли ислом дорулғунуларида мударрислик қылғанлар.

Абдул Фаттоҳ Абу Ғудда раҳматуллоҳи алайҳ дарс бериш билан биргаликда күплаб асарлар таълиф этган. Асарларининг аксари ҳадис илмиға таалкуқли бўлған. Энг машҳур асарлари сифатида қўйидагиларни келтириш мумкин:

1. «Қийматуз заман индал улама»;
2. «Софаҳату мин собрил уламо ала шадаидил илми ват таҳсил»;

3. «Росулул мұъаллим соллаллоҳу алайҳи васаллам ва асалийбұху фит таълим»;
4. «Ал-иснад минад дин» (хадис илмиға бағишен-ған);
5. Мұхосибийнинг «Рисалатул мустаршидийн» аса-ри шарҳи (тасаввуф илмиға бағишенған);
6. Лакнавийнинг «ар-Роғъу ват-такмийл фил жарҳи ват таъдийл» асари таҳқиқи;
7. Мулла Али Қорийнинг «Фатху бабил иная бишарҳи китаб Никоя» асари таҳқиқи;
8. Зафар Ахмад Таҳонавий ҳанафиининг «Қоваъид фи илмил ҳадис» асари таҳқиқи;
9. Имом Насойининг «Сунану Насой» асари таҳ-қиқи. «Сиҳоҳи сittta»дан бири саналадиган ушбу асарни ажойиб тарзда таҳқиқ қылған.

Абдул Фаттоҳ Абу Ғудда раҳматуллоҳи алайҳ ет-мишдан ортиқ асарлар таълиф этган.

Бутун умрини илм тарқатиши йўлида сарфлаган бу зот ҳижрий 1417 йилда саксон икки ёшида вафот этган. Аллоҳ таоло у зотнинг ётган жойини жангат боғларидан қылған бўлсин.

Муаллиф муқаддимаси²

Аллоҳ таолога ҳамду санолар, танлаб олган бандаларига, уларнинг пешвоси бўлган саййидимиз ва расулимиз Муҳаммад мустафога, у зотнинг оиласирига, саҳобаларига ҳамда уларга яхшилик билан эргашгандарга салавот ва саломлар бўлсин.

² Ушбу китоб ўнинчи нашрдан таржима қилинган. Унда биринчи, тўртинчи ва бешинчи нашр муқаддималари келтирилган. Ўқувчига тушунарлироқ бўлиши учун таржимада учала муқаддимани бирлаштириб, «муаллиф муқаддимаси» номи билан бериш маъқул кўрилди.

Ушбу мўжаз саҳифалар уламолар наздидаги вақтнинг қадри қай даражада эканини баён қилиш учун ёздим. Бу баёновлар билан илм ва илм аҳли доирасида ҳаёт-мамот масаласи, дея қаралган ушбу улуғ неъматнинг қадрини таърифлашга қарор қилдим.

Агар инсон вақтдан тұғри фойдаланиб, ҳаётини тартибли равища кечиришга эришса, беҳуда гап-сўзлар, ортиқча еб-ичишлар, турли зиёфатлар-у фойдасиз учрашувлардан узок юрса, қандай ажойиб ютуқларга эришиши мумкин. Натижада етказган манфаати ва асарлари туфайли у доимо яхшилар хотирасида ёд этилиб туради.

Аллоҳ таоло Ўзининг олий китобида ва улуғ Пайғамбарининг тилида вақтнинг аҳамиятини ва ҳаётимизда бажарадиган барча амалларимиз вақтини тайинлаб олишни ўргатган. Бизга шаръий ҳукмларни жорий этишдан ташқари уларни адo этиш вақтларини ҳам белгилаб берган. Ҳар бир амални бажаришда бепарво бўлишдан ва белгиланган вақтидан ўтказиб юборишдан огоҳлантирган. Бу огоҳлантиришда барча ишларни тартибга солиб, ўз вақтида бажаришимиз учун таълим ва тарбия бордир. Аллоҳ азза ва жалла шундай хабар берган:

﴿إِنَّ الصَّلَاةَ كَانَتْ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ كِتَبًا مَوْقُوتًا﴾
103

«Зоро, намоз мўминларга вақти тайин этилган ва (фарз деб) битилгандир» (*Нисо сураси, 103-оят*).

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Мен Расуллороҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламдан: «Амалларнинг қайси бири Аллоҳга энг маҳбубдир? деб сўрадим. У Зот: «Вақтида адo этилган намоз», деб айтдилар» (*Бухорий, Муслим, Термизий ва Насоий ривоят қилишган*).

*Ҳар мева ўз вақтида пишар,
Ҳар нарса ўз вақтида яшар.*

Намоз ибодати бир кеча-кундузда ҳар бир муслим ва муслима томонидан беш марта такрорланади. Мусулмон киши намозни талаб қилинганидек ўз вақтида адо этиб борса, унинг турмуш тарзида вақтга риоя қилиш кўник-маси шаклланиб боради. Ваъдаларга эътиборли бўлиш ва асосий мақсадга элтувчи ҳар бир амални муносиб вақтида адо этиш малакаси қарор топиб боради.

Бундан бизга катта бир ҳикмат маълум бўлади. Яъни вақти белгиланган бошқа ибодатлар орасидан айнан намоз зикр қилинди, чунки у ҳар куни беш марта такрорланади. Шу сабабли намозни адо этувчи кишининг табиати озгина муддат ичиде вақтни аниқ белгилаш ва ҳар бир ишни ўз вақтида мукаммал тарзда бажаришга ўрганади. Сўнг бу гўзал хулқ унга одат ва табиий кўник-мага айланиб кетади.

Ислом шариати намоздан бошқа ҳам кўплаб ибодатларнинг вақтини белгилаб қўйган. Масалан, ҳаж, закот, рўза, садақаи фитр, қурбонлик, сафар, таяммум, маҳсига масҳ тортиш, фарзандни эмизиш, талок, ражъят, нафақа, қарз, гаров, зиёфат, ақиқа ибодатлари шунингдек ҳайз ва нифос каби ибодатларга тааллуқли бўлган ҳолатларнинг ҳам вақти тайин этилган. Шариат бу амалларнинг барчасини фақат ва фақат бандаларнинг манфаатини кўзлаб жорий қилган.

Бугунги кунда аксар мусулмонлар шариатимиз томонидан жорий этилган, ўзларига фойдали бўлган бу исломий кўрсатмага беэътибор бўлиб қолдилар. Натижада ишларни маълум вақтга боғлаш лозимлигини бошқалардан ўргана бошладилар. Ахир, улуғ шариат аҳкомлари зиммаларига юкланган биринчи кунданоқ бу ишга тарбиялаб борилмаган эдиларми?

Мусулмон киши ҳаётида вақтга эътиборли бўлиши ҳамда ҳар бир ишини ўз ўрни ва вақтида бажариши

лозим. Вақт Аллоҳ таолонинг инсонга берган неъматлари ичида энг қимматбаҳосидир. У олим ва толиби илм ҳаётида ҳам сармоя, ҳам фойдадир. Ақлли одам уни беҳуда ўтказиб, лоқайдликка йўл қўйиши асло мумкин эмас. Шунинг учун мен бу насиҳатларимни аввало ўзимни ва толиби илм фарзандларимни вақт қадрига етишга даъват этиш учун ёздим. Унда баён қилинган ўтган азизларимизнинг ибратли ҳаётлари ҳақидаги хабарлардан баҳраманд бўлсак, деган умиддаман. Тавфиқни Аллоҳдан сўраймиз.

Ушбу нашр «Уламолар наздида вақтнинг қадри» номли китобимнинг бешинчи нашридир. Бу нашрга янада мукаммал ва фойдали бўлиши учун олдинги нашрларда бўлмаган кўпгина муҳим қўшимчаларни, сарлавҳаларни ҳамда буюк зотлар ҳақидаги қисқа ча маълумотларни қўшдим. Иншоаллоҳ, булар туфайли китобнинг манфаати янада зиёда бўлади, деб умид қиламан.

Китобда келтирилган хабарлар тартибини уламоларнинг вафот этган саналарига кўра баён қилишни маъқул деб билдим. Вақтнинг қадрига етиш ва уни тежашда ўтган ҳар бир олим аввалгисининг изидан юргани маълум бўлсин, деб китобни мавзуларга ажратмадим (яъни муфассирлар, муҳаддислар фақиҳларни алоҳида-алоҳида зикр қилмадим). Балки, барча олимларнинг ҳаётига оид хабарларни вафот этиш йилларининг кетма-кетлигига мувофиқ тартибга солдим.

Аллоҳ азза ва жалладан буни солиҳ амаллар қаторида қабул қилишини ва менга бу ишда ихлос ато этишини сўрайман. У зотдан Ўзига рўбарў келадиган кунда нурлари олдилари ва ўнг тарафларини ёритиб турадиган зотлардан қилишини сўрайман. Зеро, У меҳрибонлар меҳрибонидир.

*Илмни фурсат бўлганда ўрганавериши керак,
чунки илм зарур бўлган пайтда фурсат топишмайди.*

«Уламолар наздида вақтнинг қадри» номли китобим 1404 ҳижрий санада илк бор нашр этилганида (ундан кейинги нашрларида ҳам) Аллоҳ таоло уни манфаатли қилди ва у кўпчиликка маъқул келди. Айниқса, талабалар, ахли илмлар, зиёлилар доирасида катта қизиқиш уйғотди. Бир неча муҳтарам устозларни бу мавзуда китоб ёзишга, ундан фойдаланишга ва хабарларини иқтибос қилиб келтиришга ҳимматларини қўзғатиб юборди. Жумладан устоз Доктор Абдуссаттор Нувайр ҳижрий 1406 йилда вақт ҳақидаги турли баҳсларни ўз ичига олган «Вақт бу ҳаёт» номли китобини ёзди.

Сўнгра устоз Холдун ал-Аҳдаб ҳижрий 1407 йил бошларида «Вақтнинг қадри ҳақида фикр-мулоҳазалар» номли китобини ёзди. У кишининг китобларидағи аксар хабарлар ва матнлар менинг мазкур китобимдан олинган. Кўринишидан жаноб Холдун китобимни яхши кўриб қолган ва ҳатто китобида уни мазмун ва манбалари билан тўлалигича иқтибос келтирган-да, китобнинг номига бир оз қўшимча қўшиб қўйган. (Яни менинг китобимнинг номи «Вақтнинг қадри» бўлса, у киши «Вақтнинг қадри ҳақида фикр-мулоҳазалар» деб қўшимча қўшиб қўйган.)

Ушбу китобимга муҳаббатли кишининг китобимдан фойдалангани, ундан тўлалигича иқтибос олгани мени қувонтириди. Зоро, уни ҳам илм йўлидаги шогирдларимдан бири деб биламан. Лекин китобида келтирган матнларни қаердан олганини айтиб қўйишини ва улуғларимизнинг: «Ҳар қандай илмни айтувчисига ёки нақл қилувчисига аниқ нисбат бериш – илмдаги омонатдандир», деган сўзларини унутмаслигини истардим.

Ундан кейин устоз Жосим ибн Мухаммад ибн Бадр ал-Мутоввиль 1408 йил охирларида «Вақт саодат, ё ҳалокат»

номли китобини ёзди. У киши ҳам китобимдан жуда кўп иқтибос олган ва унга ўзининг насиҳату кўрсатмаларини қўшиб қўйган. Лекин у киши ҳам олинган иқтибосларни қайд этишни унуган ёки ўзини унуганга солган. Ҳатто, менинг китобимни тилга олмасликка ҳаракат қилган. Тўғри, баъзи матн кўчирмаларини у кишидан олдин китобимдан иқтибос олган устоз Холдуннинг китобига нисбат бергани учрайди. Майли, ҳамма ҳар хил бўларканда. Имом Шофеъийни Аллоҳ ёрлақасин, айтган сўзларига эътибор беринг: «Бир лаҳзалик дўстлик риоясини қиладиган ва битта сўз ўргатган кишига ҳам ўша сўзни нисбат берадиган киши – ҳақиқий мард кишидир».

«Уламолар наздида вақтнинг қадри» китобим айрим камчиликлари бўлишига қарамай, йигирма йил давомида тафсир, ҳадис, фикҳ, тарих, луғат, нахв (грамматика), адабиёт ва бошқа фанларга оид китобларни мунтазам равишда қилган мутолааларим маҳсулидир. Ушбу китобнинг жамланиши, текшириб аниқланиши, маълумотларини бир-бирига таққослаш, тартибга солиш, матнларини олинган манбаларига нисбат бериш ва ниҳоят гўзал суратда чоп этилиши мазкур йиллардаги заҳматларим самарасидир.

Аллоҳ билиб турибдики, бу айтганларим қуруқ мақтаниш ва фахрланиш учун эмас. Лекин булар динимиз бизга таълим берган омонат ва одобдир. Ҳозиргина Имом Шофеъий раҳматуллоҳи алайҳнинг бу хусусда айтган сўзини келтириб ўтдим. Ҳидоятга йўлловчи Аллоҳдир.

Аллоҳ таоло улуғ аждодларимизни ва ўтган барча уламоларимизни энг яхши мукофотлар билан тақдирласин. Улар ҳар бир яхшиликда бизларга ўрнак ва барча фазилатли амалларда намунадир. Аллоҳим, биз-

*Нега нафсингга бўлурсан тобе,
Нега умрингни қилурсан зое?!*

ларга ҳам барча ишларда уларнинг йўлларини бергин. Умларимиздан тўғри фойдаланишга муваффақ айлагин. Вақтларимизни Ўзингни рози қиласиган ишларга сарфлашни насиб эт. Барча фойдасиз нарсалардан йироқ қилгин. сен барча нарсаларга қодирсан.

Набийимиз Муҳаммадга ва у зотнинг оиласари-ю саҳобаларига Аллоҳнинг салавот ва саломлари бўлсин. Оламлар Роббиси Аллоҳга ҳамдлар бўлсин.

Абдул Фаттоҳ Абу Ғудда
04-Жумадул ула. 1408- ҳижрий сана.



Молу дунё ҳасрати қилмасин абгор,
Мангу яшар киши қани, қайда бор?!

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيْمِ


ВАҚТНИНГ ҚАДРИ

Аслида кўплаб маъноларни ўзида мужассам этган оддийгина вақт деган сўзнинг файласуфлар, тижоратчилар, деҳқонлар, хунармандлар, аскарлар, сиёсатчилар, ёшлар-у қарилар, толиби илмлар-у, илм аҳларининг ҳар бирлари наздида ўзига хос қадр-қиймати ва аҳамияти бор.

Вақтнинг аҳамияти ҳақида сўз юритар эканман, асосан толиби илмлар ва илм аҳллари наздидаги «вақтнинг қадри»га эътибор қаратмоқчиман. Бу билан толиби илмларнинг ҳимматлари сустлашган бугунги кунда илм йўлини танлаган ёш ўсмирларнинг ҳимматига туртки ва рағбат бўлишини умид қилдим. Илм олиш учун фидойиларча ёниб интиладиган талабалар жуда сийраклашиб қолди. Улар орасида зийраклик ва зукколик йўқолиб, дангасалик ва лоқайдлик ҳукм сура бошлади. Бунинг оқибатида илм аҳллари заифлик ва қолоқликка мубтало бўлдилар.

Бандаларига Аллоҳнинг неъматлари беҳисоб ва чек-сиздир. Уларни санаб чиқишига ёки идрок этишга башариятнинг умуман имкони йўқ. Бунга неъматларнинг бениҳоя кўплиги, бардавомлиги, осонгина эришилиши, Аллоҳ таолонинг узлуксиз етказиб туриши ва инсонларнинг уларга турли йўллар билан етишиши сабабдир. Аллоҳ таоло Куръони каримда шундай дейди:

وَإِن تَعْدُوا نِعْمَةَ اللّٰهِ لَا تُخْصُوهَا إِنَّ الْإِنْسَانَ



«Агар Аллоҳнинг неъмат(лар)ини санасангиз, саноғига ета олмайсиз. Ҳақиқатан, инсон (ўзига) ўта золим ва (Раббига) жуда ношукрдир» (*Иброҳим сураси, 14-оят*).

Аслий ва фаръий неъматлар³

Неъматлар аслий ва фаръий бўлади. Фаръий неъматлар деганда илм, жисм ва мол-мулқдаги кенглик, кечаларни ибодатда ўтказиш, Куръон тиловатини қўпайтириш, Аллоҳ таолони қўп зикр қилиш каби нафл ибодатларда бардавом бўлиш каби ишлар тушунилади. Шунингдек юз, қўл ва оёқлардаги фитрий суннатларни муҳофаза қилиш, эркаклар учун жамоат жойларига хушбўйланиб бориш, бир-бирига йўлиққанда қўл бериб кўришиш, масжидга ўнг оёқ билан кириш, ундан чап оёқ билан чиқиш, йўлдан азият берадиган нарсаларни олиб ташлаш каби одоб, суннат, мустаҳаб ва баъзи вожиб амалларни бардавом қилиш ҳам фаръий неъматлардан ҳисобланади. Неъматларнинг фарълари сон-саноқсиз даражада қўп экани илм аҳлларига сир эмас.

Аслий неъматлар

Неъматларнинг асллари ҳам беҳисоб ва қўп. Уларнинг энг аввалгиси Аллоҳ таолога ва унинг ҳузуридан келган нарсаларга иймон келтириш ҳамда У зот буюр-

³ Фаръ лугатда асосий танадан ажralиб турадиган нарсаларга ишлатилади. Масалан: дараҳтнинг шохи дараҳтнинг фаръи, дарёнинг ирмоғи дарёнинг фаръи, ҳисобланади. Шу маънода бу ерда ҳам аслий неъматлардан ажralиб чиқадиган нарсаларни фаръий неъматлар дейилмоқда.

*Вақт кескир қиличдир, у ҳеч нарсага қарамай шартта
ұтади-кетади. Сен эсавой-войлаганингча қолаверасан.*

ган ва вожиб қилган нарсаларга иймон тақозосига күра амал қилишдир.

Шунингдек, саломатлик ва оғият неъматларнинг аслларидан бўлиб, қулок, қўз, қалб ва бошқа аъзолар саломатлиги ҳам шулар жумласидандир. Ушбулар инсон ҳаракатининг меҳвари ва ўз вужудидан истифода қилиш тиргагидир.

Илм ҳам неъматларнинг асл туридан бўлиб, жуда катта неъмат ҳисобланади. Жамият тараққиёти, дунёвий ва ухровий баҳт-саодат барчаси унга боғлиқдир. Илм қандай бўлмасин, улкан неъматдир. Илм ҳосил қилиш неъмат, ундан фойдаланиш неъмат, у билан фойда етказиш неъмат, уни саклаш ва келажак авлодларга етказиш неъмат, инсонлар ўртасида уни ёйиш неъмат ва шу кабиларнинг барчаси неъматдир. Неъматларнинг аслларига мисоллар жуда кўп бўлса ҳам вақтнинг қийматини ҳисобга олган ҳолда сўзимни муҳтасар қиласман.

Энг катта аслий неъмат

Аслий неъматлар ичида энг улуғи ва энг қимматлиси вақтдир. Ушбу сахифаларни вақт қиймати ҳақида, хусусан толиб илм ва аҳли илмларга нисбатан унинг аҳамияти ҳақида сўзлаш учун жамладим.

Вақт ҳаёт муддати, инсоннинг борлиқ майдони, унинг даври, боқийлиги, фойда бериши ва фойдаланишининг саҳнасидир. Қуръони карим аслий неъматлар ичида вақт неъматининг улуғлигига, бошқасидан кўра қадри юксак эканига ишора қилган. Вақтнинг қиймати, қадрининг баландлиги ва таъсирининг бениҳоя катта эканига далолат қилувчи бир қанча оятлар келган.

Вақт неъматини билдирувчи оятлардан намуналар

Ушбу ўринда вақт неъматини билдирувчи оятлар-
нинг баъзиларини келтириб ўтаман:

۱۷ ﴿اللَّهُ الَّذِي خَلَقَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ وَأَنْزَلَ مِنْ كُمْ سَمَاءً مَاءً فَأَخْرَجَ بِهِ مِنَ الشَّمَرَاتِ رِزْقًا لَكُمْ وَسَخَّرَ لَكُمُ الْفُلْكَ لِتَجْرِيَ فِي الْبَحْرِ بِأَمْرِهِ وَسَخَّرَ لَكُمُ الْأَنْهَارَ ۲۲ وَسَخَّرَ لَكُمُ الشَّمْسَ وَالْقَمَرَ دَإِبَيْنِ ۲۳ وَسَخَّرَ لَكُمْ أَيْلَلَ وَالنَّهَارَ وَأَتَنْكُم مِنْ كُلِّ مَا سَأَلْتُمُوهُ وَإِنْ تَعْدُوا نِعْمَتَ اللَّهِ لَا تُخْصُّوهَا ۲۴ إِنَّ الْإِسْنَنَ لَظَلْوُمٌ كَفَّارٌ﴾

«Аллоҳ осмонлар ва Ерни яратган ва осмондан сув (ёмғир, қор) ёғдериб, у сабабли сизларга ризқ бўладиган меваларни чиқарган зотдир. У (Ўз) амри билан денгизда сузуб юриши учун кемаларни сизларга бўйин сундирди. Яна дарёларни ҳам сизларга бўйин сундирди. (У) доимо фаолият кўрсатиб турувчи Куёш ва Ойни ҳам сизларга бўйин сундирди. Шунингдек, сизларга барча сўраган нарсаларингиздан ато этди. Агар Аллоҳнинг неъмат(лар)ини санасангиз, саноғига ета олмайсиз. Ҳақиқатан, инсон (ўзига) ўта золим ва (Раббига) жуда ношукрдир» (Иброҳим сураси, 32,33,34-оятлар).

Кувватим борида фойдам билмадим,
Тушунган вақтимда кучим бўлмади.

Ха, Аллоҳ таоло кўплаб улуғ неъматлари ичидагача ва кундуз неъматини ҳам берган. Бу иккиси эса, биз сўз юритаётган вақтдир. Ушбу улкан олам ибтидодан интихога қадар вақт суратида ўтиб бораверади. Аллоҳ таоло бу улуғ неъматни бошқа бир оятда қуйидагича таъкидлайди:

﴿ وَسَخَّرَ لَكُمْ أَيَّلَ وَالنَّهَارَ وَالشَّمْسَ وَالقَمَرَ
وَالنُّجُومُ مُسَخَّرَاتٌ بِأَمْرِهِ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِّقَوْمٍ
يَعْقِلُونَ ﴾

۱۲

«У сизлар учун кечада ва кундузни, Қуёш ва Ойни бўйин сундириб қўйди. Юлдузлар ҳам Унинг амрига бўйин сундирилгандир. Албатта, бунда англайдиган кишилар учун (Унинг қудратига далолат қилувчи) аломатлар бордир» (*Наҳл сураси, 12-оят*).

Аллоҳ таоло оят сўнгида ақл юритувчилар ва тадаббур қилувчиларга мазкур неъматларда улкан белги-аломатлар борлигига ишора қилган.

Бошқа бир оятда қуйидагича хабар берган:

﴿ وَجَعَلْنَا أَيَّلَ وَالنَّهَارَ إِيَّاهُنَّ فَمَحَوْنَا إِيَّاهَ أَيَّلَ
وَجَعَلْنَا إِيَّاهَ النَّهَارِ مُبَصِّرَةً لِتَتَبَغُّوا فَضْلًا مِنْ رَبِّكُمْ
وَلِتَعْلَمُوا عَدَدَ السِّنِينَ وَالْحِسَابَ وَكُلَّ شَيْءٍ فَضَلَّنَاهُ ﴾

۱۳

Қуёшнинг ҳар ботишида бир парча камайишинг бор.

«Биз кеча ва кундузни (қудратимизни кўрсатиб турадиган) икки белги қилиб қўйдик. Кечанинг белгисини ўчирдик. Кундуз аломатини эса, Раббинги здан фазл (ризқ) исташларингиз учун ҳамда йиллар саноғини ва ҳисобини билишингиз учун ёруғлик қилиб қўйдик. Барча нарсани батафсил баён қилиб қўйганмиз» (ИсроЬ сураси, 12-оят).

Яна бир оятда қуидагича хабар берган:

﴿ وَمِنْ ءَايَتِهِ الْيَلْ وَالنَّهَارُ وَالشَّمْسُ وَالقَمَرُ
لَا سَجَدُوا لِلشَّمْسِ وَلَا لِلْقَمَرِ وَأَسْجَدُوا لِلَّهِ الَّذِي
خَلَقَهُنَّ إِنْ كُنْتُمْ إِيمَانٌ تَعْبُدُونَ ﴾



٣٧

«Кеча ва кундуз, Қуёш ва Ой Унинг аломатлари-дандир. Агар сизлар (Аллоҳга) ибодат қилувчи бўлсангиз, Қуёшга ҳам, Ойга ҳам сажда қилмангиз, (балки) уларни яратган зот – Аллоҳга сажда қилингиз!» (Фуссилат сураси, 37-оят).

Ушбу оятда Аллоҳ таоло замон ва маконнинг ҳам, замону маконга алоқадор барча нарсаларнинг ҳам эгаси Ўзи эканини мадҳ қилиб келтирган. Бу ҳақда бошқа бир оятда қуидагича хабар берган:

﴿ وَلَهُ مَا سَكَنَ فِي الْيَلِ وَالنَّهَارِ وَهُوَ السَّمِيعُ
الْعَلِيمُ ﴾



١٣

«Кеча ва кундузда сокин турувчи нарсалар (ҳам) Уницидир. У Самеъ (эшитувчи) ва Алим (билувчи) дир» (Анъом сураси, 13-оят).

Оламда кун йўқки топмаса завол,
Абадий қолмайди бу ҳусну жамол.

Умрларини зое қилган кофирларга Аллоҳ таолонинг ғазаб қилиши

Оятларда Аллоҳ таолонинг кофирларга ғазаб билан хитоб қилиши хабари берилган. Чунки улар умрларини зое қилиб, умр бўйи куфрда яшаган эдилар. Умрларининг узун бўлганига қарамасдан, куфрдан иймонга ўтмаган эдилар. Ваҳоланки, Аллоҳ таоло уларга мўл-кўл вақт ва узундан-узоқ умр ато этган эди. Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай хабар берган:

أَوْلَمْ نُعِمِّرْكُمْ مَا يَتَذَكَّرُ فِيهِ مَنْ تَذَكَّرَ وَجَاءَ كُمْ
أَنَّذِيرُ فَذُوقُوا فَمَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ نَصِيرٍ



«Ахир, Биз сизларга эслатма оладиган киши эслатма олгудек узун умр бермаганмилик?! Сизларга огоҳлантирувчи (пайғамбар) ҳам келган эди-ку! Бас, энди (жазоларингизни) тотаверингиз! Золимлар (кофирлар) учун ёрдамчи бўлмас» (Фотир сураси, 37-оят).

Ушбу оятда Аллоҳ таоло бандага берилган умрни унинг насиҳат олиши ва тўғри йўлни топишига асосий сабаб қилган ҳамда иймонга келиш ва эслатма олишга имкон майдони қилиб берган. Элчи юбориш ва огоҳлантириш моҳиятини инсонга қарши ҳужжат қилганидек, берилган умрни ҳам инсоннинг ўзига қарши ҳужжат қилиб қўйган.

Хофиз Ибн Касир раҳматуллоҳи алайҳ мазкур ояти кариманинг тафсирида қуйидагиларни айтганлар: «Яъни агар ҳақни топишга уринганингизда уни топа оладиганча муддат миқдорида дунёда яшамадингиз-

Олинган ҳар бир нафас умрнинг бир парчасидир.

ми?» дейилади». Қатода раҳматуллоҳи алайҳ: «Билингларки, узун умр ҳужжатдир, Аллоҳ таолодан узун умр туфайли таънага қолишдан паноҳ сўраймиз», деганлар.

Олтмиш йил умр берилган кишига узр учун ўрин қолмагани

Имом Бухорий «Саҳиҳ»ларида қуидаги ҳадисни ривоят қилганлар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «أَعْذَرَ اللَّهُ إِلَى امْرِئٍ أَخَرَ أَجَلَهُ حَتَّىٰ بَلَغَهُ سِتِّينَ سَنَةً». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ таоло ажалини кечиктириб, ёшини то олтмиш йилгача етказган кишига узр учун ўрин қолдирмаган», дедилар». (Бухорий ривоят қилган).

Имом Аҳмад ҳам «Муснад»ларида қуидагича ривоят қилганлар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: قَالَ: «مَنْ عَمَّرَهُ اللَّهُ سِتِّينَ سَنَةً ، فَقَدْ أَعْذَرَ إِلَيْهِ فِي الْعُمُرِ». رَوَاهُ أَحْمَدُ.

Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ таоло кимга олтмиш йил умр берган бўлса, батаҳқиқ Аллоҳ унга умр тўғрисида узр қолдирмабди», дедилар». (Имом Аҳмад ривоят қилган).

Ўтиб кетган йилингдан топчи бир кун,
Бугун қайтиб келурму кечаги кун.

Яъни Аллоҳ таоло ушбу узун муддатли умрни унга муҳлат қилиб бериш билан унинг узрини кетказиби ва ўзини оқлашига бирон-бир баҳона қолдирмабди.

Аллоҳ таолонинг вақт билан қасамёд этгани унинг улуғворлиги ва аҳамиятини баён қилишидир

Бир қанча ояллар борки, уларда ушбу асл неъматнинг улуғворлигига ишора қилинганди. Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг турли ўринларида замон билан қасам ичганининг ўзи ҳам вақтнинг қадрини билишингизга кифоя қилади. Замон қийматини билдириш ва аҳамиятини баён қилиш учун кўплаб оялларда вақт билан қасам ичилган. Жумладан, тун, кундуз, тонг, субҳидам, шафак, чошгоҳ ва аср вақтлари қасам билан баён қилинганди. Қуидаги ояллар мазкур маъноларни ифодалайди:



«Қасамёд этаман қоплаб келаётган тун билан, ёришиб келаётган кун билан» (Лайл сураси, 1,2-оятлар).



«Ўтиб кетган тун билан ҳам, ёришиб келаётган тонг билан ҳамки» (Муддассир сураси, 33,34-оятлар).



«Ўз зулмати билан келиб-кетаётган тун ва (отаётган) тонг биланки» (Таквир сураси, 17,18-оятлар).

Эй ғофил, кўп ўйлаб фойда-ю мол,
Умринг сармояси айлама поймол.

﴿فَلَا أُقِسِّمُ بِالشَّفَقِ ﴾١٦ ﴿وَالْيَلِ وَمَا وَسَقَ ﴾١٧﴾

«Бас, қасамёд этаман (Қуёш ботаётган пайтдаги) шафак билан, тун ва у қамраб олган (барча) нарса билан» (Иншиқоқ сураси, 16-17-оятлар).

﴿وَالْفَجْرِ ﴾١ ﴿وَلِيَكَلِ عَشَرٍ ﴾٢﴾

«Қасамёд этаман тонг (вақти) билан, «Ўн кеча» билан» (Фажр сураси, 1,2-оятлар).

﴿وَالضَّحَىٰ ﴾١ ﴿وَاللَّيْلِ إِذَا سَجَىٰ ﴾٢﴾

«Қасамёд этурман чошгоҳ вақти билан ва (ўз зулмати билан атрофни) қоплаб турган тун биланки» (Зуҳо сураси, 1,2-оятлар).

﴿إِنَّ الْأَنْسَنَ لَفِي حُسْرٍ ﴾١ ﴿وَالْعَصْرِ ﴾٢﴾

«Аср билан қасамёд этурманки, (ҳар бир) инсон зиёнда (бахтсизликда)дир!» (Аср сураси, 1,2-оятлар).

Аллоҳ таоло қайси нарсага замон билан қасамёд этган бўлса, унинг катта аҳамиятга молик муҳим нарса экани мулоҳаза қилинади. Жуда муҳим бўлган икки иш тўғрисида замон билан қасамёд этилган. Биринчи-си, мушриклар ва душманлар ўйлаганидек Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни Роббиси ташлаб қўймагани, иккинчisi, барча инсоннинг зиён-заарар ва ҳалокатга йўлиқувчи экани, фақатгина иймон келтирганлар ва солиҳ амал қилганларгина бундан мустасно бўлишига замон билан қасамёд этиб хабар берган:

وَالضَّحْنِ ۝ ۱ وَالْيَلِ إِذَا سَجَنَ ۝ ۲ مَا وَدَعَكَ رَبَّكَ وَمَا
قَنَ ۝ ۳

«Қасамёд этурман чошгоҳ вақти билан ва (ўз зулмати билан атрофни) қоплаб турган тун биланки, (эй, Мұхаммад!) Раббингиз Сиздан воз кечгани ҳам йўқ, ёмон кўриб қолгани ҳам йўқ!» (Зуҳор сураси, 1,2,3-оятлар).

وَالْعَصْرِ ۝ ۱ إِنَّ الْإِنْسَنَ لَفِي خُسْرٍ ۝ ۲ إِلَّا الَّذِينَ
أَمْنُوا وَعَمِلُوا الصَّلِحَاتِ وَتَوَاصَوْا بِالْحَقِّ وَتَوَاصَوْا
بِالصَّبَرِ ۝ ۳

«Аср билан қасамёд этурманки, (ҳар бир) инсон зиёнда (бахтсизликда)дир! Фақат имон келтирган ва солиҳ амалларни қилган, бир-бирларига ҳақиқатпарвар бўлишни тавсия этган ва бир-бирларига сабрли бўлишни тавсия этган зотларгина бундан мустаснодирлар» (Аср сураси, 1,2,3-оятлар).

Уммат олими, Қуръон таржимони Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анхумо ушбу оят тафсирида: «Аср бу вақтдир» деганлар.

Фахриддин Розийнинг вақт қиймати ва шарафини баён қилгани

Имом Фахриддин Розий раҳматуллоҳи алайҳ «Аср» сурасини тафсир қилиб шундай деганлар: «Аллоҳ таолонинг «Аср» билан, яъни вақт билан қасамёд этиши, унда ажойиботлар бўлгани учундир. Чунки хурсан-

Эй одам боласи, кунинг меҳмонингдир, у сендан рози бўлмасдан кетмасин, тунинг ҳам шунингдекдир.

длик ҳам, хафалик ҳам, саломатлик ҳам, беморлик ҳам, бойлик ҳам, фақирлик ҳам барча-барчаси вақт ичида ҳосил бўлади. Ўтаётган умрни бирор бир бойлик билан баҳолаб бўлмайди.

Шундай экан, агар сиз минг йилни бемаъни ишларга сарфлаб, зое кетказган бўлсангизу, умрингизнинг охирги дақиқасида тавба қилишга муваффақ бўлиб, ўша лаҳзадагина сизга саодат мушарраф бўлса ва натижада сиз абадул-абад жаннатда яшашга ноил бўлсангиз, демак, сиз учун энг шарафли нарса ўша лаҳзада кечирган ҳаётингиздир. Шундай экан, вақт асл неъматлар жумласидан саналади. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло вақт номи билан қасам ичган. Кеча ва кундуз инсон зое қилиб юбораётган фурсат эканига эътиборни қаратган. Вақт бенуқсон ва холис неъмат бўлгани сабабли макондан кўра шарафли ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло у билан қасам ичган. Ҳа, зиён-зарарга йўлиқувчи айбдор шахс инсоннинг ўзидир».

Ушбу қараш вақтнинг қиймати, унинг барча неъматлар ичида асл ва улуғ эканига ишора қилувчи оятлар маъноларининг бир тарафи холос.

Вақт қиймати ҳақида суннатда келган хабарлар

Суннати мutoҳҳарода вақт қиймати ҳақида ёрқин хабарлар келган. Жумладан Бухорий, Термизий ва Ибн Можалар Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилишган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ

عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «نِعْمَتَانِ مَغْبُونٌ فِيهِمَا كَثِيرٌ مِّنَ النَّاسِ الصِّحَّةُ
وَالْفُرَاغُ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **Икки неъмат борки, кўп инсонлар улардан бебахра қолишган,** (Улар): Соғлик ва бўш вақтдир», дедилар» (Бухорий ривоят қилган).

Демак, вақт катта неъмат ва улкан ҳадя бўлиб, ҳадиси шариф лафзида **«кўп инсонлар бебахра»** дейилишига кўра бундай буюк ҳадядан жуда кам инсонларгина баҳраманд бўлар экан. Бу икки неъматни исроф қилиб бебахра қоладиганлар эса кўпчиликни ташкил қиласкан.

Вақтга надомат обид ва оқилнинг наздида ҳалок қилувчи надоматдир


Имом Ибн Қаййум раҳматуллоҳи алайҳ «Мадарижус соликийн» номли китобларида вақтни қизғаниш ва вақт кўп ишларни ўз ичига қамраб олиши ҳақида сўз юритиб, қуйидагиларни баён қилган: «Үтиб кетган вақтга афсусланиш ҳалок қилувчи надоматдир. Чунки ҳар бир лаҳза тез үтиб кетадиган, қадри баланд ва қайта келмайдиган фурсатдир. Вақт обид инсон наздида ибодат ва вирдлар вақтидир. Муриднинг наздида эса у Аллоҳ таолога юзланиш, Унинг ҳузурида жамланиш ва бутун қалби билан батамом Унга юзланиш вақтидир. Шунинг учун вақт унинг наздида энг азиз нарсадир. Обид ҳам, мурид ҳам вақтини ўша амалларсиз ўтказиб юборишдан қаттиқ қизғанади. Агар вақт ўша амалларсиз үтиб кетса,

Модомики, ҳар бир тирик жоннинг ниҳояси ўлим экан, инсоннинг умри қанча узун бўлмасин, барибир қисқадир.

кейин ўрнини тўлдириш имкони бўлмайди. Чунки кейинги келган вақт бошқа ўзига хос вазифага ҳақлидир. Ўтказиб юборилган вақт ўрнини тўлдиришнинг асло иложи йўқ.

«Ҳалок қилувчи надомат» деган сўзнинг маъноси шуки, ўша надоматнинг белгиси худди ўлдиришга ўхшайди. Чунки бой берилган нарсанинг ҳасрати ҳалок қилувчи ҳасратдир. Айниқса, ҳасрат чекувчи уни тўлдиришга йўл йўқлигини билса. Шунингдек, вақтни ўтказиб юборганига афсусланиб ўтиришнинг ўзи ҳам яна вақтни беҳуда кетказишидир. Худди «ўтган вақтга надомат чекиб ўтириш ҳозирги вақтни зое қилишдир» дейилгани каби. Шунинг учун ҳам «вақт қилич кабидир, агар сен уни кесмасанг, у сени кесади», дейилган.

Ҳақиқатан ҳам, вақт тез тугайдиган ва тўхтамасдан доимий ўтиб турадиган нарсадир. Кимки унга беэътибор бўлса, вақти беҳуда ўтиб кетади, ўтказиб юборган имкониятлари кўпаяди ва ҳасратлари кучайиб боради. Айниқса, имконини бой бериб бўлганидан кейин нимани зое қилганини билса, қай ҳолатга тушишини тасаввур этаверинг. У олдинги ҳолатига қайтишга уринади, аммо у билан қайтиш ораси тўсилган бўлади. Ўтказиб юборган нарсаларини қайта қўлга киритиш учун изланади, аммо кечаги кун бугунги янги кунга қандай қайтарилсин?



«Йироқ бир жойдан (тавбага) эришиш қаёқда экан уларга?!» (Сабаб сураси, 52-оят).

Вақтга эътиборсиз кимса ўзи яхши кўрадиган ва хоҳлаган нарсаларидан маҳрум бўлади. Эришган нарсала-

Вақт бу ҳаётдир, ҳаёт эса олтиндан қимматдир.

ри оқил киши құлға киритиши лозим бўлган нарсалар эмаслигини билади. Вақтни йўқотгани туфайли истакларига эришишдан маҳрум бўлади.

فِي حَسَرَاتٍ مَا إِلَى رَدِّ مُثْلَهَا
سَبِيلٌ وَلَوْ رَدَتْ لَهَانَ التَّحْسِرُ !

وَالْوَارِدَاتُ سَرِيعَةُ الزَّوَالِ
تَمَرٌ اَسْرَعُ مِنَ السَّحَابِ

*Во ҳасрато, унинг мислин қайтаришга йўл йўқ,
Қайтарилганида қайғуриш аҳамиятсиз бўларди.*

*Барча келувчиларнинг заволи тездир,
Булутлардан-да тезроқ ўтарлар.*


Вақт ўзидаги нарсалари билан бирга ўтиб кетади. Сизга фақатгина унинг асари ва ҳукми қайтади. Ўзингиз учун ўтказган вақтингиздан нима қайтишини танлайсиз? Ўша нарса албатта сизга қайтади. Шунинг учун ҳам жаннатда саодатли зотларга қуидагича хитоб бўлади:

﴿كُلُّاً وَأَشْرَيْوْا هِنِيئًا بِمَا أَسْلَفْتُمْ فِي الْأَيَامِ الْخَالِيَةِ﴾

«(Жаннат аҳлига): «Ўтган кунларда (дунёда) қилиб ўтган (эзгу) амалларингиз сабабли (ушбу ноз-неъматларни) ёқимли иштаҳа билан еб-ичаверингиз!» (дийилур)» (Ал-Ҳаққоҳ сураси, 24-оят).

Дўзахда азобланәётган бадбаҳтларга эса шундай дейилади:

﴿ذَلِكُمْ بِمَا كُنْتُمْ تَفْرَحُونَ فِي الْأَرْضِ بِغَيْرِ الْحَقِّ وَبِمَا



**«Мана шу азобга (йўлиқишлиарингиз)га сабаб –
сизлар ерда ноҳақ шоду хуррам ва кибр-ҳаволи
бўлганингиздир» (Ғофир сураси, 75-оят).**

(«Мадорижус соликин» китобидан бир оз қисқартириш билан олинган).

Манфаатларнинг вақтдан келиб чиқиши, уни зое қилган кимса ҳеч қачон ўрнини тўлдира олмаслиги

И мом И бн Қаййум «Жавабул кафий лиман саъала ан даваиш шафий» китобида қўйидагиларни айтган: «Фикрларнинг энг олийси, энг буюги ва энг манфаатлиси Аллоҳ ва охират учун бўлганидир. Аллоҳ учун фикрлашнинг бир қанча навлари бор... бешинчи нав: вақтнинг вожиби ва вазифаси ҳақида фикрлаш ҳамда бутун диққат-эътиборини унга қаратишидир. Буни билган киши ўз вақтини ғанимат билиши аниқ. Чунки у вақтни зое кетказса, ҳамма манфаатларни зое қилган бўлади. Зоро, барча манфаатлар вақтдан келиб чиқади. Кимки вақтни зое қилса, ҳеч қачон унинг жойини тўлдира олмайди!

И мом Шофеъий раҳматуллоҳи алайҳ айтади: «Мен сўфийлар билан бирга юриб, улардан икки сўзни истифода қилдим:

1. «Вақт қиличdir, агар сен уни кесмасанг у сени кесади».

2. «Нафсингни агар ҳақ билан машғул қилмасанг, у сени ботил билан машғул қиласди.

Инсоннинг вақти аслида унинг умри бўлиб, доимий неъматдаги абадий хаётининг ёки аламли азобдаги танг

*Икки хил ном қолар тилда бегумон,
Бири яхшилигү, бириси – ёмон.*

ҳаётининг асосидир. У булутлардан ҳам тезроқ ўтиб кетади. Кимники вақти Аллоҳ учун ва Аллоҳ зикри билан ўтган бўлса, ўша вақт унинг ҳаёти ва умридир. Ундан бошқа нарса билан ўтган вақт эса, агарчи узундан-узоқ яшаган бўлса ҳам, унинг ҳақиқий ҳаёти ҳисобланмайди. Чунки у ҳайвонлар каби яшабди. Зоро, киши ўз вақтини ғафлат, шаҳват ва ботил орзулар билан ўтказганидан кўра, уйқу ва бекорчиликда ўтказгани яхшироқ бўлиб қолади.

Ўтган солиҳларнинг вақтдан ютишга ва уни яхшилик билан тўлдиришга астойдил интилишлари

Ўтган солиҳлар ва уларнинг йўлини тутганлар вақтдан фойдаланиш ва уни яхшиликлар билан тўлдиришга қаттиқ аҳамият берганлар. Бу борада уларнинг олимлари ҳам, обидлари ҳам баробар эдилар. Вақтларини қизғангандар ҳамда унинг беҳуда ўтиб кетишидан сақланганлари учун ўтаётган ҳар соат ва ҳар лаҳзани хайрли ишларга мусобақалашиб ўтказардилар.

Қуёшни тўхтатиб тур, шунда сен билан гаплашаман

Зоҳид тобеъинлардан бўлган Омир ибн Абду Қайсдан нақл қилинади: «Бир киши унга: «мен билан гаплашинг», дебди. Омир ибн Абду Қайс унга: «Қуёшни тўхтатиб тур, яъни мен учун Қуёшни ҳаракатидан ушлаб тур, сен билан гаплашаман. Чунки вақт тўхтовсиз ўтиб кетувчидир. Ўтганидан кейин қайта келмас. Унинг зарари ўрнини тўлдириб бўлмайдиган заардир. Чунки ҳар бир вақтда унда қилиниши лозим бўлган амал бордир», дебди.

*Үллим туттасдан уйгон, эй инсон,
Табириңни күргин айни шу замон.*

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анхунинг умридан ўтган бир куни учун надомати

Буюк саҳобий Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анху шундай деган: «Мен ажалим қисқарив, амалим кўпай- масдан қуёши ботган кунга чеккан надоматимчалик бирор нарсага надомат чекмадим».

Кеча ва кундуз устингда ишламоқда сен ҳам уларда ишлаб қолгин!

Солиҳ халифа Умар ибн Абдулазиз розияллоху анху: «Албатта кеча ва кундуз сенинг устингда ишляпти, сен ҳам уларда ишлаб қолгин», деди. (Яъни кеча ва кундуз инсон вужудига лаҳзама-лаҳза таъсир ўтказиб ўтиб бораяпти.)

Эй одам боласи, сен кунлардан иборатсан!

Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ: «Эй Одам боласи! Сен кунлардан иборатсан. Бир кун ўтса, сенинг бир бўла- гинг кетган бўлади». Ва яна: «Бир қавмларни билдимки, улар вақтларига сизларнинг динору дирҳамингизга ҳарис бўлишингиздан кўра ҳарисроқ эдилар», деганлар.

Ҳаммод ибн Салама ё ҳадис айтарди, ё Қуръон ўқирди, ё тасбеҳ ёки салавот айтарди

Хофиз Заҳабий «Тазкиратул Хуффоз»да мухаддис имом Ҳаммод ибн Салама Басрий Баззоз Хироқийнинг таржимаи ҳолларини қуйидагича келтирган: «Мухаддис

имом, наҳв билимдони, ҳофиз, шайхул ислом бўлган бу зот ҳижрий 92 йилда туғилиб, 167 йилда вафот этган. Бу зот Ибн Абу Аруба билан бирга энг аввал китоб тасниф қилган кишилардан ҳисобланади. Араб тилининг моҳир билимдони, фақих, фасоҳат билан гўзал сўзлагувчи, суннат соҳиби бўлган бу зот кўп ибодат қилувчи обид ҳам эди.» Унинг шогирди Абдурраҳмон ибн Маҳдий айтади: Агар Ҳаммод ибн Саламага: «Сиз эртага вафот этасиз», дейилганида ҳам, қилаётган амалига бирор нарсани зиёда қила олмасди. (Чунки шу даражада кўп амал қиласиди, буларга яна зиёда қилишнинг ҳеч имкони йўқ эди.)

Мусо ибн Исмоил Табувзакий айтади: «Агар мен сизларга Ҳаммод ибн Саламанинг кулганини кўрмаганман десам, албатта рост айтган бўламан. У ё ҳадис айтиш, ё Қуръон ўқиши, ёхуд тасбех, ё салавот айтиш билан машғул бўларди. Кунни шу нарсаларга тақсим қилганди. Юнус ал-Муаддид: «Ҳаммод ибн Салама намозда вафот этди, унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин», деган.

Халил ибн Аҳмадга энг оғир вақт таомланишга кетган вақт экани

Абу Ҳилол Аскарий ўзининг «Ал-Ҳассу ъала толабил илми вал ижтиҳоду фи жамъиҳи» китобида қўйидагиларни айтган: «Халил ибн Аҳмад Фароҳидий ал-Басрий ўта зукко олимлардан эди. Юзинчи санада туғилиб, бир юз етмишинчи санада вафот этган. У зот шундай эди: «Мен учун энг оғир вақт таом ейдиган вақтимдир.»

Аллоҳу акбар! У зот наздида илм ўрганмасдан бирор вақт ўтказиш нақадар оғир! Вақтни қизғаниш эса бунчалар алангали!

Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳнинг вафот этаётган вақтда ҳам фиқҳий масала ҳақида баҳс қилгани

Имом Қози Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ (Яъқуб ибн Иброҳим Ансорий Куфий Бағдодий) ҳижрий 113 йилда таваллуд топган ва 182 йилда вафот этган бўлиб, Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг соҳиби, шогирди, ҳамда у зотнинг илми ва мазҳабини тарқатувчиси ҳисобланади. Бу зот Аббосий халифалардан Маҳдий, Ҳодий ва Рошийд даврида қозилик қилган. Биринчи бўлиб «Қозилар қозиси» деган номга шу зот сазовор бўлган. Бу зотни «Дунё қозиларининг қозиси» деб аташган. Ана шу зот жон таслим қилаётган сўнги нафасларида ҳам бирор бир ўрганувчи ё толиби илмнинг манфаат олишидан умидвор бўлиб, ўзларини кўришга келган зиёратчилардан бири билан фиқҳий масала тўғрисида баҳс юритган. Ҳаётининг энг охирги лаҳзасини ҳам илмий музокарасиз, фойда беришсиз ва савол сўрашсиз ўтказиб юбормаган.

Унинг шогирди қози Иброҳим ибн Жарроҳ Куфий Мисрий гапириб берган: «Абу Юсуф касал бўлиб қолди. Уни кўришга бордим. Борганимда у беҳуш ётганди. Ўзига келгач, менга: «Эй Иброҳим бир масала тўғрисида нима дейсан?» деди. Мен: «Шундай ҳолатда-я?» дедим. У: «Бунинг зарари йўқ, дарс қилаверамиз эҳтимол бирор киши бу дарсимииздан нажот топар?» деди. Сўнгра: «Эй Иброҳим тош отишда, яъни ҳаж ибодатларида пиёда юриб отган афзалми ё уловда отган афзалми?» деди. Мен: «Уловда отган афзал», дедим. У «Хато қилдинг», деди. Мен: «Пиёда юриб отган афзал», дедим. У яна хато қилдинг, деди. Шунда мен Аллоҳ сиздан рози бўлсин,

ўзингиз айтинг, дедим. У: «Агар ўша ерда дуо қилиш учун тўхтайдиган бўлса, пиёда юриб отгани афзал, агар тўхтамайдиган бўлса уловда отгани афзал», деди. Сўнгра мен унинг ҳузуридан чиқдим. Ҳовлисининг дарвозасига ҳам етиб бормасимдан ичкарида йиғи овози эшитилди. У зот вафот этган эди. Аллоҳ уни ўз раҳматига олган бўлсин».

Олдинги уламолар ва машойихларнинг тутган йўллари шундай бўлган. Зеро, улар: «Илм талаб қилиш бешикдан қабргачадир», дейдилар.

Абу Юсуфнинг ўғли вафот этган пайтда ҳам дарсга ҳозир бўлиш учун кафандаш ва дафн этишни бошқаларга топширгани

Заковатли буюк имом, таниқли қози Абу Юсуф доимо устози Имом Абу Ҳанифанинг ёнида бўларди. У ўн етти йил, ё йигирма тўққиз йил устозининг мажлисидан ажрамаган. Бирорта ҳам бомдод намозини устозининг ёнида ўқимасдан ўтказиб юбормаган. Касал бўлиб қолган пайтидан ташқари, ҳатто Рамазон ва Курбон ҳайитларида ҳам ҳеч қачон ундан ажрамаган. «Муҳаммад ибн Қудома ривоят қиласи: Шужъиб ибн Махладдан эшиитганман, у Абу Юсуфнинг шундай деганини эшиитган: «Ўғлим вафот этганда кафандашга ҳам, дафн этишга ҳам бора олмаганман, уни қўшниларим ва қариндошларимга топширганман. Чунки Абу Ҳанифадан бирор нарсани эшита олмай, кейин доимий армонда қолишдан қўрқандим».

Муҳаммад ибн Ҳасан тунда озгина ухларди

Аллома Тошкубрайзода «Мифтаҳус саъада ва мисбаҳус сияда» номли китобида қўйидагиларни айтган:

«Имом, фақих, мужтахид, муҳаддис, имом Абу Ҳанифанинг шогирди Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний Қуфий Бағдодий (хижрий 132 йилда туғилиб, 189 йилда вафот этган) раҳматуллоҳи алайҳ тунда ухламасди. Олдилари га дафтарларни, яъни, китобларни қўйиб қўярди. Агар бирортасидан чарчаса бошқасига ўтарди. Уйқусини сув билан кетказарди ва «уйқу ҳароратдан келади», дерди.

Исом Балхийнинг эшиитган нарсасини ўша заҳоти ёзиб олиши учун бир динорга қалам сотиб олгани

Аллома Тошкубрийзода қуидагиларни айтган: «Ҳанафий фақих, Балхининг муҳаддиси, Исом ибн Юсуф Балхий раҳматуллоҳи алайҳ (215 йилда вафот этган) эшиитган нарсасини ўша заҳоти ёзиб олиши учун бир динорга қалам сотиб олган. (Яъни, 4,25 гр олтинга қалам сотиб олган.) Чунки умр қисқа, илм эса кўпдир. Толиби илмга вақтларини, соатларини зое қиласлиги, кечалири-ю, бўш вақтларини ғанимат билиши, имкони борида устозларидан фойдаланиб қолиши лозим бўлади. Зеро, ўтиб кетган нарса асло қайта топилмас!

وَلَسْتُ بِمُدْرِكٍ مَا فَاتَ مِنِي
بِلَهْفٍ وَلَا بِلَيْتَ وَلَا لَوْ أَنِّي!

Ўтиб кетган нарсани ҳаргиз топа олмасман,
На изтироб, на кошки, на «эҳ, агар» билан ҳам!

Муҳаммад ибн Салом Пойкандийнинг: битта қаламга бир динор бераман, деб нидо қилгани

Имом Бухорийнинг шайхи Муҳаммад ибн Салом Пойкандий (хижрий 227 йилда вафот этган) талабалик

*Вақт – уни билганлар учун энг қиммат,
бilmaganlar учун энг арzon нарсадир.*

пайтида имло мажлисида (яъни, устоз айтган ҳадисларини талабалар ёзиб олишаётган даврада) ўтирган эди. Муҳаммад ибн Саломнинг қалами синиб қолди. Шунда битта қаламга бир динор⁴, деб жар солишга буюрди. Ҳамма тарафдан қаламлар унга қараб учди. Буни Ҳофиз Айний «Умдатул қорий» да ҳикоя қилган.

У зотнинг бунчалик сахийлик билан мол сарфлашлага ўша қимматли фурсатнинг ва шу вақтда имло қилинаётган ҳадисларнинг қадрини билгани сабаб бўлган. Ушбу зот замон ва вақтнинг қадрини билган олим ва толиби илм эди. Шу сабабли битта қалам олиш учун олтину динорни сарф қилиб юбораверган.

Убайд ибн Яъийшнинг ҳадис ёзиши учун кечки овқатини ўттиз йил синглиси оғзига солиб тургани

Ҳофиз Заҳабий «Сияру аъламун Нубало»да Бухорий ва Муслимнинг шайхи, улуғ муҳаддис Убайд ибн Яъийшнинг таржимаи ҳоли тӯғрисида қуйидагиларни ҳикоя қилган: «У ҳофиз, танҳо ҳужжат, Абу Муҳаммад Убайд ибн Яъийш Куфий, Маҳамилий ал-Аттор бўлиб, ундан Бухорий «Роғъул ядайн» жузъида, Муслим «Саҳиҳ»ида, Насоий билвосита, Абу Заръата Розий, Муҳаммад ибн Айюб Бажалий ва бошқалар ҳадис ривоят қилишган. 129-ҳижрий санада Рамазон ойида вафот этган».

Аммор ибн Ражо айтади: Убайд ибн Яъийшнинг шундай деганини эшитганман: «Ўттиз йил кечалари қоим бўлдим, тунда қўлим билан овқат емадим, мен ҳадис ёзардим, синглим оғзимга овқат солиб қўярди».

⁴ Динор олтин танга бўлиб, 20 динор закот нисоби ҳисобланади. Яъни бу зотдарснинг қадрига етгандарни ва вақтларини қизганганлари учун закот нисобининг йигирмадан бири микдоридаги маблағни битта қалам олишга сарфлаб юборганлар.

Ибн Маъйиннинг шайхига: «Менга ҳозироқ имло қилинг, сизга йўлиқмай қолишимдан қўрқаяпман», дегани

Имом Аҳмад ва Имом Абу Ийсо Термизий ривоят қилганлар, ҳадиснинг лафзи ва бу ерда келтирилган исноди Термизийники.

Термизий айтади: Бизга Абд ибн Ҳумайд, Мұхаммад ибн Фазлдан, у Ҳаммод ибн Саламадан, у Ҳабиб ибн Шаҳийддан, у Ҳасан Басрийдан, у Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ҳадис ривоят қилди, «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам (вафотларидан олдин бемор бўлганниклари сабабли) уйларидан Үсома ибн Зайдга суюниб чиқдилар. Устиларида қитрий кийим бор эди, уни эгниларига кийиб олгандилар, уларга намоз ўқиб бердилар.

Термизий ушбу ҳадисни ривоят қилганидан сўнг қуйидагиларни айтган: «Абд ибн Ҳумайд (Термизийнинг шайхи) Мұхаммад ибн Фазлнинг шундай деганини келтирди: «Яҳё ибн Маъийин менинг олдимда биринчи марта ўтирганида мендан ушбу ҳадис ҳақида сўради. Мен бизга Ҳаммод ибн Салама айтган, дедим. У китобингиздан бўлганида эди, деди. Мен китобимни олиб чиқиш учун турдим, у бирдан кийимимдан ушлаб олдида: «Менга ҳозироқ имло қилинг (яъни айтиб беринг), сизга йўлиқмай қолишимдан қўрқаяпман, деди. Мен унга имло қилиб бердим, сўнгра китобимни олиб чиқиб унга ўқиб бердим».

Ибн Маъийиннинг ҳадисда имом экани

Ушбу хабарни янада яхшироқ тушуниш учун Имом Яҳё ибн Маъийиннинг таржимаи ҳолидан айримлари-

ни зикр қилишни лозим деб биламан. Ҳофиз Заҳабий «Сияру аъламун Нубало»да Яҳё ибн Маъйиннинг таржимаи ҳоли ҳақида қўйидагиларни келтирган: «У зот имом, ҳофиз, улуғ олим, ҳофизлар саййиди ва подшоҳи, муҳаддислар шайхи Абу Закарё Яҳё ибн Маъйин ибн Ави ибн Зиёд ибн Бистомдир. Ибн Маъйин араб бўлмаган, балки Бани Мурра қабиласининг баъзилари ни дўст тутган, шунга кўра уни Муррий дейишган, туғилган ва улғайган жойига кўра Бағдодий дейишган. Бу зот улуғ муҳаддисларнинг машҳурларидан бири хисобланади».

Ибн Маъйин ҳижрий 158 йилда Бағдодда таваллуд топган ва шу ерда ўсиб улғайган. У ўн ёшидаёқ ўрганган илмларини ёза бошлаган. Унинг отаси Маъйин Абдуллоҳ ибн Моликнинг Рай харожини ёзадиган мўътабар ёзувчиларидан бўлиб, унга бир миллион дирҳам қолдирган. Яҳё ибн Маъйин ҳадис таҳсили учун барчасини сарф қилиб юборган, ҳатто киядиган оёқ кийими ҳам қолмаган!

Яҳё ибн Маъйин Абдуллоҳ ибн Муборак, Хушайм ибн Башир, Исмоил ибн Айёш, Суфён ибн Уяйна, Абдураззок Санъонийлардан Яманда, Вакиъ ибн Жарроҳ, Яҳё ибн Саъийд Қоттон, Абдурроҳман ибн Маҳдий ва бошқа кўплаб зотлардан Ироқ, Шом, Жазира, Миср ва Ҳижоз ўлкаларида ҳадис эшитган.

Яҳё ибн Маъйиндан Имом Аҳмад ибн Ҳанбал, Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Аббос Дурий Бағдодий (унинг илмини ривоят қилган зот), Абу Заръата Розий, Абу Хотим Розий, Усмон ибн Саъийд Доримий, Абу Яъло Мавсиий ва санаб саноғига етиб бўлмайдиган кўпчилик муҳаддислар ҳадис ривоят қилишган.

Үтәётгән күнларнинг ҳаммаси эмас,
фойдаланган күнларгина сизнинг күнингиздир.

Ибн Маъйиннинг миллионта ҳадисни қўлида ёзгани ва битта ҳадисни эллик марталаб ёзиши

Алий ибн Майдоний айтади: «Инсонларнинг илми Яхё ибн Маъйинда интиҳосига етди». Абдулхолик ибн Мансур айтади: «Мен Абдуллоҳ ибн Румийга: Яхё ибн Маъйиннинг ҳадисларини ривоят қилаётган баъзи ҳадис соҳибларининг: «Менга ҳадисни шундай киши айтиб берганки, қуёш ундан кўра улуғроқ одамнинг устига чиқмаган», деганларини эшитдим, дедим.

Ибн Румий: «Нимага ажабланасан, мен Али ибн Мадинийнинг шундай деганини эшитганман: Унинг мислидек инсонни кўрмаганман, Одамдан бошлаб бирор кишининг Яхё ибн Маъйинчалик ҳадис ёзганини билмаймиз».

Мухаммад ибн Наср Марвазий айтади: «Яхё ибн Маъйиннинг: «Қўлим билан миллионта ҳадис ёзганман», деганини эшитганман⁵.

Заҳабий айтади: «Яъни шу ададда такрорланганини қасд қилган. Унинг айтганига эътибор беринг: «агар ҳадисни эллик марта ёзмасак билмас эдик».

Ибн Маъийин билмаган ҳадис ҳадис эмас

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал айтади: «Яхё ибн Маъ-ийн билмаган ҳадис ҳадис эмас. Яхё ибн Маъийин шундай кишики, Аллоҳ таоло уни шу иш учун яратган, у ёлғончиларнинг ёлғонини зоҳир қиласи».

⁵ Муҳаддислар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзларига ёки саҳоба ё тобеъинларнинг сўзларига тааллукли бўлган ҳар бир хабар ё калимани, ёки ғариб ё ноаниқ лафзни ёришириб берадиган сўзларни агар санади билан ривоят қилинган бўлса ҳадис дейишган. Ушбу адад ана шу маънода айтилган.

*Баъзилар бир йилдан бир ҳафтанигина
фойдали ишга сарфлайдилар.*

Абу Хотим Розий айтади: «Агар Аҳмад ибн Ҳанбални яхши кўрадиган Бағдодликни кўрсанг, билгинки, у суннат соҳибидир, агар Яҳё ибн Маъйинни ёмон кўрганини кўрсанг, билгинки, у каззобдир».

Ибн Маъйиннинг «Агар ёзсанг йиғгин, агар сўзлассанг, текширгин» дегани

Яҳё ибн Маъйин илмни қабул қилиш ва уни тарқатишдаги муҳим услубнинг соҳиби ҳисобланади. Зоро, у зотнинг услублари илм ҳосил қилиш ва етказиашда муҳаддислар ва уламоларнинг дастурига айланган: «**Агар ёзсанг йиғгин, (яъни эшиитган барча нарсангни ёзгин ва жамлагин) агар сўзлассанг, текширгин**» сўзи-ни айтган эди.

Ибн Маъйин қолдирган китобларнинг кўплиги

Солих ибн Аҳмад Ҳофиз айтади: «Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг шундай деганини эшиитганман: «Яҳё ибн Маъйиндан 114 жавон китоблар ва лиқ тўла тўрт сандиқ китоб қолган».

Аллоҳнинг элчисини тухматдан ҳимоя қилган зот

Яҳё ибн Маъйин қачон ҳаж қилса, Маккага Мадина йўлидан борар ва қайтишда ҳам Мадина йўлидан қайтар эди. 233-ҳижрий санада ҳаж қилиш учун йўлга чиққанида ҳаждан олдин Мадина шаҳрига кирди. Зулқаъда ойининг охирлари эди. У шу ерда бетоб бўлиб қолди ва Зулқаъда ойининг тугашига етти кун қолганда вафот этди. Одамлар унинг келганини ва вафот этганини эшитишди. Бани Ҳошим Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи

**Ҳаётнинг қадрини билмайдиган кишигина
вақтни зое қилишга журъат эта олади.**

васаллам ғусл қилдирилган ёғочларни олиб чиқишиди ва уни ҳам ўша ёғочлар устида ғусл қилдиришди. Үнга жаноза ўқилди ва Бақиъ қабристонига дафн этилди. Одамлар: «Бу зот Аллоҳнинг элчисини тухматдан химоя қилган кишидир», дейишарди.

Ибн Маъйин ва шайхи Мұхаммад ибн Фазл ораларида бўлиб ўтган воқеанинг шарҳи

Яхё ибн Маъйиннинг бир ҳадисни шайхи Мұхаммад ибн Фазлдан қабул қилиб олишида содир бўлган воқеада фойдали ибратлар бор. Биз юқорида таржимаи ҳолидан айримларини ўрганган Яхё ибн Маъйин шайхи Ашим лақаби билан танилган Мұхаммад ибн Фазл Садусий Басрийдан унинг ёнига ўтирган заҳоти бир ҳадисни айтиб беришни сўрайди. У ҳадис айтишга жиддийлик билан киришмасдан: «Бизга Ҳаммод ибн Салама айтди» деб бошлаганида, Ибн Маъйин: «китобингиздан бўлганида эди», дейди.

Яхё аслида ундан ҳадис ривоятидаги мустаҳкамлик ва событликни талаб қилган эди. Чунки Мұхаммад Ибн Фазл ҳофиз, событ, содик бўлган таниқли сиқа (ишончли) ровийлардан бири эди. Шундай бўлса-да, Яхё ишонч ва зобт⁶нинг зиёдалигини ирода қилган.

Бешинчи ҳижрий асрларда мадрасалар барпо этилишидан олдин дарслар масжидда, агар талабалар масжидга сиғмасалар, бирор кенг жойда ёки талабалар камроқ бўлса, устознинг ҳовлиси эшиги ёнида бўларди. Мұхаммад ибн Фазл Яхё ибн Маъйинга ушбу ҳадисни ҳовлиси эшиги ёнида айтган.

⁶ Зобт луғатда – «бир нарсани маҳкам тутиб қолиш» маъносини англатади. Истилоҳда «ровийнинг ривоят қилган ҳадисини ўзида маҳкам тутиб қолиши, зобт дейилади.

Вақтдан тўғри фойдаланмайдиган киши вақтнинг қисқалигидан шикоят қилади.

Муҳаммад ибн Фазл уйидан китобини олиб чиқиб ўқиб бериш учун ўрнидан қўзғалган. Яхё устози Муҳаммад ибн Фазлнинг китобини олиб келиш учун уйига бориши ва қайтиб келиши оралиғидаги қисқагина вақтда бирор монелик пайдо бўлиб, натижада ушбу ҳадисни ундан эшита олмай қолишидан қўрқкан. У китобини олиб келиш учун ўрнидан туроётганида кийимидан ушлаб то ҳадисни ёддан айтиб бергунича ҳовлига киришидан тўхтатиб турган. У ҳадис эшитишга иштиёқи кучли бўлгани учун ҳадисни эшита олмай қолишидан қўрқкан. У шайхига: «Менга ҳозир ёдлаб олганингиздан имлоқилиб беринг (яъни айтиб беринг), сизга йўлиқмай қолишимдан қўрқяпман, чунки ҳаётнинг ажратиб қўядиган сабаблари кўп, орамизга бирор тўсиқ пайдо бўлиб, сизни учрата олмай қолишимдан қўрқяпман», деган. Муҳаммад ибн Фазл Яхё ибн Маъййнга аввал ёддан имлоқилиб берган, сўнгра ҳовлисига кириб китобини олиб чиқиб иккинчи марта китобидан ўқиб берган.

Ушбу воқеа бизга Имом Яхё ибн Маъййннинг вақтга ва илм таҳсилида ҳадис ҳофизларига қанчалар ҳарис эканини, илмни мустаҳкамлашда қанчалар матонатли эканини, билиб ўрганишга қанчалар тез ҳаракат қилишини, илмни ва фикрларни қайд қилиб қўйишни кейинга суришдан қанчалар узоқ туришини, илм йўлида ҳаётдаги тасодифий тўсиқлардан қанчалар ҳадиксираганини яққол намоён қилиб беради.

Эътиборни тортган ушбу воқеа туфайли Имом Ибн Маъййннинг вақтни зое қилмасликка ва ундан унумли фойдаланиб қолишига қанчалар ҳаракат қилганини билиб олдик. Шунингдек, қўли билан миллионта ҳадисни ёзишга, шаҳарларни айланишга, шайхлар ҳузурида ҳадис тинглашга, эшитганларини ривоят қилишга ва-

*Вақт ягона сармоянгиздир, уни ўзгалар
сарфлаб юборишига йўл қўйманг!*

минглаб муҳаддислар ва толиби илмлар билан учрашишга қандай имкон топганини ҳам ушбу воқеадан англаб олдик.

Аслида ушбу улуғвор сифат билан сифатланган ва мазкур услубни тутган зот фақатгина Имом Яхё ибн Маъйин эмас, балки худди шу сўзларни Имом Али ибн Мадиний, Аҳмад ибн Ҳанбал, Бухорий, Муслим, Абу Дувуд, Термизий, Насоий ва кўплаб зотлар тўғрисида ҳам айтиш мумкин.

Жоҳиз, Фатҳ ибн Хоқон ва Исмоил қозиларнинг илмга иштиёқлари

Хатиб Бағдодий «Тақыйидул илм» китобида Абу Аббос Мубарридан ривоят қиласи: «Илмга уч кишидан кўра иштиёқлироқ одамни кўрмадим:

- 1) Жоҳиз;
- 2) адаб аҳлининг имоми Амр ибн Баҳр (ҳижрий 163 йилда туғилиб, 255 йилда вафот этган);
- 3) адаби, закий шоир, подшоҳларнинг ўғилларидан Фатҳ ибн Хоқон.

Халифа Мутаваккил Аббосий ўзига Фатҳ ибн Хоқонни вазир ва яқин дўст тутган эди. Унинг жуда катта китоблар хазинаси бўлган. Ҳижрий 247 йилда вафот этган.

Моликий мазҳаби фақиҳи Исмоил ибн Исҳоқ қози Бағдодий 200-ҳижрий санада туғилиб, 282-ҳижрий санада вафот этган.

Жоҳиз қўлига тушган китобни қандай китоб бўлишидан қатъи назар бошидан охиригача ўқиб чиқарди, иштиёқи шу даражада эдики, китобфурӯшларнинг дўконларини ижарага олар ва китоб ўқиш учун уларда тунаб қоларди.

Вақт ҳаётнинг ишлош берилмаган хомашёсиdir.

Фатҳ ибн Хоқон эса енгига ёки маҳсисига китоб солиб юрар, агар Мутаваккилнинг ёнидан таҳоратгами ё намозгами турса, китобини чиқарар ва уни то борадиган жойига етиб олгунча юриб ўқиб кетарди. Сўнгра қайтиб келишда ҳам то жойига етиб келгунича шундай қиласарди. Агар Мутаваккил бирор бир иш учун турса, у китобини енгидан ё маҳсисидан чиқарар ва то у қайтиб келгунича Мутаваккилнинг мажлисида китоб ўқиб ўти-рарди.

Исмоил ибн Исҳоқ қози: Қачон ёнига борган бўлсам, ё қўлидаги китобга тикилиб ўтирганини, ё китоблар орасидан бирор китобни излаётганини, ё китобларни артиб ўтирганини кўрганман», деди.

Ибн Суҳнунга кечки овқатини жорияси едириб қўйгани ва унинг китоб ёзиш билан машғул бўлгани сабабли буни сезмагани

Қози Иёзнинг «Тартибул мадорик» китобида моликий фақих, муҳаддис имом Муҳаммад ибн Суҳнун Қайрованийнинг (хижрий 202 йилда туғилиб, хижрий 256 йилда вафот этган) таржимаи ҳоли тўғрисида қуидагилар келган: «Моликий шундай деган: «Муҳаммад ибн Суҳнуннинг Умму Мудом номли суррияси, яъни хизматкор чўриси бўлган. У бир куни тунгача китоб ёзиш билан машғул бўлган. Кечки таом ҳозир бўлганда чўриси уни овқатланишга таклиф қиласарди. У: «Мен бир соат бандман», деган. Чўри узоқ кутиб қолгач, таомни олдига келтириб, унинг оғзига кола бошланган, у эса тўхтамасдан то бомдодга аzon айтилгунича олдингидаи ёзишда давом этган. Сўнгра: «Кеча сизга қарашдан машғул бўлиб қолдик, эй Умму Мудом! Ни-

**Вақтнинг ҳаммасидан тўлиқ фойдалана олмаслик
ҳаммасини зое қилишга рухсат дегани эмас.**

мангиз бор олиб келинг», деган. У: «Аллоҳга қасамки эй саййидим, уни сизга едириб қўйдим, деган. У: «Мен буни сезмабман», деган.

Наҳв олими Саълабнинг чақирилган жойга китобини ўқишига имкон беришлари шарти билан бориши

Абу Ҳилол Аскарий «Алҳассу ала толабил илм вал ижтиҳади фи жамъиҳи» номли китобида қуйидагиларни айтади: «Саълаб ҳақида шундай дейилган: У Аҳмад ибн Яхё Шайбоний, Куфий, Бағдодий бўлиб, нахв, луғат, адаб, ҳадиси шариф, ва қироат имомларидан бўлган. 200-ҳижрий санада туғилиб, 291-ҳижрий санада вафот этган. Дарс қилиб ўқийдиган китобини доимо ўзи билан олиб юрган. Агар бирор жойга чақирилса, мисвара (теридан бўлган суюниб ўтириладиган нарса) миқдорида кенгроқ жой беришлари шарти билан борарди ва ўша ерга китобини қўйиб ўқиб ўтиради.

Саълабни кўчада китоб ўқиб кетаётганда бир ҳайвоннинг туртиб кетгани ва вафот этиши

Саълабнинг вафот этиш сабаби қуйидагича бўлган: «У жума куни асрдан сўнг жомеъдан чиққан. Унинг қулоғи оғирлашиб, қийинчилик билан эшитарди. Кўчада қўлидаги китобига қараб кетаётганида бир от туртиб уни чуқурга тушириб юборган. Чуқурдан чиқариб олишганида ақлидан айрилган каби ётарди. Уни шу ҳолатда уйига олиб боришди, бошидан қаттиқ жароҳатланганди. Эртаси куни вафот этди. Аллоҳ таоло ўз раҳматига олган бўлсин.

Ибн Жарирнинг вақтини асраши ва Қуръонни ўттиз минг варакда тафсир қилишга азму қарор қилгани

Имом Ибн Жарир Тобарий муфассирлар, муҳадислар ва муаррихларнинг шайхи ва улуғ мужтаҳид имомдир. Бу зот вақтдан унумли фойдаланишда ҳамда таълим олиш, таълим бериш, ёзиш ва таълиф этиш билан ўтказишда энг улкан намуналардан биридир. Бу зотнинг таълиф этган асарлари мукаммал ва ишончли бўлишдан ташқари ҳайратланарли даражада кўп бўлган.

Аллома Ёқут Ҳамавий «Мўъжамул удава» китобида имом Ибн Жарир Тобарий ёзиб қолдирган асарлар рўйхатини баён қилган. Рўйхатининг ўзи 56 саҳифага етган. Ушбу улуғ имомнинг таржимаи ҳоли тўғрисида қуидаги маълумотларни Ҳофиз Ҳатиб Бағдодийнинг «Тариху Бағдод» китобидан йиғиб олдим. Бу икки китобдаги сўзлар бир-биридан деярли фарқ қилмайди.

Али ибн Убайдуллоҳ Лугавий Симсимий, Қози Абу Умар Убайдуллоҳ ибн Аҳмад Симсар ва Абул Қосим ибн Ақийл Варроқлардан қуидагиларни ривоят қилган: Абу Жаъфар Тобарий дўстларига: «Қуръон тафсирини хоҳлайсизларми, деганида, улар: «Ҳажми қанча бўлади?» дейишган. У: «Ўттиз минг варак», деган. Улар: «Бундай тафсирни охиригача ўқиб чиқишига умр етмайди», дейишган. У тафсирини қисқартириб, уч минг варакқа келтирган ва уни ҳижрий 283 йилдан 290 йилга-ча етти йил давомида имло қилиб берган.

Ибн Жарирнинг тарихни ўттиз минг варакда ёзишга азму қарор қилгани

Шундан кейин Ибн Жарир дўстларига: «Одамдан то ҳозирги вақтимизгача бўлган олам тарихини ёзиб берай-

*Ҳар вақтга хос иш бор, агар унда бошқа
ишни құлсанғыз вақтни зое құлған бұласиз.*

ми?» деган. Улар ҳажми қанча бўлишини сўраган. Уларга тафсир ҳақида айтган ҳажмни айтган. Улар ҳам яна олдингидек жавоб беришган. Шунда у: «Иннаа лиллаҳ, ҳимматлар (ғайрату шијоатлар) ўлиб бўлибди», деган ва уни ҳам тафсирни қисқартирганчалик миқдорга келтирган. У ана шу асарини ёзишни ва ёзилганларни ўзига ўқиб берилишини ҳижрий 303 йилда Робиъул охир ойи тугашига уч кун қолганда чоршанба кунида якунлаган. Асарини 302 йилнинг охирлари ҳақидаги маълумотлар билан ниҳоялаган.

Иbn Жарир ҳар куни қирқ варак асар ёзган

Хатиб айтади: «Симсимийдан эшитдимки, ҳикоя қилинишича, Ибн Жарир қирқ йил узлуксиз ҳар куни қирқ варакдан асар ёзган. Унинг шогирди Абу Мұҳаммад Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Жаъфар Фарғоний «Ас-Сила» номи билан танилган китобида (бу китоб «Тарихи Ибн Жарир»га уланиб кетган) қуидагиларни келтирган: «Ибн Жарирнинг шогирларидан бир гурӯҳи унинг балоғат ёшидан то вафотига қадар ҳаётини ўрганиб чиқдилар. У саксон олти ёшда вафот этган эди. Сўнгра ёзган асарларининг варакларини унинг балоғат ёшидан то умрининг охиригача бўлган вақтга бўлиб чиқишиди. Ҳар бир кунига ўн тўрт варакдан тўғри келди. Ҳа, бу кўрсаткич банданинг имкони етмайдиган, фақатгина Холиқнинг гўзал инояти билангина эришиладиган кўрсаткич эди». Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, ҳимматнинг юксаклигини қаранг!

Ибн Жарирнинг таснифотлари 358 минг варак атрофида бўлган

Ибн Жарир ҳижрий 224 йилда таваллуд топиб, 310 или 86 ёшда вафот этган. Агар бу ёшдан балоғат ёшига-

*Вақт ҳаммага тенг тақсимланган,
лекин одамлар уни турлича тасарруф қиладилар.*

ча бўлган даврни ўн тўрт йил деб ҳисоблаб олиб ташласак, шунда Ибн Жарир етмиш икки йил ҳар куни ўн тўрт варақдан ёзган бўлади. Агар ҳар куни ўн тўрт варақдан ёзилган етмиш икки йилни ҳисоблаб чиқадиган бўлсак, Ибн Жарир энг камида 358 минг варақ тасниф этган бўлиб чиқади.

Ҳисоблашгандан кейин у зотнинг қаламига мансуб «Тарих» ва «Тафсир» асарларининг ҳар бирини уч минг варақ атрофида бўлган деб эътиборга олишган. Шунга кўра ушбу икки китобнинг ўзи етти ё саккиз минг вараққа етиб борган. «Тарих» катта-катта ўн бир жузда, «Тафсир» катта-катта ўттиз жузда чоп этилган бўлиб, бу жузларнинг ҳар бири бир жилд келади.

Булардан ташқари, яна 351 минг варақ тасниф этган асарлари борлиги ҳисобга олинса, бу имомнинг кенг илм соҳаларини жамлагандан ташқари қанчалик даражада кўп асарлар таълиф этганини билиб оласиз. Бу зот шунча маълумотларни бир ўзи қўллари билан варақларга ёзарди, ўз фикрларини ва илмларини тоза асал ва тотли қаймоқдек қилиб чиқариб берарди. Агар вақтидан унумли фойдаланмаганида ҳамда вақтини қандай қилиб истифода қилиш ва таълиф этишни билмаганларида бундай ҳайратомуз ютуқларга эриша олармиди?

Ибн Жарирнинг вақтни ва амалларни тартиблаши

Ибн Жарирнинг шогирди ва дўсти қози Абу Бакр ибн Комил (Аҳмад ибн Комил Шажарий) Ибн Жарир раҳматуллоҳи алайхнинг ўз вақтлари ва амаллари тартибини қўйидагича тавсифлаб берган: «У овқатланиб бўлганидан сўнг «хойиш» деб аталадиган енглари калта

сондал ва атиргул суви билан бўялган кийимда ухларди. Бу кийим юпқа қилиб тўқилган, иплари қўпол, дағал каноп матодан тайёрланган, баданга салқин бўлгани учун иссиқ пайтда кийиб ухланадиган кийим бўлган. Сўнгра туриб пешинни уйида ўқирди ва то асртага китоб ёзарди. Сўнгра уйидан чиқиб асрни ўқирди ва то шомгача одамларга дарс берарди, улар унга ўқиб дарс топширишарди. Сўнг ўзи то хуфтонгача фикҳ ва бошқа дарс билан машғул бўларди. Шундан кейин уйига кираарди. У кечаси-ю кундузини Аллоҳ таоло муваффақ қилганича ўзининг, динининг ва халойиқнинг манфаати учун тақсимлаб қўйганди».

Ибн Жарирнинг вафотидан бир соатгина олдин ҳам маълумот ёзиб қўйгани

Устоз Муҳаммад Курдали «Кунузул аждад» номли китобида имом Ибн Жарир Тобарийнинг таржимаи ҳоли тўғрисида қуйидагиларни айтган: « Айтилган хабарларга кўра, у зот ҳаётининг бирор дақиқасини ҳам фойда бериш ва фойда олишсиз ўtkазиб юбормаган. Муъафа ибн Закариё сиқа (ишончли) кишиларнинг биридан қуйидаги ривоятни келтиради: У Абу Жаъфар Тобарийнинг вафотидан бир соат ё ундан ҳам камроқ вақт олдин унинг ҳузурида бўлган. Ўша вақтда унга Жаъфар ибн Муҳаммаддан бир дуо зикр қилинган. У эшитиши биланоқ сиёҳдон ва сахифа сўраган ва уни ёзиб қўйган. Унга: «Шундай ҳолатда ҳам-а?!» дейишганида, у: «Инсон учун то ўлгунича илмдан иқтибос олишни тарк қилиши дуруст эмас», деган. Аллоҳ уни раҳматига олган бўлсин ҳамда уни илм ва ислом номидан энг яхши мукофотлар билан мукофотласин.

*Кечаги кун ҳикоят, бугунги кун амалнинг куни,
эртанги кун эса орзудир.*

Ибн Жарирнинг номи китоблари ва ўлмас асарлари тургунича боқий қолиши

Ушбулар имом Ибн Жарир Тобарий таълиф этган асарларни бирма-бир санамасдан, ҳисобламасдан ҳамда исмлари ва мавзуларини зикр қиласдан келтирилган баёнотлардир. Уларнинг баъзилари ҳозирги кунимизга-ча етиб келган. Бу асарлар ўн, ё йигирма, ё ўттиз нафар фарзанд ва набиралардан кўра, яъни орқада қолган инсонлардан кўра у зотни кўпроқ эслатиб туради. Чунки бу инсонлар озгина вақтдан кейин унутилиб, ёддан чиқиб кетадилар. Аммо у зотнинг асарлари доимий равишда замонлар оша соҳиби учун гўзал эслатма бўлиб тураверади. Мана у зотнинг вафотига бир минг бир юз йил атрофида вақт ўтибдики, кеча-кундуз алмашиб туарар экан, бу асарлар то Аллоҳ хоҳлаган пайтгача сақланиб тураверади. Имом Ибн Жавзийнинг айтган гаплари ҳақ: «Олимнинг китоби унинг абадийлаштирилган боласидир».

Наҳв олими Ибн Хайётнинг кўчада дарс қилиши ва чуқурга йиқилиб тушиши

Абу Ҳилол Аскарий «Алҳассу ала толабил илм вал ижтиҳади фи жамъиҳи» номли китобида қуйидаги ларни айтган: «Наҳв олими Абу Бакр ибн Хайёт - Имом Мұҳаммад ибн Аҳмад ибн Мансур туғилган жойла-ри эътиборидан Самарқандий, яшаб қолган жойлари эътиборидан Бағдодий бўлиб, ҳижрий 320 йилда вафот этган, Аллоҳ раҳматига олган бўлсин. Бу зот ҳамма вақт, ҳатто кўчада ҳам дарс билан машғул бўларди. Шунга кўра кўпинча чуқурларга йиқилиб тушар, ё уловлар туртиб кетарди».

Ҳоким Шаҳид таълиф этиш билан машғул бўлгани сабабли зиёратига келганларга гапирмасди

Самъонийнинг «Ал-ансоб» номли китобида Ҳоким Шаҳиднинг таржимаи ҳоли ҳақида қўйидагилар келган: «Абул Фазл Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Марвазий Балхий Ҳанафий қози вазир Ҳоким Шаҳид 334-хижрий санада шаҳид бўлган, Аллоҳ таоло раҳматига олган бўлсин. Бу зот Марвнинг олимни, Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ соҳибларининг ўз давридаги имоми бўлган. Бу зот ҳақида қўйидагилар келган:

«Абу Абдуллоҳ ибн Ҳоким Шаҳид қўйидагича зикр қилган: «Ҳоким билан бирга яшаганман, у душанба ва пайшанба кунлари рўза тутар, сафарда ҳам, муқимликда ҳам тунги намозни асло тарк этмасди. Ўтирган пайтида кичкина қутича, китоблар ва сиёҳдан доимо ёнида турарди. У сultonнинг вазири бўлиб, ҳузурига киришга изн сўраганларга рухсат бермас эди, иложи қолмаганидагина изн берарди, аммо ёзиш билан машғул бўларди. Ҳузурига кирган одам турган жойида тик туриб қоларди. Абу Аббос ибн Ҳаммувайҳ ундан шикоят қилиб шундай деган: «Унинг ҳузурига кирсанак, бизга гапирмасдан қўлига қаламини олади, бизлар бир чеккада қолиб кетамиз!».

«Мустадрок» соҳиби Ҳоким Абу Абдуллоҳ ҳофиз қўйидагиларни айтган: «Жумъя кечаси Ҳоким Абул Фазлнинг имло мажлисига борган эдим. Амир Абу Али ибн Абу Бакр ибн Музаффар кириб келди. Ҳоким Абул Фазл унинг келганини кўриб ўрнидан турди-ю, лекин турган жойидан қимиirlамади. Амирни суффанинг эшигидан қайтариб шундай деди: «Орқангга қайт, эй Амир, бугун сенинг кунинг эмас».

Энг кўп шикоят қилинадиган нарса вақтдир.

Хоғиз мұҳаддис Ибн Шаҳин таълиф этган асарларнинг кўплиги

Хоғиз Заҳабий «Тазкиротул Ҳуффоз»да ҳижрий 297 йилда туғилиб, 385 йилда 88 ёшда вафот этган мұҳаддис Ибн Шаҳиннинг таржимаи ҳоли ҳақида қуйидагиларни айтган: «У ҳоғиз, кўплаб фойда келтирган имом, Ироқ мұҳаддиси, Абу Ҳафс Умар ибн Аҳмад ибн Үсмон Бағдодий Ибн Шаҳин номи билан танилган воиз бўлиб, жуда кўплаб таснифотларнинг соҳибидир. Унинг шогирди Абул Ҳасан Мұхтадий Биллаҳ айтади: «Бизларга Ибн Шаҳин шундай деган эди: «Мен 330 та асар тасниф этгандан, улардан «Тафсирул кабир» 1000 жуз, «Муснад» 1300 жуз, «Тарих» 150 жуз, «Зухд» 100 жуздан иборат».

Ибн Шаҳиннинг сиёҳ пулига етти юз дирҳам сарфлагани

Қози Мұхаммад ибн Умар Довудий айтади: «Ибн Шаҳиннинг шундай деганини эшиитганман: «Шу вақтгача қанча пули сиёҳ сотиб олганимни ҳисоблаб кўрсам, етти юз дирҳамга етибди». Ибн Абул Фаварис: «Ҳеч ким Ибн Шаҳинчалик кўп таснif этмаган», деган.

Наҳв олими Мунзир Марвазийнинг наҳв музокарасига қаттиқ киришганидан «Музокара» деб лақаб олгани

Баъзи араб луғати олимлари дуч келган уламолар билан арабий илмлар музокарасига қаттиқ киришгандарни сабабли «Музокара» деб лақабланганлар. Хоғиз Ибн Ҳажар «Нузҳатул албаб фил алқоб»да айтади: «Музокара» деб ёзилган киши наҳв ва луғат илмининг имоми

*Баъзи инсонлар рушд ёшига етмай тўқсон
ёшда вафот этиб кетадилар.*

Мунзир ибн Абдурроҳман ибн Муовия ибн Мухаммад ибн Абдуллоҳ ибн Мунзир ибн Абдурроҳман ибн Муовия ибн Ҳишом ибн Абдулмалик Андалусий Марвонийдир. Бундай лақаб олишларига сабаб бу зот дўстларидан бирортасига йўлиқсалар унга: «Араб тилидан бирор бобни музокара қилишни хоҳлайсанми?» дерди. Шунинг учун «Музокара» деб лақабланиб қолган. Буни Ибн Ҳазм ҳам зикр қилган ва уни 393-ҳижрий санада вафот этганини айтган.

Абу Нуъайм Асфаҳонийга шогирдлари йўлда кетишда дарс топшириб боришгани

Хофиз Заҳабий «Тазкиротул Ҳуффоз»да муҳаддис, муаррих, суфий, ҳижрий 336 йилда туғилиб, 430 йилда вафот этган ҳофиз Абу Нуъайм Асфаҳоний Аҳмад ибн Абдуллоҳнинг таржимаи ҳоли ҳақида қўйидагиларни айтган: «Аҳмад ибн Мардувайҳ шундай деган: Абу Нуъайм ўз даврида уни излаб сафарга чиқиладиган зот эди. Атроф оламда ундан қўра ҳифзи кучлироқ, санади ишончлироқ киши йўқ эди. Дунё ҳуффозлари унинг ҳузурида жамланган эди. Ҳар куни улардан бирининг навбати бўлиб, то пешин вақти яқинлашгунча унга хоҳлаган нарсасини ўқиб берарди. У ўрнидан туриб ҳовлиси томон юрса, кўпинча кўчада ҳам унга бирор жуз нарса ўқиб боришарди. У бундан малолланмасди. У дарс айтиб туришсиз ва тасниф этишда давом этмасдан таомини емаган».

Берунийнинг жон таслим қилиш вақтида ҳам фароиздан бир масалани таълим олгани

Ёқут Ҳамавийнинг «Муъжамул удобо» асарида буюк астроном, математик олим, тарих, луғат ва адабиёт

**Ҳаётнинг баҳор қисми қанчалар узун бўлмасин,
унга албатта кузнинг келиши бор.**

соҳаларининг етук билимдони Абу Райҳон Беруний⁷ раҳматуллоҳи алайҳнинг таржимаи ҳоли ҳақида қуидагилар айтилган: «Абу Райҳон ўзлаштириши кенг ва умумий ишларда юксак мавқеда бўлишига қарамасдан илм таҳсилига қаттиқ киришган, китоблар тасниф этишга астойдил берилган эди. У тинимсиз илмлар эшикларини очар, уларнинг сир-асрорларини ҳамда маълум ва номаълум қирраларини эгалларди. Унинг қўлидан қалам тушмас, кўзлари доимо китобга қараган, қалби эса фикрлаш билан машғул бўларди. Йил давомида икки кунгина эҳтиёжига ярайдиган озиқовқат ва ёзиш учун керакли ашёларни тўплашга вақт ажратарди. Сўнгра йилнинг бошқа кунларида фақат илм билан машғул бўлганларидан бошқа ташвишларга вақт ажрата олмасди».

Фақиҳ Абул Ҳасан Алий ибн Ийсо Валвалижий шундай гапириб берган: «Абу Райҳоннинг вафот этиши арафасида ёнига кирганман. У зўрға нафас олиб юраги сиқилиб ётганди. У етмиш саккиз ёшда эди. У шу ҳолатида менга қараб: «Бугун менга она томондан момоларнинг меросдаги улуши ҳақида нима дейсан?» деди. Мен унга раҳмим келганидан: «Шундай ҳолатда ҳам-а?» дедим. У: «Эй, менга қара! Дунёдан ушбу масалани билиб кетганим уни билмасдан кетганимдан яхшироқ эмасми?» деди. Мен унга ўша масалани айтиб бердим. У зот бу масалани ёдлаб олди ва ёдлаганларини менга айтиб берди. Ҳузуридан чиқиб кўчага етган ҳам эдимки, унинг вафот этгани учун йиғлаганларини эшитдим».

Илмда донишманд бўлган ушбу имом бешта тилни: араб, сурёний, санскрит, форс ва ҳинд тилларини

⁷ 362-ҳижрий санада туғилиб, 440-санада вафот этган.

мукаммал әгаллаганди. Бу зот фалакиёт, тиббиёт, математика, адабиёт, луғат, тарих ва булардан бошқа илм соҳалари бўйича бир юз йигирмадан ортиқ асарлар ёзид қолдирган. Катта шарқшунослардан бири Сахов бу зот ҳақида шундай деган: «У тарих таниган энг ақли буюк кишидир.» Машхур шарқшунос Сартун эса шундай деган: «Беруний ислом олимларининг энг улуғларидан ва дунё олимларининг энг катталаридан биридир.» Бу зотнинг таржимаи ҳоллари ва илмий ҳаётлари ҳақида Ҳофиз Туфон Қадарийнинг «Турсу арабил илмий фи фалак ва риёзиёт» китобларидан кенгроқ маълумот олишингиз мумкин.

Сулайм Розий ё нусха кўчирап, ё дарс берар, ё ўқир, ё тиловат қиласади, унинг бўш вақти бўлмаган

Ҳофиз ибн Асокирнинг «Табийину кизбил муфтий» ва Тожуддин Субкийнинг «Тобақоту Шофеъийятил вусто» китобларида ҳижрий 447 йилда вафот этган, ўз даврида Шофеъий мазҳабининг улуғ имомларидан бири бўлган Сулайм Розийнинг таржимаи ҳоллари ҳақида атрофлича сўз юритилган. Тожуддин Субкий қуидагиларни ёзган: «Сулайм Розий раҳматуллоҳи алайҳ ўта парҳезкор бўлиб, ўтаётган вақти нималарга сарфланётгани бўйича ўзини-ўзи ҳисоб-китоб қилиб турган. У ё нусха кўчиради, ё дарс берарди, ё ўқирди, бирор вақтни ҳам бефойда ўтказиб юбормас эди. У жуда кўплаб нусхаларни кўчириб чиқсан.»

Ҳофиз ибн Асокир қуидагиларни ёзган: «Менга шайхимиз Абул Фараж Асфароиний Сулайм Розий ҳақида гапириб берди. У бир куни шайхимизнинг ҳовлисига меҳмонга келиб кетган экан, ўшанда у йў-

лимда бир жуз ўқидим, деган экан. Абул Фараж айтади: «Менга Муаммил ибн Ҳасан шундай ҳикоя қилиб берди: «У Сулаймнинг қаламини учлаётганини, учини чиқариб бўлгунича лабларини қимирлатиб турганини кўрибди. Шундан билибди, у бирор вақт бекорга ўтиб кетмаслиги учун қалам учини чиқараётган вақтда ҳам бирор нарсани ўқиб турган экан». Яъни қўллари машғул бўлиб қолган пайтда бирор вақти амал ва тоатсиз бекор ўтиб кетмаслиги учун лабларини Аллоҳнинг зикрига ҳаракатлантирган экан. Лахзаларнинг ғаниматлигини унга билдириб қўйган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин».

Хатиб Бағдодийнинг кўчада ҳам китоб мутолаа қилиб юриши

Ҳофиз Захабий «Тазкиротул хуффоз»да Бағдод муаррихи ва муҳаддиси Хатиб Бағдодийнинг⁸ таржимаи ҳоли ҳақида қуйидагиларни ёзган: «Хатиб юриб кетаётганида қўлида ўқиб кетаётган жузи бўларди. Бу ишни вақтини асраш ва ҳатто юриш асносида ҳам бирор илмий манфаат олмасдан фурсатнинг бехуда ўтиб кетишидан сакланиш учун қиласарди».

Имомул Ҳарамайнинг овқатланиши ва ухлаши одатий бўлмаган, балки заруратан бўлган

Ҳофиз ибн Асокирнинг «Табийину кизбил муфтарий» ва Тожуддин Субкийнинг «Тобақоту Шо-Феъийятил кубро» китобларида ҳижрий 419 йилда туғилиб, 478 йилда вафот этган усулий, фақих, муҳаққиқ мутакаллим, Имом Ғазолийнинг шайхи Абул Маолий Абдулмалик ибн Абдуллоҳ Жувайний Найсобурий шофеъийнинг таржимаи ҳоллари келтирилган: Абдулғофир Форсий

⁸ Хатиб Бағдодий 392-ҳижрий санада туғилиб, 463-ҳижрий сана-да вафот этган.

*Ҳали сарфланмаган лаҳзалар олтин лаҳзалар,
уларни беҳуда совурма!*

«Сиёқу Найсобур» китобида қуидагиларни айтган: «Имомул Ҳарамайн, фахрул ислом, барча имомлар имоми, шариат билимдени, шарқу ғарбда имомлигига ижмо қилинган, кўзлар унинг мислини кўрмаган ва кўрмайдиган зот бўлган. Унинг сўзлаш асносида шундай деганини эшитганман: «Менга ухлаш ва таомланиш одат бўлган эмас. Кечаси бўладими, кундузи бўладими, қачон уйқу ғолиб келса, ухлайман. Қайси вақтда бўлса ҳам таомга эҳтиёж сезсан овқатланаман». Ҳа, у зотнинг лаззатлари, хоҳишлари ва кўнгилхушликлари илм музокарасида ва қайси ҳолатда бўлишидан қатъи назар илм ҳосил қилишда бўлган».

Имомул Ҳарамайннинг эллик ёшида наҳв олимига шогирд тушгани

Шайх Абул Ҳасан Али ибн Фаззол ибн Али Мужшиъий Қойровоний наҳвийнинг шундай деганини эшитганман: «У бизнинг ёнимизга хижрий 469 йилда келган эди. Уни Фахрул ислом эҳтиром билан қабул қилди. У зотнинг шогирдларидан бири сифатида наҳв ўқишига киришди. Имомлар имоми ўша вақтда эллик ёшга етган эди. У устозни ҳар куни уйларига олиб борарди ва у зотнинг «Иксийруз заҳаб фи синоъятил адаб» номли китобларидан дарс оларди. Абул Ҳасан Мужшиъий: «Мен ушбу имомдек илмга ошиқ кишини кўрмаганман, у илмни илм учун талаб қиласарди ва шундок бўлди ҳам», дея ҳикоя қилган.

Яъқуб Нажиромий китобини йўлда юриш асносида ўқирди

Қифтийнинг «Инбаҳур рувот ала анбаҳин нуҳот» номли китобида ҳижрий 420 йилда туғилиб, 520 йилда

*Кўнгилда кўп эди орзу-ю ҳавас,
Имроат битди-ю етмади нафас.*

юз ёшда вафот этган нахъ олими Муҳаммад Саъидий ибн Барокат Басрий Мисрий раҳматуллоҳи алайҳнинг таржимаи ҳоли ҳақида қўйидагилар келган: «Мен ёшлигимда Абу Юсуф Яъқуб ибн Хуррозаз Нажиромийнинг Қарофа кўчасида юриб кетаётганини кўрганман. У улуг ёшли, буғдойранг, катта соқолли, айлана салла ўраган киши эди. Унинг қўлида доимо китоб бўлиб, юриб бо-раётган жойида ўқиб кетарди».

Ибн Ақийл ва Ибн Жавзийларнинг вактни сақлашда намуна эканлари

Бу зотлар вактдан унумли фойдаланиш ҳамда унинг нафосати ва қиймати ниҳоятда қимматли эканини англаш, ўтаётган дамларни хайрли амаллар билан тўлдириш, ҳар бир ону лаҳзаларда таълиф этиш, тафаккур қилиш, эслаш ва эслатиш билан машғул бўлиш мақомида юксак намуна бўлганлар. Ушбулар нафақат ҳанбалий мазҳабининг улуғ факиҳларидан, балки бутун мусулмон уламоларининг улуғларидан бўлган икки буюк имомнинг сийратлари ҳақида келган васфлардир. Улар қўйидаги улуғ зотлардир:

1. Ҳофиз Ҳатиб Бағдодийнинг шогирди имом Абул Вафо ибн Ақийл Ҳанбалий раҳматуллоҳи алайҳ,
2. Абул Вафо ибн Ақийлнинг шогирди имом Абул Фараж ибн Жавзий раҳматуллоҳи алайҳ.

Мен бу ўринда ҳар бирларининг сийратлари ҳақида келган сатрларни катта китобларга ҳожат қолдирмайдиган даражада келтиришга ҳаракат қиласман:

Ибн Ақийл Одам болаларининг энг закийларидан бири

Имом Абул Вафо ибн Ақийл Ҳанбалий Алий ибн Ақийл Бағдодийнинг тўлиқ таржимаи ҳолини Ҳофиз

**Ўтган ишларга надомат чекиши ва барча одамларни рози
қилишига уриниш билан вақтингизни зое қилманг!**

ибн Ражаб Ҳанбалий «Зайлу тобақотил Ҳанобила» китобида келтирган. Хуросаси қыйидагилардир: Ибн Ақийл ҳижрий 431 йилда таваллуд топган. 513 йилда вафот этган. У оламдаги энг фозил кишилардан ва одам болаларининг закийларидан биридир. У ўта закий ва илм доираси кенг зот бўлган.

Ибн Ақийл умрининг бирор соатини ҳам зое қиласди

Ибн Ақийл шундай деган: «Умримнинг бирор соатини зое қилиш мен учун ҳалол бўлмайди. Ҳатто қачон тилим музокара ё мунозарадан бўшаса, кўзларим мутолаадан чарчаса, дам олиб ётган ҳолатимда ҳам фикримни ўз ҳолига қўймадим. Қачон ўрнимдан турсам, ёзганларим кўнглимга келарди. Саксон ёшимдаги илмга нисбатан ҳарислигим йигирма ёшимдагидан кўра кучлироқ эканини ҳис этганман».

Ибн Ақийлнинг вақтдан ютиш учун нон ўрнига ивитилган толқонни танлагани

Мен бор кучим билан овқатланишга кетадиган вақтни камайтиришга уринаман. Ҳатто мутолаа, ё бирор фойдали нарсани ёзиб қўйишга кўпроқ вақт ажратиш учун нон ўрнига ивитилган толқонни танлайман. Чунки булар орасида чайнашда фарқ бор. Зеро, вақт оқиллар наздида ҳосил қилинадиган нарсаларнинг энг буюги экани уламолар ижмоси билан собит бўлган. Ҳа, вақт ҳар бир дақиқасидан фойдаланиб қолинадиган ғаниматдир. Банданинг зиммасида мажбуриятлари кўп, вақти эса қисқадир.

Шайх Ибн Жавзий шундай деган: «Имом Ибн Ақийл доимо илм билан машғул эди. У жуда ақлли бўлиб, илм-

**Яхши инсон бўлинг, лекин одамларга буни исботлаш
учун вақтингизни зое кетказманг!**

нинг кўпчиликка ноаниқ ва нозик жойлари хусусида баҳс қиласади. «Фунун» деб номланган китобида қалб кечинмалари ва бошидан ўтган воқеаларни жамлаб ёзган».

Ибн Ақийл турли илмларни эгаллагани ва асрлари хилма-хил экани

Ибн Ақийлнинг турли илмларга тегишли йигирмага яқин таснифотлари бўлган. Таснифотларининг энг улкани «Фунун» китобидир. Бу жуда катта китоб бўлиб унда ваъз, тафсир, фиқҳ, усуулут-фиқҳ, усуулуд дин, нахв, луғат, шеър, тарих ва ҳикояларга оид жуда кўплаб қимматли маълумотлар жамланган. Шунингдек, ўтказган муно-заралирию мажлисларини ҳамда қалб кечинмаларию хуносаларини ҳам ушбу китобда қайд этган.

Саккиз юз жилдли «Фунун» китоби у зотнинг кўплаб китобларидан бири экани

Хоғиз Заҳабий: «Дунёда бу китобдан кўра каттароқ китоб битилмаган, буни менга тўрт юзинчидан кейинги жилларидан бирини кўрган киши гапириб берди», деган. Ибн Ражаб ҳам: «Баъзилар уни саккиз юз жилд дейишган», деган сўзни келтирган⁹.

Вақт сарфланадиган ва у билан Аллоҳга муқарраб бўладиган нарсаларнинг энг яхшиси илм излашдир

Чоп этилган «Фунун» китобининг аввалги қисми бошида у зот раҳматуллоҳи алайҳ қуидагиларни айтган:

⁹ «Фунун» китобининг кичик бир бўлаги топилган ва Байрутда 1970-1971-йилларда «Дарул машриқ» томонидан икки жилда чоп қилинган.

**Эҳтимол, бу фурсат охирги фурсат бўлиши мумкин.
Шунинг учун ҳар бир фурсатга эътиборли бўлинг!**

«Аммо баъд: вақт сарфланадиган, нафс машғул бўладиган ва буюк Роббга муқарраб бўладиган нарсаларнинг энг яхиси жаҳолат зулматидан шариат нурига олиб чиқарадиган илмни излашдир. Нафсимни машғул қилганим ва вақтимни сарфлаганим шу нарсадир. Мен доим уламоларнинг сўзларидан, сахифалардан ва қалб илҳомларидан истифода қилганларимни ёзиб бордим. Бу ёзганларим уламоларнинг мажлисларида ва фозилларнинг сухбатларида юзага келган нарсалардир. Буларни ёзишдан умидим мен ҳам фазлнинг бир учига боғланишимдир. Бу билан жаҳолатдан узоқ бўламан. Шояд мен ҳам олдингилар эришган нарсаларнинг баъзисига эришсам».

**Иbn Ақийл вафот этаётган вақтда:
«Мени тинч қўйинглар, Аллоҳга
йўлиқишдан роҳатланаман»**

Ибн Жавзий айтади: «Имом Абул Вафо ибн Ақийл вафот этиши олдидан ўлим тўшагида ётганда аёллар ийғлашди! Шунда Абул Вафо: «Эллик йил Аллоҳ номидан имзо чекдим, мени тинч қўйинглар, У зотга йўлиқишдан роҳатланаман», дедилар. (Яъни бу зот инсонлар орасида содир бўладиган воқеа ва ҳодисалар тўғрисида Аллоҳнинг ҳукмлари баён қилинадиган фатволарга имзо чекарди).

Бу буюк имом китоблари ва баданидаги кийимларидан бошқа мол дунё қолдирмади. Қолган нарсалар кафанлаш ва қарзларини адо этиш миқдоридагина эди.

Аллоҳ таоло у зотни ўз раҳматига олиб, илм йўлидаги хизматларига улуғ мукофотлар ато этган бўлсин!

Хурматли ўқувчи, Аллоҳ сизни ҳам, бизни ҳам ўз паноҳида асрасин, ақлни тўғри ишлатиш, вақтдан унумли

фойдаланиш ҳамда нағсни яхшиликка ва илмга одат-лантириш қандай самара берганига эътибор беринг. Бу ишлар ишониш қийин бұлған даражада ҳайратомуз самараларни берган. Ҳа, барчаси рост, муболаға эмас. Бу эса саккиз юз жилдли дунёдаги энг улкан китоб ёзилиши самарасини берган. Бу китобни ва бундан бошқа баъзилари үн жилдли йигирмага яқын китобларни биргина инсон Абул Вафо ибн Ақийл раҳматуллоҳи алайх ёзған.

Оз-оздан кўп бўлур, томчи-томчи йиғилиб кўл бўлур

Баҳоуддин ибн Нуҳос Ҳалабий Наҳвий¹⁰ (Мұҳаммад ибн Иброҳим) раҳматуллоҳи алайх нақадар гўзал ва ҳақ айтган. Бу зот қуйидаги сўз билан мунтазам равишида озни озга қўшиб бориш сабабли Ибн Ақийлнинг саккиз юз жилд китоб ёзгани каби ҳайратланарли даражада улуғ иш юзага келишига ишора қилган. Суютий «Буғятул вуот» китобида Баҳоуддин ибн Нуҳос Ҳалабийнинг таржимаи ҳолини баён қилиб, унинг қуйидаги сўzlари келтирган:

الْيَوْمَ شَيْءٌ وَ غَدَّاً مِثْلُهُ
مِنْ نُحَبِ الْعِلْمِ الَّتِي تَلَاقَطَ
يُحُصِّلُ الْمَرءُ بِهَا حِكْمَةً
وَ إِنَّمَا السَّيْلُ اجْتِمَاعُ النَّقْطِ

¹⁰ «Фунун» китобининг кичик бир бўлаги топилган ва Байрутда 1970-1971-йилларда «Дарул машриқ» томонидан икки жилдда чоп қилинган.

Инсоннинг ҳақиқий ҳаёти ўлимдан кейинги ҳаётидир.

*Бугун бирни ўрган, эрта ҳам шунча,
Илм мағизларин жамла бирма-бир.*

*Киши шундай ҳикмат қилади ҳосил,
Зеро, сел томчилар йигиндисидир.*

Ибн Жавзий вақтни тежагани сабабли беш юздан ортиқ асар ёзган

Имом Абул Фараж ибн Жавзий (Абдураҳмон ибн Али Ҳанбалий Бағдодий) ҳижрий 508 йилда туғилиб, 597 йилда 89 ёшларида вафот этган. Беш юздан ортиқ китоб ёзган.

Вақт қадр-қийматини билиш ва уни энг яхши амаллар билан безатиш

Бу зот вақтни нақадар қадрлаганини, меҳмонлар келганда ҳам, ёки бемаъни одамлар у билан ўтириб қолганда ҳам қандай қилиб вақтдан ютганини билишингиз учун сийратларидан бирор лавҳа тақдим қиласиз. Бу зотнинг «Сойдул хотир» ва Ибн Муфлиҳ Ҳанбалийнинг «Одобуш шариъа» номли китобларида қуйидаги сўзлари келтирилган: «Ҳар бир инсон учун ўз вақтининг қадрини билиши лозим. Бирор лаҳзани ҳам энг яхши сўз ва амалларсиз ўtkазиб юбориши дуруст бўлмайди. Киши амал қилиши мумкин бўладиган нарсалар тўғрисида доим қатъиятли бўлиши лозим». Зеро, ҳадиси шарифда: «*Мўминнинг нияти амалидан яхшироқдир*» дейилган.

Олдингилар ҳар бир лаҳзадан фойдаланиб қолишга шошилганлар. Зоҳид ва обид тобеъинлардан бири Омир ибн Абду Қайсдан нақл қилинишича, бир киши унга

*Агар нафслар улуғ мақсадлардан бүшаб қолса,
майда масалаларга берилиб кетади.*

мен билан гаплашиб туринг, деганида у: «Күёшни тұхтатиб тур», деб жавоб берган экан.

Құпчилик инсонлар вақтни бефойда нарсаларга сарфлаб юборишади

Одамларнинг ҳайрон қоларли даражада беҳуда вақт үтказишларига гувоҳ бўлдим. Агар кеча узун бўлса ҳам, уни бефойда гап-сўзлар ёки қандайдир ғазаллар ё ҳикоялар ёзилган китобни ўқиш билан үтказадилар. Агар кундуз узун бўлса, уйқу билан үтказиб юборадилар. Кундузлари Дажла қирғоғида ё бозорларда юрадилар (Иbn Жавзий Бағдодда яшаган). Мен уларни ўзлари бехабар ҳолда кема ичиди гаплашиб, кема оқизиб кетаётган кишиларга ўхшатдим. Борлиқнинг маъносини англаған кишиларни жуда кам учратдим. Ана ўша кам сонли кишиларгина озуқа жамлаш ва кўчиш учун тайёргарлик кўришмоқда. Умр мавсумларини үтказишида Аллоҳдан қўрқинглар, ўтиб кетишидан олдин шошилинглар, замон билан мусобақалашинглар.

Ибн Жавзийнинг бекорчилар сұхбатидан паноҳ сўрагани

Бекорчилар билан сұхбатлашишдан Аллоҳдан паноҳ сўрайман! Мен билан бирга юрадиган қўпчилик кишиларни инсонлар одат қилиб олган кўп зиёрат қилиш ишларида кўрдим. Улар бу тараддуздни хизмат деб номлайдилар! Улар турли сўзларни ва бемаъни гапларни гапиришиб узоқ ўтиришади. Сўзларига фийбат ҳам аралашади. Бу кўплаб замондошларимиз қилаётган ишдир. Гоҳида буни зиёрат қилинган кишининг ўзи талаб қилиб шунга ундейди. Ёлғизликни ёқтирмайди. Хусусан, тўй ва байрам кунларида бир-бириникига боргандарини ва

**“Одамлар нима дейди?” деб, умрини ўтказиб
юборган инсон энг зиёнкор инсондир.**

шоду хуррамлик билан кифояланмасдан, булар орасига мазкур вақтни зое қилишларни ҳам қўшиб юборганларини кўрасиз.

Зиёратчилар билан сұхбат чоғида сұхбатга халал бермайдиган ишларни бажариб ўтирганлари

Вақтни энг қадрли нарса ва уни фақат хайрли ишлар билан ўтказишни вожиб деб ҳисоблаганим боис кўп гаплашиб ўтиришдан ўзимни тийдим. Кўп гапириб ўтирадиганлар билан қиласиган муомаламда икки иш орасида қолдим: агар улар билан кўришишни рад этсам, дўстларимдан узоқлашиб кетаман, агар улар билан кўришишни қабул қилсан, вақтим зое кетади! Шунга кўра имкон қадар кўришишни орқароққа суришга ҳаракат қилдим, борди-ю кўришмасликнинг ҳеч иложи қолмаса, сұхбатни тезроқ тугатиш учун кам гапирдим. Сўнгра улар билан кўришадиган пайтларда вақт бўш ўтиб кетмаслиги учун сұхбатга халал бермайдиган ишларни тайёрлаб қўядиган бўлдим. Улар билан кўришганда қиласиган ишларим ва рақларни қирқишиш, қаламларни учлаш ва дафтарларни тайёрлаш каби ишлар бўлиб, булар фикрлаш ва қалб ҳозирлигига эҳтиёж тушмайдиган ишлар эди. Шунинг учун мен бу ишларни улар билан кўришадиган вақтларга мўлжаллаб қўяр эдим.

Вақтнинг қадрини муваффақ қилингандаргина биладилар

Кўпчилик инсонларни кўрдимки, улар ҳаётнинг мазмун моҳиятини билмайдилар. Улар орасида Аллоҳ таоло

Орзиқиб кутаётган күнимиз тезроқ келишини орзу қиласмиз-у, лекин ўтиб кетаётган күнлар бизнинг умримиз эканини унугиб қўямиз!

мол-давлат бериб қўйгани сабабли касб-кор қилишга эҳтиёжи тушмайдиганлар ҳам бор. Бундай кимсалар кундузлари кўпинча бозорларда одамларни кузатиб ўтиришади ва қанчадан-қанча офат ва гуноҳларга йўлиқишиади. Шунингдек, одамлар орасида шатранж ўйнаб, подшоҳларни гапириб, нарх-наволар ва ҳоказо нарсаларни баҳс қилиб вақтларини ўтказадиганлари ҳам бор. Мен уларни кўриб шу хулосага келдимки, умрнинг улуғворлигини, тинч-хотиржам вақтларнинг қадри нақадар юксак эканини фақатгина Аллоҳ таоло муваффақ қилган ва уларни ғанимат билишга илҳом берган зотларгина англар экан. Аллоҳ таоло айтади:

﴿ وَمَا يُلْقَنَّهَا إِلَّا الَّذِينَ صَبَرُوا وَمَا يُلْقَنَّهَا إِلَّا ذُو حَظٍّ ﴾

عظیم
۲۰

«Унга фақат сабрли зотларгина эришурлар, унга фақат улуғ насиба эгасигина эришур» (Фуссилат сураси, 35-оят).

Аллоҳ таолодан бизларга умр лаҳзаларнинг нақадар улуғлигини билдиришини ва уларни ғанимат билишга муваффақ қилишини сўраймиз.

Ўтган азизларнинг вақтни авайлашлари ва уни зое қилишдан ҳазар қилишлари

Ўтган азизлар, яъни салафи солиҳлар вақтни зое қилишдан ҳазар қилардилар. Фузайл ибн Иёз шундай деди: «Жумъадан жумъагача айтган сўзларини санаб бера оладиганларни биламан» (яъни шу даражада кам гапиришган). Ўтган азизлардан бирининг олдига киришиб: «Сизни безовта қилдик шекили? », дейишган эди.

Тақво қилиб ол!, чунки сен тун ботгандан сүнг тонгача яшашингни билмайсан. Қанча-қанча кишилар соғ бўла туриб вафот этдилар.

У зот: «Тўғри айтдинг, ўқиётган эдим, сизлар сабабли ўқишдан тўхтадим!», деди.

Бир обид киши Сиррий Сақатийнинг олдига келди. Унинг ҳузурида ўтирган жамоатни кўриб: «Бекорчилар тўхтаб ўтадиган жойга айланиб қолибсан!» деди ва ўтирмасдан жўнаб кетди.

Зиёрат қилинган киши юмшоқлик қилаверса, кўришга келган одам bemalol ўтираверади. Азият бераётганига парво ҳам қилмайди. Бир гурӯҳ кишилар Маъруф Кархийнинг ҳузурида узоқ ўтириб қолишиди. Шунда у зот: «Қуёш фариштаси унинг ҳаракатини секинлатгани йўқ, қачон турмоқчисизлар?!» деди.

Ўтган азизларнинг вақтни муҳофаза қилишларидан гўзал намуналар

Ўтган азизлар ҳар бир лаҳза вақтини ҳам зое кетказмасликка уринар эдилар. Довуд Тоий нон бўлакларини ивитиб қўярди ва «ивитилган бўлакни оғизга солиш билан нон ейиш орасида эллик оят ўқиш фарқи бор», дерди. Усмон Боқиллоний Аллоҳни зикр қилиб юришни ўзига доимий одат қилиб олган эди. У зотнинг сўзларига эътибор беринг: «Мен ифттор вақтида ейиш сабабли чалғиб қолганим учун ўзимни гўё руҳим чиқиб кетаётгандай ҳис қиласман!» Ўтган азизлардан бири дўстларига насиҳат қилиб шундай деган экан: «Менинг олдимдан чиққанингда алоҳида-алоҳида кетинглар, шояд сизлардан бирингиз йўлида Қуръон ўқиб кетса, агар тўпланиб кетсаларингиз, ортиқча гапларни гаплашиб кетасизлар».

Замон шундай қийматлики, унинг бирор лаҳзасини зое қилиб бўлмайди. «Саҳих»да Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан шундай ҳадис келган:

Ұтмииш ҳақида ғамга ботиш билан лаҳзаларни йүқ қилманг!
Чунки у күнлар ҳеч қачон қайтиб келмайди.

عَنْ جَابِرٍ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ قَالَ سُبْحَانَ اللَّهِ الْعَظِيمِ وَبِحَمْدِهِ. غُرْسَتْ لَهُ نَخْلَةٌ فِي الْجَنَّةِ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайхи васаллам: «Кимки «Субҳаналлоҳил ъазийм ва биҳамдиҳи» деса, унинг учун жаннатда битта хурмо экилади», дедилар» (*Термизий ривоят қилган*).

Ха, одамзод улкан савобларга етказадиган қанчадан-қанча соатларни зое қилиб юборади?! Яшаётган ушбу күнларимиз экин экадиган мавсумга ўхшайди. Экин мавсумини уруғ қадамасдан ҳафсаласизлик билан ўтказиб юбориш ақлли кишиларнинг ишими?

Вақтни ғанимат билишга ёрдам берадиган омиллар баёни

Вақтни ғанимат билишга ёрдам берадиган омилларга келадиган бўлсак, асосийлари сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин:

1. Имкон қадар ёлғиз бўлиш;
2. Одамлар билан кўришганда саломлашиш ё энг муҳим ишлар билан кифояланиш;
3. Кам ейиш, чунки кўп ейиш узоқ ухлашга ва кечани зое кетказишга сабаб бўлади.

Кимки ўтган азизларнинг сийрати ҳақида тафаккур қилиб кўрса ҳамда ажр-мукофотга ҳам аниқ ишонса, айтган нарсаларим унга янада равшан бўлади.

Қанча-қанча ўспиришларнинг кафандари тайёрлаб бўлинган. Ўзлари эса бундан бехабардирлар.

Ўтган уламоларнинг ҳимматлари олий бўлгани ва таснифларининг кўплиги

Ўтган уламоларнинг ҳимматлари юксак даражада бўлган. Бунга умрларининг қаймоғи бўлган ёзган асарлари далолат қиласди. Афсуски, ёзиб қолдирган кўплаб асарлари бизгача етиб келмаган. Чунки толиби илмларнинг ҳимматлари пасайиб, улардан муҳтасар асарлар талаб қилишга ўтишган. Муфассал асарларни ўқишга рағбатлари етмаган. Сўнгра улар муфассал асарлар ичидан дарс қилиб ўқиладиган миқдорда қисқартириб беришган. Натижада катта китоблар йўқолиб, улардан нусхалар кўчирилмай қолган!

Шундай экан, чинакам толиби илмнинг йўли улар қолдириб кетган китоблардан хабардор бўлишидир. Толиби илм кўп мутолаа қилсин, шунда у олдингиларнинг илмидан фикрни ўткирлайдиган ва астойдил интилишга ундейдиган олий ҳимматларидан хабардор бўлади. Зоро, бирор бир китоб фойдадан холи бўлмайди.

Ўзимиз билган дангасаларнинг сийратларидан Аллоҳдан паноҳ сўраймиз. Уларда илм йўлига қадам қўяётган толиби илм эргашиб намуна оладиган олий ҳимматни топа олмаймиз. Тақводор киши ўзига намуна қилиб оладиган бирор парҳезкорни ҳам учратмаймиз. Аллоҳ, Аллоҳ, ўзинг паноҳ бергин! Сизлар ўтган азизларнинг сийратларини мулоҳаза қилишларингиз, ёзиб қолдирган таснифлари-ю хабарларини мутолаа қилишингиз лозим. Улар битган китобларни кўп ўқиш уларнинг ўзларини кўриш демақдир. Шоир айтганидек:

فاتنى أن أرى الديار بطرقى
فلعلى أرى الديار بسمعى

Ортга суришдан сақланинг, чунки ортга суриш шайтоннинг лашкарларидан биридир.

*Масканларни кўзларим-ла кўриши насиб этмади,
Шояд масканларни қулоқларим-ла кўрсам.*

Ибн Жавзийнинг илмга рағбати ва китобларга қаттиқ муҳаббати

«Мен ўз холим ҳақида айтадиган бўлсан, китоб мутолаасидан ҳеч тўймаганман, агар ўзим ўқиб кўрмаган бирор китобни кўриб қолсан, гўё хазинанинг ичига тушгандек бўлиб қолардим. Низомия мадрасасидаги китоблар рўйхатига қараганман. Олти минг жилд атрофифда китоб бор эди. Абу Ҳанифа китоблари рўйхати, Ҳумайдий китоблар рўйхати (Муҳаммад ибн Фаттуҳ Андалусий, Бағдодий, ибн Ҳазмнинг дўсти), шайхимиз Абдулваҳҳоб Ахмотий китоблари рўйхати, Ибн Носир китоблари рўйхати ва Абу Муҳаммад Хашшоб китоблари рўйхатларини кўрганман. Булар арава-арава китобларнинг рўйхати эди. Булардан бошқа ҳам қурбим етганча китоблар рўйхатларига қараганман¹¹. Агар сизга йигирма минг жилд китоб ўқиб чиққанман десам, кўп ададни айтиб юборган бўламан, лекин китоб ўқишида давом этяпман.

Ўша китобларга назар солиш орқали мазкур азизларнинг сийратлари, ҳимматларининг даражаси, ҳифзлари, ибодатлари ва ажойиб илмларини мулоҳаза қилиб шундай нарсаларни истихоза қилдимки, у китобларни ўқиб кўрмаган кишида буларни билишнинг иложи йўқ эди. Натижада инсонлар талпинаётган беҳуда нарсаларни назарга илмайдиган ва толиби илмларнинг ҳимматларини ҳақир кўрадиган бўлдим. Аллоҳга ҳамдлар бўлсин».

¹¹ 698-ҳижрий санада вафот этган.

Ориф киши вақтнинг боласидир. Агар уни йўқотса, онасидан ажраб қолган гўдак мисолидир.

Ҳар бир нафас хазинадир, сен хазинанг бўш бўлишидан ҳазар қилгин

Имом Ибн Жавзий раҳматуллоҳи алайҳ ўғилларига насиҳат қилиб ёзган «Лафтатул қабад фи насиҳатил валид» номли латиф рисоласида фарзандларини вақт қадрига етишга ундан шундай деган: « Эй ўғлим, билгинки, кунлар соатларни тарқатади, соатлар нафасларни тарқатади, ҳар бир нафас хазинадир, сен бирор нафасни бехуда ўтказиб юборишдан ҳазар қил! Агар у ҳеч нарсасиз кетса, қиёмат кунида бўш хазинани кўриб надомат чекасан! Ўтказаётган ҳар бир соатингда уни нимага сарфлаётганингга эътибор бер. Соатларингни имкон қадар энг яхши ишларга сарфла. Нафсингга эътиборсиз бўлма. Уни имкон қадар энг яхши ва энг гўзал амалларга ундагин. Қабр сандиқларига унга йўлиқадиган кунингда курсанд бўладиган нарсаларингни жўнатиб тургин».

Ибн Жавзий бир кунда тўрт рисола асар ёзарди

Хоғиз Ибн Ражаб «Зайлу тобақотил Ҳанобила» номли китобида Ибн Жавзийнинг таржимаи ҳоли ҳақида қуидагиларни ёзган: « Бирор бир фан йўқки, унинг ўша фан тўғрисида бирор таснифи бўлмаса. Ундан таълиф этган асарлари тўғрисида сўрашганда: уч юз қирқдан ортиқ, деб жавоб берган. Улар орасида йигирма жилдлилари ҳам, битта рисоладан иборатлари ҳам бўлган. Муваффик Абдуллатиф шундай деган: «Ибн Жавзий бирор вақтини зое кетказмаган. Бир кунда тўрт рисола асар ёзган. Ҳар йили унинг эллик билан олтмиш жилд оралиғидаги асарларининг хабари тарқаларди».

«Қиёмат қоим бўлса-ю, бирор тангизнинг қўлида
кўчат бўлиб, экиб қўйишга қодир бўлса, эксин» (ҳадис)

Ибн Жавзийнинг вақтни тежагани сабабли қўли билан икки минг жилд асар ёзгани

Захабий «Тазкиротул ҳуффоз» асарида Ибн Ражаб «Зайл»да қуидагиларни айтган: «Ибн Жавзийнинг набираси Абу Музаффар шундай деган: «Бобомнинг умрлари сўнгида минбар устида шундай деганларини эшитганман: «Мана бу бармоқларим билан икки минг жилд ёздим». Ибн Вардий «Татимматул муҳтасар фи ахбари башар» номли китобида қуидагиларни айтган: «Айтилишича, Абул Фараж ибн Жавзий ёзган рисолаларни жамлашиб, унинг умрига тақсимлашган, шунда ҳар бир кунга тўққиз рисола тўғри келган».

Ибн Жавзий вафот этганда уни ювиш учун қаламларининг қириндилари билан сув иситишгани ва қириндиларнинг ортиб қолгани

Қуммий «Ал-куно вал алқоб» номли китобида қуидаги ривоятни нақл қилган: «Ибн Жавзийнинг ҳадис ёзишда учлаган қаламларининг қириндилари тўпланган. У катта бир уюмга айланди. Ибн Жавзий вафот этганидан сўнг уни ювишда сувни шу қириндиларни ёкиб иситишни васият қилган эди. Ўша қириндилар сувни иситишга етиб ортиб қолган».

Устоз Абдулҳамид Алважий «Муаллафоту ибн Жавзий» номли китоб ёзган. Бу китобни Ироқ маданият вазирлиги ҳижрий 1385 йилда Бағдодда чоп этган. Мазкур китобда бу зотнинг қаламига мансуб баъзилари ўн жилдан ортиқ, баъзилари бир неча саҳифадан иборат катта кичик беш юз ўн тўққизта китобнинг номи келтирсан. Қолган асарлари келтирилмаган.

Ҳар бир нафас омборхонандир. Бирор нафасингни бекор кетказсанг, қиёмат куни уни бўум-бўш ҳолатда қўрасан.

Заҳабийнинг Ибн Жавзийдек тасниф қилган бирор кишини билмайман, дегани

Ҳофиз Заҳабий «Тазкиротул ҳуффоз»да Ибн Жавзийнинг асарлари қўплигини зикр қилгандан сўнг: «Уламолардан бу кишидек тасниф қилган бирортасини билмайман», деган. Сўнгра Муваффиқ Абдуллатифнинг Ибн Жавзий тўғрисидаги сўзларини нақл қилган: «У бирор вақтини ҳам зое кетказмас эди. Бир кунда тўрт рисола ёзарди. Яъни дарс бериш, таълиф қилиш, савол сўровчиларга фатво бериш билан бирга тўрт рисола ёзишга ҳам вақт топарди. Унинг барча илмлар билан боғлиқлиги бор эди».

Абдулғоний Мақдисийнинг вақтни муҳофаза қилиши ва тартиблаши

«Тазкиротул ҳуффоз»да хижрий 541 йилдатуғилиб, 600 йилда вафот этган ҳадис ҳофизи Абдулғоний Мақдисий раҳматуллоҳи алайҳининг таржимаи ҳоллари тўғрисида қўйидагилар келган: «Имом, ислом мухаддиси, дин тақводори Абу Мұҳаммад Абдулғоний ибн Абдулвоҳид Мақдисий Жаммаъилий Димашқий Солихий ҳанбалий кўплаб китоблар соҳибидир. Абу Тоҳир Силафийдан нақл қилиб минг жуз ёзган. Бу зот жуда ҳам кўп ёзарди. Доимо нусха кўчириш, тасниф этиш, ҳадис ривоят қилиш ва Аллоҳга ибодат қилиш билан банд эди. Вафот этгунича шу ҳолатда бардавом бўлган.

Бу зотнинг шогирдлари Зиё Мақдисий шундай деган: «Бирор вақтларини зое кетказмасди. Бомдодни ўқиганидан сўнг Қуръондан ёки кўпинча ҳадисдан таълим берарди. Сўнгра туриб таҳорат оларди ва «Фотиҳа»

Лаҳзаларингдан ҳар бирiga нимани жойлаётганингга назар сол! Уларга энг шарафли, энг нафис нарсаларнигина қўй.

ва мұъаввизатайлар¹² билан то пешин яқинлашгунча уч юз ракаат намоз ўқирди. Сұнгра пешингача озгина ухлаб дам оларди. Кейин то шомгача дарс берарди ё нусха күчиради. Агар рўзадор бўлса, оғизларини очарди. Хуфтонни ўқиганидан сўнг тун ярмигача ё ундан кўпроқ ухларди. Сўнг таҳорат олиб намоз ўқирди, сўнг бомдодгача яна қайта-қайта таҳорат олиб намоз ўқирэди. Кўпинча етти ё ундан ҳам кўпроқ таҳорат қиларди ва аъзоларим хўл бўлиб намоз ўқиши хуш кўраман, дерди. Сўнгра бомдоддан олдин озгина ухлаб оларди. Доимий одатлари шу эди». Бу зот қирқдан ортиқ нафис қимматбаҳо китоблар ёзиб қолдирган. Булар ҳақида кенг маълумотларни Ибн Ражабнинг «Зайлу тобақотил ҳанобила» китобида келтирилган бу зотнинг таржимаи ҳолларидан билиб олишингиз мумкин.

Фахриддин Розий овқатланишга кетган вақтидан афсусланарди

Табиб ва муаррих Ибн Аби Усайбиъанинг «Уюнул анба фи тобақотил атибба» номли асарида тафсир, усулул фиқҳ ва калом илмлари олими имом Фахриддин Розийнинг таржимаи ҳоли баён қилинган. Муҳаммад ибн Умар Фахриддин Розий раҳматуллоҳи алайҳ ҳижрий 543 йилда туғилиб, 606 йилда 63 ёшларида вафот этган. Бу зот баъзилари ўттиз икки жузли, баъзилари эса бир неча саҳифадан иборат икки юзга яқин китоб ёзиб қолдирган. Фахриддин Розийнинг таржимаи ҳоли ҳақида Ибн Аби Усайбиъанинг қуйидаги сўзлари келган: «Бизга Қози Шамсиддин Хуъий шайх Фахриддиннинг шундай деганини гапириб берди: «Аллоҳга қасамки, овқатланиш вақтида илм билан машғул бўлолмай қолишдан афсусланаман. Чунки ҳар бир вақт ва замон азиздир».

¹² «Фалақ» ва «Нос» суралари.

*Қабр сандигига Қиёмат куни йўлиққанингда сени
хурсанд қиласдиган нарсаларнигина жойлагин.*

Ибн Суқайнанинг вақтини муҳофаза қилиши, тартиблиши ва солиҳ амаллар билан безатиши

Хофиз ва муаррих Ибн Нажкор «Зайлутарихи Бағдод» асарида, Хофиз Заҳабий «Сияру аъламун нубало» асарида имом Ибн Суқайнанинг таржимаи ҳоли ҳақида қўйидагиларни айтган: «Имом, фақиҳ олим, ишончли муҳаддис, ибратли умр кечирган кекса, шайхул ислом, Ироқ фахри Зиёуддин Абу Аҳмад Абдулаҳҳоб ибн Али ибн Суқайна Бағдодий, суфий, шофеъий ҳижрий 519 йилда туғилиб, 607 йилда вафот этган. У олий санадда маърифатда, ишончлиликда, зуҳд ва ибодатда, хусни хулқда, суннатга мувофиқликда ва ўтган азизларнинг йўлларидан юришда ўз замонининг шайхи эди.

Аллоҳ таоло бу зотга узун умр ато этган бўлиб, ривоят қилган барча ҳадисларини такрор-такрор ривоят қилишга муваффақ бўлган. Толиби илмлар турли ўлкалардан уни излаб келишган. Бу зотнинг вақтлари режали, сўзлари саноқли эди. Бирор соатлари ҳам Қуръон қироатисиз, ё зикрсиз, ё таҳажждисиз, ё дарсларни тинглашсиз ўтмас эди. Мажлисларида беҳуда гаплашишга, ё бирорни ғийбат қилишга, ё бефойда гап-сўзларга йўл қўймас эди. Уйидан кўп чиқмас, фақат жумъага ё ҳайитга ё жанозага чиқарди. Охиратлари учун манфатли бўлмаган давраларга қўшилмасди.

Шогирдлари Ибн Нажкор шундай деган: «Ер юзининг шарқу гарбини айланиб чиқдим. Кўплаб имомларни, олиму зоҳидларни кўрдим. Бу зотдан кўра комилроғини, кўп ибодат қилувчироғини ва хулқи гўзалроғини кўрмадим. Йигирма йил у зот билан кечаш-ю кундуз бирга юрдим. У зотдан одоб ўргандим ва иложим етганича хизматларини қилдим. Қуръонни барча ривоятлари

Молу дунёнинг йўқотилишига истиржо айтиб, куннинг беҳуда ўтишига парво қилмаслик мусулмоннинг иши эмас.

ва қироатларида у зотга ўқиб бердим. Ривоят қилган кўплаб ҳадисларини ҳузурларида тингладим. У зотдан кўплаб китоблардан дарс тингладим ва улкан фойдалар олдим».

Ибн Сурайнанинг шогирдлариға: «саломлашишга қўшимча (бирор гапни) қўшманглар», дегани

Низомия мадрасаси мударриси Яхё ибн Қосим айтади: «Ибн Сурайна илмига амал қилувчи олим бўлиб бирор вақтни зое кетказмас эди. Агар унинг ҳузурига кирсанак, бизга қараб: «Саломлашишга қўшимча бирор гапни қўшманглар», дерди. Тадқиқот ишлари ва ҳукмларни муҳокама қилишга қаттиқ интилганидан шундай дерди». Низомия мадрасаси ўша пайтларда Бағдоддаги энг нуфузли илм маскани ҳисобланарди.

Аллоҳга қасамки, бу ҳақиқатда ажойиб иш! Одатда кўришган пайтда айтиладиган чиройли сўзларни айтишдан ҳам шогирдларини қайтарган. Вақтни зое қилмаслик учун саломлашиш биланоқ илмий баҳслар ва дарсларга киришишга буюрган.

Хофиз Мунзирийнинг таснифларидан ташқари тўқсон жилд ва етти юз жуз ёзгани

Имом Нававий раҳматуллоҳи алайҳ баъзи машҳур уламоларнинг кўрсатган жасоратларини «Бўстонул орифийн» китобининг охирида «қизиқарли ҳикоялар» бобида алоҳида келтирган. Шулар қаторида шайхининг ўз шайхи имом, ҳофиз, Абдулазим Мунзирий ҳақида айтганларини зикр қилган. Мунзирий ҳижрий 581 йилда Қоҳирада туғилиб, 656 йилда ўша ерда вафот этган. Аллоҳ таоло раҳматига олган бўлсин.

*Йиллар ўтмаяпти. Аксинча улар ортда қоляпти,
биз эса ўтиб кетяпмиз. Чунки йиллар рақамлар холос.*

У зот шайхлари ҳақида қуйидагиларни айтган: «Шайхимиз ва улуғимиз буюк имом, улуғ дониш, ҳофиз муҳаққиқ, моҳир тадқиқотчи, сабитқадам йўлбошли, очиқкўнгил меҳрибон, тақводор зоҳид, обид мужтаҳид, ҳофизлар давомчиси, муфтий, имомлар ва муҳаддислар шайхи Зиёуддин Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Ийсо Муродийнинг хижрий 685 йил шаввол ойининг олтинчиси, чоршанба куни Димашқдаги Бодирия мадрасасида (Аллоҳ бу мадрасани ўз ҳифзу ҳимоясига олсин) шундай деётганларини эшитганман: «Шайх Абдулазиз раҳматуллоҳи алайҳининг шундай деганини эшитганман: «Қўлларим билан тўқсон жилд ёзганман ва яна етти юз жуз ёзганман». Буларнинг барчаси ҳадис илмлари таснифи тўғрисида бўлган. Таснифларидан ташқари ҳам кўплаб нарсаларни ёзиб чиқкан.

Ҳофиз Мунзирий овқатланаётган вақтда ҳам илм билан машғул бўларди

Шайхимиз у зот ҳақида шундай деган эди: «Мен у зотдан кўра илмга интилувчан тиришқоқроқ кишини кўрган ҳам эмасман, ва эшитмаганман ҳам. У зот кечаю кундуз доимо илм билан машғул эди. Мадрасада у зот билан қўшни турганман, яъни Қоҳирадаги мадрасада, Аллоҳ таоло бу мадрасани ўз ҳимоясига олсин. Ўн икки йил у зотнинг уйидан юқори қаватдаги уйда турганман. Шу муддат давомида бирор кеча, кечанинг қайси соатида уйғониб қолсам ҳам, уйларидаги чироқ ёниқ турганини ва у зотнинг илм билан машғул эканини кўрганман. У зот ҳатто овқатланаётган вақтда ҳам (ўқиётган) китоби ва (бошқа) китоблари ёнида бўлиб, улар билан машғул бўлиб турарди.

*Бугун амалнинг куни, бугун ҳисоб йўқ.
Эрта ҳисоб бор, амал йўқ!*

Ҳофиз Мунзирий мадрасадан азага ҳам, дам олишга ҳам чиқмас эди

Яна шайхимиз у зотнинг таҳқиқлари, илмий изла-нишлари ва моҳирлиги ҳақида табирига тил ожиз қоладиган нарсаларни зикр қилган эди: «У зот аза, дам олиш ва бошқа шу қаби юмушлар учун мадрасадан чиқмас, фақат жумъя ўқиш учун чиқар эди. Ҳамиша илм билан банд эди. Аллоҳ таоло у зотдан, ота-оналаримиздан ва барча мусулмонлардан рози бўлсин».

Ҳофиз Мунзирийнинг суюкли ўғли вафот этганида уни мадраса эшигидан кузатиб қўйгани

Имом Тожуддин Субкий «Тобақотуш шофеъиятил кубро» номли китобида ҳофиз Мунзирийнинг таржи-маи ҳоли ҳақида қуидагиларни ёзган: «Умрлари сўнгида «Комилия» ҳадис марказида дарс берган эди. Мадрасадан фақат жумъя намози учунгина чиқарди. Ҳатто у зотнинг улуғ муҳаддис ўғиллари¹³ вафот этганда, унинг жанозасини мадраса ичкарисида ўқиди ва дарвозагача кузатиб чиқди. Кўзларидан ёш оқди ва: «Эй, ўғлим сени Аллоҳга топшираман», деб ундан ажралди. Мадрасадан ташқарига чиқмади.

Ибн Молик намоз ўқирди, ё тиловат қиласи, ё китоб ёзарди, ё ўқирди

Соатларни ва лаҳзаларни қадрлаган, ҳатто ўлимни қаршилаб, ҳаёт билан видолашаётган чоғларда ҳам,

¹³ Рошийдуддин Абу Бақр Мұхаммад ҳижрий 643- санада вафот этган. У иқтидорли ҳофизлардан бири эди. Аллоҳ таоло Мунзирийнинг савобларини янада кўпайтириш учун унинг ҳаётлик даврида ўғлини вафот эттирган эди.

**Шошилинг, шошилинг!!! Агар нафаслар тўхтатилиб қолса,
Аллоҳга яқин қиласиган амалдан узилиб қоласизлар.**

ўлимлари олдидан ҳам илм таҳсилидан ажралмаган улуғ имомлардан биридир: «Алфия» ва нахв фанининг бошқа кўплаб асосий китоблари сохиби, нахв имоми Ибн Молик раҳматуллоҳи алайҳдир. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ҳижрий 600 йилда туғилиб, 672 йилда вафот этган.

Мақоррийнинг «Нафаҳут тийб» номли китобида бу зотнинг таржимаи ҳоллари ҳақида шундай дейилган: «Ибн Молик раҳматуллоҳи алайҳ кўп ўқиёдиган, маълумотларини тез-тез текшириб турадиган зот эди. Бирор нарсани унинг манбасига қарамасдан, ёддан ёзмас эди. Бу ишончли шайхларнинг ва событқадам уламоларнинг илм етказиш услуби ҳисобланади. У зотни факат ё намоз ўқиётганини, ё тиловат қилаётганини, ё китоб тасниф қилаётганини, ё ўқиётганини кўришарди. Ҳикоя қилинишича, бир куни у зот дўстлари билан Димашққадам олиш учун йўлга чиқишибди. Кўзланган жойга етиб боришганида озгина вақт ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлиб, у зотни йўқотиб қўйишибди. Қидириб топиша олишмабди. Сўнгра қаттиқ излашган, уни қўлидаги варакларни бутунлай берилиб ўқиётган ҳолда топишган экан».

Ибн Моликнинг вафот этиши олдидан унга айтиб туришган саксон байтни ёдлагани

Бу зотнинг илмни нақадар ғанимат билиши ҳақида юқорида баён қилинган воқеадан ҳам ажойиброги вафот этаётган пайтида ҳам бир қанча байтларни ёдлаганидир. Баъзилар уларнинг саксон байт эканини ҳисоблашган. Бу байтларни у зотга ўғиллари айтиб турган. Ҳа, бу «машаққатларинг миқдорича орзуларингга эришасан», деган ҳикматли сўзнинг тасдиғидир. Аллоҳ таоло у зотни юксак ҳимматлари туфайли энг яхши

*Эрта, эрта, деманг!. Чунки сиз Аллоҳга
қачон қайтишиңгизни билмайсиз-ку.*

мукофотлар билан тақдирласин. Димашқда 672 йилда вафот этиб, Қосиүн төғи этагига дағын этилган. Қабри ҳозирги кунда ҳам үша жойда яшайдиганларга маълум ва машхур. Аллоҳ таоло үз раҳматига олган бўлсин».

Имом Нававий икки йил атрофида ёнбошини ерга қўймаган

Хофиз Заҳабий «Тазкиротул ҳуффоз»да имом Нававийнинг таржимаи ҳоли ҳақида қўйидагиларни айтган: «Кўплаб манфаатли асарлар соҳиби, ягона ҳофиз муқтадо, шайхул ислом, авлиёлар улуғи Мухйиддин Абу Закариё Яҳё ибн Шараф ибн Муррий, Хизомий, Ҳавроний, шофеъий раҳматуллоҳи алайҳ ҳижрий 631йилда Ҳавроннинг Наво шаҳрида дунёга келган. 649 йилда Димашққа борган ва «Роваҳия» мадрасасида истиқомат қилган. Бу ҳақда у зотнинг үзи шундай деган: «Мадрасада икки йилча турдим, шу вакт давомида ёнбошимни ерга қўймадим. У зот тўрт ярим ойда «Танбех»ни ёд олган. Йилнинг қолган қисмида шайхлари Камол Исҳоқ ибн Аҳмадга «Мұхаззаб»нинг тўртдан бирини ёддан үқиб топширган».

Нававий ҳар куни ўн иккита дарсни аниқлаб, изоҳлаб ўқирди

Нававийнинг шогирди шайхимиз Абул Ҳасан ибн Атторга Шайх Мухйиддин шундай гапириб берган экан: «У зот ҳар куни устозлари ҳузурида ўн иккита дарсни шарҳи билан таҳқиқ қилиб ўқир эди. Яъни: фиқҳ илми бўйича «Васийт»дан иккита дарс, «Мұхаззаб»дан бир дарс, ҳадис илмидан «Саҳиҳайн» орасини жамлаш бўйича бир дарс, «Саҳиҳу Муслим» бўйича бир дарс, нахв

**Қандай қилиб дүнёга хурсанд бўлиш мумкин?!
Ахир, вақт ажал сари жадаллик билан ўтиб боряпти-ку!**

илем бўйича Ибн Жиннийнинг «ал-Лумаъ» китобидан бир дарс, «Ислаҳул мантиқ»дан бир дарс, «Тасриф»дан бир дарс, «Усулул фикҳ»дан бир дарс, гоҳида Ибн Исҳоқнинг «ал-Лумаъ» китобидан, гоҳида Фахриддин Розийнинг «Мунтахоб»идан, «Асма ар-рижол»дан бир дарс, «Усул ад-дин»дан бир дарс, «Наҳв» бўйича яна бир дарс бўларди.

У зот яна шундай деган: «Бу илмларнинг мушкул жойларига шарҳлар, ибораларига изоҳлар ва луғатларига қайд қилиб қўяр эдим. Аллоҳ таоло менинг вақтимга барака берган эди».

Нававий кечаю кундузда фақат бир марта овқатланар эди

Абул Ҳасан ибн Аттор айтади: «Менга шайхимиз айтиб берган эди (Аллоҳ раҳматига олсин): «У зот кечаю кундузда бирор вақтни зое қилмас, ҳатто кўчада ҳам такрорлаб ё мутолаа қилиб юрар экан. У зот шу ҳолатда олти йил бардавом бўлган. Сўнгра китоб тасниф қилишга, изоҳлашга, насиҳат қилишга ва ҳақ сўзни ёйишга ўтган. У зотнинг одатлари бир кечакундузда фақат бир марта хуфтондан сўнг овқатланиш ва бир марта сахар вақтида сув ичиш бўлган. Мева ва бодрингни истеъмол қилишдан сақланган. Бунинг сабаби ҳақида: «Ушбу нарсалар жисмимдаги намликни қўпайтириб, уйқу келтириб қўйишидан қўрқаман», деган. У зот уйланмаган.

Нававийнинг парҳезкорлиги, еб-ичиш, кийиниш ва яшашдаги машаққатли ҳаёти

Имом Нававий еб-ичиш ва кийинишда турмушлари танг бўлишига қарамасдан доимий равищда машғуллик,

тасниф этиш, илм тарқатиш, ибодат, вирдлар, рўза, зикрлар билан бардавом бўлиб яшадики, унга янада зиёда қилишнинг иложи йўқ эди. Ишлов берилмаган дағал сурпдан кийим киярди, кичик саҳтиёний салла ўради. Имом Нававий ҳижрий 676 йилда 45 ёшларида вафот этган. Кўплаб буюк асарлар ёзиб қолдирган. Ёзган асарларини ҳаётларига тақсимлашганда ҳар бир кунга ўша пайтдаги тўрт дафтардан тұғри келган.

Табиб Ибн Нафис тибда, фиқҳда ва вақтни муҳофаза қилишда имом бўлган

Ўтаётган лаҳзаларининг қадрига етиб, вақтлару соатлар ичига яширин фикрлар ҳамда қалб кечинмаларини қоғозга туширган катта уламо, атоқли табиб ва мўътабар улуғлардан бири ўз аслида тиббиёт шайхи Ибн Нафис Димашқий Мисрий раҳматуллоҳи алайҳдир. Бу зотнинг таржима ҳоли ҳақидаги маълумотлар Хувансорийнинг «Ровзатул жаннат» китобида Салоҳиддин Сифдийнинг «ал-Вофий бил вафаёт» китобидан нақл қилинган. Менинг улардан олганларим қуидагилар бўлди: «Фозил, ҳаким, имом, аллома Алоуддин ибн Нафийс Алий ибн Абу Ҳазм Қарший ҳижрий 610 йиллар атрофида Димашқда таваллуд топиб, 687 йилда Қоҳирада вафот этган. Аллоҳ таоло ўз раҳматига олган бўлсин».

Бу зот тиб илмида ўз асрининг ягона пешвоси бўлиб, машғулот ва тадқиқотда бекиёс бўлган. Тиб илмига оид юксак таснифлари ва ажойиб таълифлари бор.

Тиб илмига оид асарларидан бири «Шомил» китоби ҳисобланади. Бу китобнинг мундарижаси унинг уч юз китоб бўлганига далолат қиласи. Буни унинг саксонта китобини оқقا кўчирган баъзи дўстлари зикр қилишган.

**Қандай қилиб дүнёning бир куни ўтганига хурсанд бўлиш мумкин?!
Ахир, у ойларни, ойлар йилларни, йиллар эса умрни тугатяпти-ку!**

Шунингдек, у зотнинг яна «Муҳаззаб фил куҳл», бир неча жилдли «Шарху қонун ли Ибн Сино» ва тиб илмига оид кўплаб китоблари мавжуд.

Бу зот мантиқ илми бўйича ҳам қалам тебратиб, муҳтасар асар тасниф этган. Ибн Синонинг мантиқ илмига бағишиланган «Ҳидоя» китобига шарҳ ёзган. Бу зотнинг яна усуул фикҳ, фикҳ, араб тили, ҳадис, илму баён ва бошқа соҳалар бўйича ҳам тасниф этган асарлари бўлган. Шофеъий мазҳабига кўра битилган Абу Исҳок Шерозийнинг «Танбех» номли китобларини аввалидан то «Саҳв боби»гача жуда ажойиб тарзда шарҳлаган. Қоҳирадаги «Масрурия» мадрасасида фикҳдан дарс беришга тайин этилган.

Имом Бурҳониддин Иброҳим Рошидий бу зот ҳақида шундай деган: «Алоуддин ибн Нафийс тасниф қилишга киришаётган пайтда қаламлар учланиб, унинг олдига тайёр қилиб қўйиларди. У зот юзини девор тарафга буриб, хотираларидағи нарсаларни ёзиб кетарди. Селдек тез ёзар эди. Агар қаламлари ўтмаслашиб, юрмай қолса, учлашга вақт кетиб қолмаслиги учун уни қўйиб, бошқасини олиб ёзиб кетаверарди. Ёзаётган вақтида бирор китобга мурожаат қилмасдан ёддан ёзар эди».

Ибн Нафийснинг Ибн Восил билан тонггача илмий сұхбат құргани

Ибн Нафийснинг шогирдларидан бири Қоҳира ҳакими Садид Димётий шундай деган: «Бир кун кечаси бу зот билан қози Жамолиддин ибн Восил бирга ўтириб қолишиди. Мен ўша ерда ухлашга ётган эдим. Иккалалари хуфтон намозини ўқиб бўлишгач, илмий баҳсга киришишди. Баҳслари жараёнида бир илмдан бошқа бир илмга ўтиб кетишарди. Шайх Алоуддин баҳс

*Машғул бўлишинг эмас, балки нима
билин машғул бўлишинг муҳим.*

қилинаётган мавзуларни шошилмасдан bemalol тушунтиради. Қози Жамолиддин эса ҳаяжонланар, овозини кўтарар, кўзлари қизарар, бўйин томирлари шишиб гапиради. То тонг отгунча шу ҳолатда давом этдилар. Ҳолат аён бўлгач Қози Жамолиддин: «Шайх Алоуддин, бизда масалалар, нозик иборалар ва қоидалар бор экан, сизда эса илмлар хазиналари бор экан», деди.

Ибн Нафиснинг баъзи тиббий тадқиқотларни чўмилиш асносида ёзгани

Бошқа бир шогирди шундай деган: «Шайх Алоуддин бир куни «Бабуз Зухума»даги ҳаммомга тушган эди. Чўмилишни бошлаганидан сўнг бирдан ечиниш хонасига чиқиб келди-да сиёҳ ва қофоз-қалам сўради. Дарҳол юрак уриши ҳақида мақола ёзишга киришди ва тўлиқ ёзиб битирди. Сўнгра яна ҳаммомга кириб, чўмилиб чиқди.

Бу зот ўта муруватли киши бўлиб, кечаю кундуз илм беришдан тўхтамасди. Бу зотнинг ҳовлисидаги илм мажлисига амирлар, табиблар раиси Муҳаззаббуддин ибн Абу Ҳулайқо, Шарофиддин соғийр каби зотлар ва катта табиблар ҳозир бўлишарди. Барчалари бир қаторда ўтиришар эди. Миср ва Коҳира табиблари Ибн Нафис ва Имодуддин Набулсийнинг қўлларида таҳсил олиб чиқишган. Бу зот учун ўша ерда ҳовли қурилган бўлиб, унинг айвонларигача мармар ётқизилган.

Ибн Нафис вафот этишидан олдин касал бўлганида табиб дўстларидан бири маълум миқдорда хамр (ақлни тўсувчи суюқлик) истеъмол қилишни таклиф этган. Ўша табибининг холосаларига кўра, бу зотнинг касаллигини хамр билан даъволаш мумкин бўлган. Шунда у зот: «Аллоҳга ичимда (корнимда) хамр бўлган ҳолатда

йүлиқмайман», деб рад этган. Бу зот уйланмаган. Мазкур ҳовлилари, китоблари ва молларини «Мансурия» шифохонасига вақф қилиб қолдирган.

Ибн Нафис қон айланишини етти аср олдин кашф қилган эди

Жумладан, бу зот улуғ имом ҳам эди. Кўпгина мўътабар кишилар бу зотни иккинчи Ибн Сино дейишарди. Унутмангки, Ибн Нафис баданда қон айланишини кашф қилганига етти асрдан ҳам ошиб кетди. Бу эса тиббиёт оламидаги жуда улкан кашфиёт эди.

Абдулфаттоҳ айтади: «У зот мана шундай улкан фазл соҳиби ҳамда тиб ва бошқа илмларда шуҳрат қозонгани билан бирга ниҳоятда тавозели инсон эди. Ўқув босқичларини тамомлаб чиқаётган шогирдларига ижозат беришда ўзини «Табиблик билан шуғулланувчи», деб сифатларди. Ҳолбуки, бу зот ўз асирида тиб илми ва табиблар имоми эди. Зирклийнинг «Аълом» номли китобида бу зотнинг таржимаи ҳолларидан гўзал намуналар келтирилган.

Шамсиддин Асбаҳоний кириб чиқишлиар сабабли вақт зое бўлмаслиги учун кам овқатланар эди

Хофиз Ибн Ҳажарнинг «Дурорул камина» ва Шавкийнинг «Бадрут толиъ» номли китобларида усул, фикҳ ва тафсир илмлари олими имом аллома Шамсиддин Абу Сино Асбаҳоний шофеъийнинг таржимаи ҳоли келтирилган. Бу зот 674 йилда Асбаҳонда туғилиб, 749 йилда Коҳирада вафот этган. Мазкур китобларда қуйидаги маълумотлар келган: «Дастлаб ўз шаҳарларида илм

билан машғул бўлиб, турли фанлар бўйича моҳир ва пешқадам бўлган. Сўнгра хижрий 725 йилнинг Сафар ойида Кудс зиёратидан сўнг Димашққа келган. Шайх Тақийуддин унинг сўзини эшишиб ниҳоятда қаттиқ ҳурмат кўрсатган. Бир марта: «жим туринглар, ушбу фазилатли зотнинг сўзларини тинглаймиз, шаҳримизга ҳали бундай киши ташриф буюрмаган эди», деган. Сўнгра Қоҳирага кетиб, ўша ерда вафот этган.

Бу зотнинг илмга бўлган қаттиқ интилиши ва вақтни зое қилишдан ниҳоятда ҳазар қилиши ҳақида дўстлари гапириб беришган. Бу зот чанқаб қолмаслик учун кўп ейишдан тийилган. Чунки бунда ҳожатхонага кириб чиқишига муҳтож бўлиб вақт зое кетади, деб ҳисоблаган.

Ушбу улуғ имомнинг наздида вақт нақадар қимматли эканига эътибор беринг. Бу зотнинг наздида вақтнинг қадри илмнинг қадри билан белгиланган.

Шавконийнинг бир кеча-кундуздаги дарслари ўн учтага етган

Тафсир, ҳадис, фиқҳ ва усул илмлари олими, аллома, қози Шавконий раҳматуллоҳи алайҳ «Зу тасониф» (*Таснифлар эгаси*) номи билан машҳур бўлган. Хижрий 1173 йилда Ямандаги Шавкон деган жойда таваллуд топиб, 1250 йилда вафот этган. Бу зот «Бадрут толиъ» номли китобида ўз таржимаи ҳолини тавозелик билан учинчи шахс тилидан ҳикоя қилган: «Унинг дарслари бир кеча-кундузда ўн учтагача етарди. Улар орасида ўзи шайхларидан оладигани ҳам, шогирдлари ундан оладигани ҳам бор эди. Бир муддат шу ҳолатда давом этди. Сўнгра шогирдларига дарс бериш учун шайхлари билан учрашишни тўхтатди. Шогирдлари ундан кунига турли фанлар бўйича ўндан ортиқ дарс олишарди. Баъ-

**Ортга суришдан сақлан, чунки сен бугунга масъулсан.
Эрта эса эҳтимол сенга насиб қилмас.**

зи вақтларда тафсир, ҳадис, усул, нахв, сарф, маъоний, баён, мантиқ, фиқҳ, жадал ва аruz дарслари бир кунга тўғри келиб қоларди».

Бу зот шайхларидан таҳсил олиб, шогирдларини ўқитиб юрган пайтларда ҳам Санъо ва бошқа жойлардан йигирма йиллир чамаси фатво сўраб келувчиларга фатво бериб турган. Сўнгра 1229 йилда Санъога қози этиб тайинланган ва то вафотларига қадар 21 йил қозилик вазифасида ишлаган. Вафот этган вақтида 114 та асарлари бор эди. Аллоҳ таоло ўз раҳматига олган бўлсин. Кўплининг номларини ўз таржимаи ҳолларида келтириб ўтганлар.

Олусий тунда тафсир ёзарди, кундузи эса ўн учта дарс ўтарди

Имом муфассир Абу Сано Шиҳобуддин Маҳмуд ибн Абдуллоҳ Олусий Бағдодий раҳматуллоҳи алайҳ Бағдод муфтийси ва муфассирларнинг охиргиси ҳисобланади. Ҳижрий 1217 йилда туғилиб, 1270 йилда вафот этган. Бу зот ҳар лаҳзада илмлари зиёда бўлишига интилар эди. Фойдали ва нодир илмларни қўлга киритишдан ҳеч тўхтамас эди. Кундузлари фатво ва дарс бериш билан ўтарди. Кечанинг аввалини масала сўровчиларга ёки сұхбатдошларга ажратган эди. Кечанинг охирода варақларга тафсир ёзар эди. Эртаси куни эрталаб ёзган варақларини оқقا кўчирувчи қилиб тайинлаган котибларга берар эди. Котиблар уларни оқقا кўчириш учун бу зотнинг уйларида ўн соатлаб қолиб кетишар эди.

Бу зот бир кунда йигирма тўртта дарс билан шугулланар эди. Тафсир ёзиш ва фатво бериш билан машғул бўлган вақтларда узун китоблардан ўн учта дарсни бажаришга вақт топа оларди. Доимий равишида таълиф

Вақт – биз энг мұхтож бұладиган ва энг күп исроф қилиб фойдаланадиган нарасадир.

етиш билан банд эди, ҳатто охирги касал бұлғанида ҳам таълиф этишни тұхтатмаган.

Уламолар наздіда бу зотнинг тафсири бошқа тафсир китобларидан ниҳоятда ажайиб ва бетакрорлиги билан ажралиб туради. Бу зотнинг қанчалар юксак фазилатли имом бұлғанига шу тафсирнинг үзи ҳам кифоя қилади. Юқорида баён этганимиздек, китобларини тунда ёзган. Шоир айтганидек:

و بادر الليل بما تشه
فاما الليل نهار الأريب

*Истакларингга тунда шошилгин,
Чунки тун закийлар күндүзи эрүр.*

Имом ва адаб Абу Ҳилол Аскарий шундай ёзган:

و ساهرُ الليل في الحاجات نائمه
و واهبُ المال عند المجد كاسبه

*Ким кечани талабда үтказса бедор,
Түннинг асл роҳатыга бұлар сазовор.*

*Имкони борида мол инъом этган,
Аслида у бұлар құлға кириктган.*

Фақъасий Ҳамосий эса қуйидагича ёзган:

كأنك لم تُسبق من الدهر ليلة
إذا أنت أدركـت الذي كـنت تطلبـ

*Гүё бирор кечадан бенасиб қолмагансан,
Агар мақсадларингга эришган бўлсанг.*

**Ҳар дақиқада ҳаёт қиссанг ёзилиб
бораётганидан хабаринг борми?**

Ибн Нубота Саъдий эса шундай ёзган:

أعادلتي على إتعاب نفسي
و رعيبي في الدجى روض الشهاد

إذا شام الفتى برق المعال
فأهون فائت طيب الرقاد

*Нафсим қийноғига дашном беришім,
Хам түнлари узун бедор бұлишим.*

*Йигиттінг улуғлік жилвасин күриб,
Үйқунинг тотлиғи қолмаганданми?*

Абдулхай Лакнавий 39 ёшда вафот этган, асарлари эса 110 та дан ортиқ бўлган

Узоққа бормайлик, имом Абдулхай Лакнавий Ҳиндий юз йилча олдин ҳижрий 1304 йилда 39 ёшида вафот этган. Ёзган китоблари эса қўп жилдли катта китоблар ва бир неча саҳифалардан иборат рисолалар билан биргаликда 110 та дан ортиқ эди. Барча китоблари фойдали баҳслар ва мушкул масалаларга бағишлиланган.

Уммат ҳакими Таҳонавийнинг асарлари мингдан ортиқ бўлган

Ҳинд шайхи Ашраф Али Таҳонавий қирқ йилча олдин ҳижрий 1362 йилда 81 ёшида вафот этган. Таълиф этган асарлари мингдан ортиқ бўлган. Бу эса Аллоҳ таолонинг хоҳлаган бандасига ато этадиган фазлидан ўзга нарса эмас. Буларнинг барчаси вақтни авайлаш

*Ёшлиқда сен вақтни зое құлсанғ,
қариганда вақт сени зое қилағи.*

билин юзага келган. Албатта, вақт ва замон қийматини англайдиганлар Аллоҳнинг тавфиқига сазовор бўлган нодир кишилар бўлиб, қисқа умрлари давомида жуда кўп асарлар таълиф этганлар.

Ўтган азиз имомларнинг таълифлари вақтларини авайлаганларига далолат

Шу ўринда шайхимиз Аллома Мұхаммад Зоҳид Кавсарийнинг сўзларини келтириб ўтмоқчиман. Унда сиз бошқа илмлардан ташқари хоссатан Қуръони каримнинг жуда улкан тафсирлари ҳақидаги умумий хабарлар билан танишасиз. Улкан ҳажмли асарлар соҳибларининг илмга ва вақтни авайлашга қанчалар эътибор қаратиб, уларни таълиф этишга имкон топганларига далолат қиласи. Булар шундай асарларки, уларни кўриш ў ёқда турсин, у ҳақида эшитган инсон ҳам Халойиқнинг ичидаги қанчадан-қанча ажойиботлари борлигидан ҳайратланиб, лол қолади.

Шайхимиз «Мақолотул Кавсарий» номли китобларида Қуръони каримга хизмат қилган баъзи жиҳатлар ҳақида ёзган.

Ўтган азизларнинг тафсир ва тафсир илмларидаги баъзи улкан асарлари

Ўтган азизларнинг Қуръони карим маънолари гўзалликларини баён қилиш йўлида таълиф этган асарлари санаб саноғига етиб бўлмайдиган даражада бўлган. Шунингдек, бу асарларда ривоят ё дироятга ҳамда Қуръон илмлари билан боғлиқ илм турларига эътибор беришда хилма-хил услублар билан ёндашилган. Қуръони мажид фазилатларининг бирор хос жиҳатига аҳамият кўрсатишдаги йўналишлари ҳам турлича бўлган.

Ушбу масалага алоқадор уммат уламоларининг таълиф этиш йўлидаги улуғ ишларга намуна бўладиган асардари кўпdir. Мен ҳурматли ўқувчидан уларнинг баъзиларини келтириб ўтишимга рухсат беришини сўрайман.

– Абул Ҳасан Ашъарийнинг «Мухтазан» тафсири. Муқризийнинг «Хутот» китобида зикр қилинганига кўра етмиш жилдан иборат.

– Қози Абдулжаббор Ҳамадонийнинг юз китобдан иборат «Муҳийт» тафсири. Абу Юсуф Абдуссалом Қазванийнинг «Ҳадаиқу зати баҳжа» (шодлик боғлари) тафсири ҳақида айтилган ададларнинг энг ози уч юз жилд бўлган. Муаллифи уни Бағдоддаги имом Абу Ҳанифа масжидига вақф қилган. Сўнгра бу тафсир ҳам мўғулларнинг Бағдод халифалигини истило қилиши асносида йўқолиб кетган! Аммо мен бир ҳинд адабидан кутубхоналар рўйхатларида унинг бир қисмини кўрганини эшитган эдим.

– Ҳофиз ибн Шоҳийннинг минг жузлик тафсири.

– Қози Абу Бакр ибн Арабийнинг тафсир тўғрисида ёзган саккиз минг варақ атрофидаги «Анварул фажр» китоблари. Бу китоб бизнинг диёримизда, яъни Истанбул кутубхоналарида борлиги айтилади, лекин узоқ давом этган изланишларимга қарамасдан ҳали топа олмадим.

– Абу Ҳаййон машойихларидан бири Ибн Нақийб Мақдисийнинг юз жилдга яқин тафсири. Унинг баъзи жузлари Истанбул кутубхоналарида бор. Ушбу тафсирларнинг айрим жузлари баъзи кутубхоналарда сақланмоқда.

Билишимизча, бугунги кунда энг катта тафсир Аллома Кутбиддин Шерозий қаламига мансуб «Тафсиру

Алломий» номи билан аталадиган «Фатхул маннон» тафсиридир. Бу тафсир қирқ жилддир. Биринчи жилди Миср кутубхоналарида бор. Ушбу китобда у зотнинг тафсир илмидаги мавқелари зоҳир бўлади. Истанбулдаги Муҳаммад Асьад ва Алий Пошо (Ҳаким ўғли)ларнинг кутубхоналарида ҳам бирорта нусхаси тўлиқ бўлмасада, бир неча жилдлари учрайди.

«Манҳалус софий» китобида келтирилишича, аллома Муҳаммад Зоҳид Бухорийнинг ҳам юз жилд атрофидаги тафсиrlари бўлган. Булардан ташқари ҳам ушбу уммат уламоларининг турли йўналишлардаги санаб саноғига етиб бўлмайдиган тафсиrlари бор. Бу зотларнинг ушбу хизматларидан ташқари, ҳадисларни шарҳлаш, уларда келган умумий асосларни баён қилиб беришдек алоҳида мақтовга сазовор хизматлари ҳам бор.

Кўп асар ёзган имомлар

Фақих, усул олими, аллома Муҳаммад Ҳасан Ҳажвий Фосий Мағрибий раҳматуллоҳи алайҳ «ал-фикрус Самий фи тарихил фиқҳил исламий» номли ажойиб китобида имом Ибн Жарир Тобарийни кўп асар ёзганлар қаторига киритган. Кўп асар ёзганлар сифатида Ибн Жарир ва Ибн Жавзий каби зотлар тилга олинган. Мен у зотнинг зикр қилганлари орасидан қуидагиларни келтираман. Булар орасида баъзи бир олдин зикр қилганларим ҳам бўлса, такрорнинг зарари йўқ деб ўйлайман. Мағрибий шундай ёзган:

Ибн Жарир кўп таълиф этиш ва гўзал тасниф қилишда Исломдаги буюк муаллифдир

Имом Ибн Жарир Тобарий пухта ва манфаати умумий асарларни кўп ёзишда пешқадамликни қўлга ки-

ритган. Бу зот уч юз эллик минг варақ атрофида асар ёзиб қолдирган. Бу бизларга етиб келган илмий асарларнинг энг кўпидир. Яратувчиларнинг энг яхиси Аллоҳ барокатли ва буюқдир!

Мазкур асарлари билан у зот бу борада энг юқори чўққини эгаллаган. Ўтган азизлардан тортиб ҳозиргача ҳеч ким пухта ва манфаати умумий асарлар таълиф этишда бу даражага эриша олмаган. Менимча, бу натижажа ундан бошқасига насиб қилмаган. Шунга кўра у зот ҳақида: «У Исломдаги энг буюк муаллифдир», дейишгани ҳақ сўздир.

Боқиллоний ўттиз беш варақ ёзмагунича ухламас эди

«Дийбажул мазҳаб» асарида келтирилишича, Қози Абу Бакр Муҳаммад ибн Тоййиб Боқиллонийнинг ҳар кеча бажарадиган йигирма бўлак вирди бор эди. Ёддан ўттиз беш варақ ёзмагунича ухламас эди.

Иbn Аbu Дунё, Иbn Асокир ва Иbn Шоҳийнларнинг асарлари кўплиги

Ибн Абу Дунё мингта асар ёзиб қолдирган. Ибн Асокир саксон жилдли тарих китобини битган. Суютий: «энг кўп асар тасниф этган Ибн Шоҳийндин. У уч юз ўттизта асар ёзган. Улар орасида «Тафсир»ларининг ўзи минг жуз, «Муснад»лари бир минг беш юз жуздир», деган. Яна Суютий: «Бу баъзи маконлар баракали қилинганидек баъзи инсонларга вақтнинг баракали қилиб қўйилганидандир. Худди Исро ва Қадр кечасида замон баракали қилингани сингари», деган. Бу сўзларини «Минахул бадия»да нақл қилган.

*Оддий инсон вақтини қандай ўтказишни ўйлайди,
буюк инсон эса вақтдан қандай фойдаланишини ўйлайди.*

Ибн Ҳазм ва Ибн Абу Ҳотим Розийларнинг асарлари кўплиги

Имом Абу Муҳаммад Алий ибн Ҳазм саксон минг вараққа яқин тўрт юз жилд асар ёзиб қолдирган. Имом Абу Муҳаммад Абдурроҳман ибн Абу Ҳотим Розий фикҳ, ҳадис ва тарих бўйича кўплаб асарлар таълиф этган. Шулар орасида «Муснад» номли китоблари минг жуздан иборат. Булар «Тобақотус Субкий»да зикр қилинган.

Ҳоким Найсобурийнинг асарлари кўплиги

«Мустадрок ала саҳиҳайн» соҳиби Ибн Байиъ номи билан машҳур Абу Абдуллоҳ Ҳокимнинг ёзган асарлари адади бир минг беш юзтага етган. «Тахрийжу ала саҳиҳайн», «Илал», «Амолий», «Фаваидуш шуйух» ва «Тариху Найсобур» каби асарлари шулар жумласидандир.

Абул Ҳасан Ашъарийнинг асарлари кўплиги

Имом Абул Ҳасан Ашъарийнинг катта-кичик китоблари элликтага етган. Кўни адашган тоифаларга раддия сифатида ёзилган. Бу эса асар ёзишда кўп вақтни оладиган қийин иш ҳисобланади.

Муҳаммад ибн Суҳнун Моликийнинг асарлари кўплиги

Юз жузлик катта китоби билан танилган Муҳаммад ибн Суҳнун Ифриқий фикҳ, сийрат, тарих ва бошқа кўплаб илм соҳалари бўйича асарлар ёзиб қолдирган. «Аҳкомул Қуръон» ва бошқа кўп китоблари бўлган.

Вақт мол дунёдан қадрлидир. Чунки мол дунёни кўпайтирса бўлади, аммо вақтни кўпайтириб бўлмайди.

Абу Бакр ибн Арабий Маъорифийнинг асарлари кўплиги

Фосда дафн этилган Абу Бакр ибн Арабий Маъорифий саксон жузли катта тафсир ёзган. Бундан ташқари, «Термизий» ва «Муватто»ларга шарҳ ёзган, катта ва кичик «Аҳкамул Қуръон», «Алъ-авосим минал қовасим» ва «Ал-Махсул фил усул» каби асарларини таълиф этган. Буларнинг барчаси олий табақали асарлар ҳисобланади. Бу ҳақиқатда нодир ишдир.

Абу Жаъфар Таҳовийнинг асарлари кўплиги

Имом Абу Жаъфар Таҳовий жуда кўплаб асарлар ёзган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳажлари қирон бўлганми, ё ифрод бўлганми ё таматтӯй бўлганми, деган масала тўғрисида минг варақли асар ёзган. Бундай зотлар эса Ислом уламолари орасида қанчадан-қанча бўлган.

Абу Убайда, Ибн Сурайж ва Ибн Ҳубайб Андалусийнинг асарлари кўплиги

Абу Убайда Маъмар ибн Мусаннонинг турли илм соҳаларига доир асарлари икки юзга етган бўлса, Ибн Сурайжнинг асарлари тўрт юзга етган. Қози Фозилники юзта бўлган. Андалус олими Абдулмалик ибн Ҳубайнинг асарлари мингга етган. Булар «Нафҳут тийб» асарида зикр қилинган.

Олдинги уламоларнинг умумий асарлари қўплиги

Уламоларнинг асарлари кўп жилдли бўлган. Сибт ибн Жавзийнинг тарих борасида ёзган «Миръотуз-замон» китоби қирқ жилд бўлган. Хатийабнинг «Тариху Бағдод» китоби ўн тўрт жилд, «Ағоний» йигирма жилд бўлган. Ибн Асийрнинг «Комил» китоби ўн икки жилдни ташкил этган. Абу Ҳанифа Дайнаварийнинг «Шарҳун набот» китоби олтмиш жилдан иборат. Араб файласуфи Яъқуб ибн Исҳоқ Киндийнинг асарлари икки юз ўттиз биттага етган. Ҳатто баъзи уламолар у зотнинг асарлари уч юздан ортиқ бўлган, дейишган. Бу асарлар фалсафа, тиб, ҳандаса ва бошқа кўплаб илм соҳаларига оид бўлган. Лекин мазкур асарларнинг жилдлари ўн билан юз варақ оралиғида бўлган. Бу ўша пайтлардаги ёзув воситалари номукаммаллигига қарамасдан амалга оширилган ишлардир.

Кейинги уламоларнинг асарлари қўплиги олдингиларникега ета олмаслиги

Кейинги уламоларда ёзиш воситалари қулай бўлса ҳам кўп ёзишда олдингиларнинг даражасига ета олмаганлар. Масалан, «Фатхул Борий», «Исоба» ҳамда бошқа асарлар соҳиби Ҳофиз Ибн Ҳажар, Заҳабий ва Суютий каби зотлар кўплаб асар ёзишган. Суютийнинг асарлари тўрт юздан ошиқроқ, лекин кўплари бир-икки варак ҳажмдаги кичик асарлар бўлган.

Хинди斯顿да туғилиб, Мисрда яшаб қолган шайх Абул Файз Муҳиббуддин Муҳаммад Муртазо Ҳусайнин Воситий Забидий Ҳанафийнинг асарлари Суютийницидан ҳам кўпроқ бўлган. Бунга «Шарҳу қомус», «Шарҳу

иҳё»ларнинг ўзи ҳам далилдир. Пухта ва аъло даражада ёзилган бу икки асар манфаати умумий бўлгани сабабли бутун ислом олами мурожаат этадиган асарларга айланган. Аллома Ҳажвийнинг сўзларидан бир оз қисқартириш билан олинди.

Абдулфаттоҳ айтади: «Ушбулар кўп асар ёзган кишилар тўғрисида таҳрир қилмасдан, тўлдирилмасдан шошилинч айтилган сўзлардир. Яъни аллома Ҳажвий раҳматуллоҳи алайҳнинг имом Ибн Жарир Тобарийнинг асарлари кўплигини келтириш муносабати билан ортиқча изланмасдан мавзудан бир оз чекиниб ёзгандари холос.

Вақтдан унумли фойдаланиш умрни узайтиради ва асарларни кўпайтиради

Мени ушбу сатрларни ёзишга ундан нарса ақлларни лол қолдирадиган бундай кўп асарларнинг қандай ёзилгани ва қачон жамланганини баён қилиш эди. Албатта буларнинг барчаси вақтни қадрлаш ва бирор соатини, ё дақиқасини зое қилмасдан ундан унумли фойдаланиш билан ҳосил бўлган. Вақтни тежаш сабабли асарлар кўпайиб, умрлар баракали бўлади. Аллоҳ таоло оз вақт ва қисқа умрларга барака беради. Аллоҳ Ўз фазлини хоҳлаган бандасига ато этади, У улуг фазл эгасидир.

Мен ўтаётган лаҳзаларини қадрлаб фойдаланувчи ҳамда гўзал самараларини ҳадя этувчи уламолар ҳақидағи сўзимни Ҳофиз Абулқосим ибн Асокир Димашқийнинг қисқача таржимаи ҳолини келтириш билан якунлайман. Дарҳақиқат, ушбу таржимаи ҳолда қатъиятга чорлайдиган ва кишини ғафлат уйқусидан уйғотадиган баёнотлар бор. Шу маънода қуйидагиларни айтаман:

Ўтаётган кунларнинг ҳаммаси эмас,
фойдаланган кунларгина сизнинг кунингиздир.

Ислом кутубхоналариға Ҳофиз Ибн Асокир тақдим қилган асарларнинг улкан ҳажми

Ҳофиз Абулқосим ибн Асокир Димашқий (Алий ибн Ҳасан) раҳматуллоҳи алайҳ ҳижрий 499 йилда Димашқда таваллуд топиб, 571 йилда ўша ерда вафот этган. Бу зот вақтининг бирор лаҳзасини ҳам беҳуда ўтказишдан сақланган. Натижада ислом кутубхоналарига бугунги кунда Фанлар академиялари нашр этишга ожизлик қиласётган асарларни инъом қилган! Бу асарларни у зотнинг бир ўзи қўли билан қаламда ёзган. Ўзи таҳрир қилиб, ўзи таҳқиқ этган. Жамлаганлари орасидан танлаб, мувофиқлаштириб тартиблаган ҳамда ўз мақомларини доимий равишда инсонларга гапириб турувчи белги қилиб қолдирган. Бу белги-аломатлар доимо у зотнинг вақтни нақадар ажойиб тарзда асрагани, маърифатга бойлиги, бор ҳимматини таълиф этишга сарфлагани ва ақллар лол қоладиган даражада кўплаб асарлар тасниф этганини сўзлаб туради.

Шу ўринда мен у зотнинг таржимаи ҳолини учта китоб асосида баён қиласман. Бунда асосан кўп сафар қилганига, кўп асар ёзганига ва вақтлару лаҳзаларни қаттиқ муҳофаза қилганига тааллуқли маълумотларни қисқача келтириб ўтаман.

1. Кўплаб сафарга чиқиб, турли шаҳарларни кезиб, машойихлар билан кўришгани

Муаррих қози Ибн Халликон «Вафаётул аъён»да у зотнинг таржимаи ҳоллари ҳақида шундай деган: «У зот ўз вақтида Шомнинг муҳаддиси ва шофеъий фаҳиҳлари ичида таниқли киши эди. Кўпроқ ҳадис билан машғул бўлиб, муҳаддис сифатида танилган. Бу зот ҳадис талабида қаттиқ ҳаракат қиласланлар ва бошқалар эриша олмаган даражада ҳадисларни тўплашга эришган.

У зот риҳлат қилған, юртларни кезган ва шайхлар билан учрашған. Ҳофиз Абу Саъд Абдулкарим ибн Самъоний бу зот билан ҳамсафар бўлған. Самъонийнинг ислом диёрларида кўришган шайхлари етти мингга етган. Бу зот тақводор ҳофиз бўлған. Бағдодда эшитган матн ва иснодлари орасини жамлаган. Найсбур, Хирот, Исфаҳон ва Жибал шаҳарларига борган. Фойдали таснифотлар ёзиб, таҳрижлар чиқарган. Жамлаш ва таълиф этишда ёд олган ҳадисларини гўзал услубда сўзлаган. «Ат-Тариху ли Димашқ» асарини саксон жилдда ёзган. Ажойиб маълумотлар келтирилган бу асар зикр қилинган кишилар тўғрисидаги шартлар бўйича Хатиб Бағдодийнинг «Тариху Бағдод» асари услубида ёзилган. Лекин бу зотнинг асари ҳажми, кенг қамровли ва турли маъноларни ифодалаши жиҳатидан бир неча баробар каттадир. Шайхимиз Миср ҳофизи, аллома Закиуддин Абу Муҳаммад Абдулазийм Мунзирий ушбу тарих китобидан менга бир жузини кўрсатиб, бу зотнинг қилған ишларини мақтаб узоқ гапирган эди. Ўшанда жумладан шундай деганди: «Мен бу зотни ушбу тарих асарини ёзишга ақлларини танигандан бошлаб азму қарор қилған ва ўша вақтдан бошлаб жамлашга киришган бўлсалар керак, деб ўйлайман. Чунки танилиб машғулотлари кўпайганидан сўнг бундай китобни жамлашга бир кишининг умри камлик қиласи». Дарҳақиқат, ҳақ гапни гапирган эди. Мазкур китобдан хабардор киши бу гапнинг ҳақлигини билади. Тарихдан маълумки, инсонга етарли вақт бўлсагина бундай асар таълиф эта олиши мумкин. – Агар у зот тайёр бўлай деб қолган хомаки нусхаларини олдиндан тайёрлаб қўйган бўлса, ўшанда бу гаплари тўғри бўлиши мумкин. – Ваҳоланки, у зотнинг бундан ташқари қанчадан-қанча гўзал ва манфаатли таълифотлари бўлған». Қози Ибн Халликон-

Дунё учун абадий яшайдигандек ҳаракат қил, Охират учун эса, эртага вафот этадигандек ҳаракат қил!.

нинг сўзи тугади. Ҳа, ҳофиз Абулқосим ибн Асокирнинг элликдан зиёд асарлари бўлган. Шулардан бири «Тариху мадинати Димашқ» асарининг ўзи юқорида баён қилинганидек саксон жилддир.

2. Ибн Асокирнинг олий ҳимматлиги ва ислом шаҳарларининг кўпини кезиб чиққани

Ҳофиз Заҳабий «Тазкиротул ҳуффоз»да бу зотнинг таржимаи ҳоли ҳақида қуйидагиларни ёзган: «Имом, улкан ҳофиз, Шом муҳаддиси, имомлар фахри Абулқосим ибн Асокир кўплаб таснифлар ва «Тарихул кабир»нинг соҳибидир. Бу зот ҳижрий 499 йилнинг аввалида туғилган. 505 йилда отаси ва акалари имом Зиёвуддин Ҳибатуллоҳнинг назорати остида дарс тинглай бошлаган. Димашқда ровийлардан ҳадис эшитган. Йигирманчи йилда сафарга отланиб, Бағдод, Макка, Куфа, Найсобур, Асбаҳон, Марв ва Ҳирот шаҳарларда ҳадис ўрганган. «Арбаъийна булдония» асарини қирқта шаҳардаги қирқта шайхдан эшитган қирқта ҳадис асосида тайёрлаган. Узтозларнинг адади бир минг уч юзта бўлган. Саксондан ортиғи аёл киши бўлган.

Бу зотдан жуда кўп кишилар ҳадис ривоят қилишган. Улардан бири ҳамсафарлари Абу Саъд Самъонийдир. Заҳабий унинг таълиф этган асарларини санаганида, эллик атрофидаги китоб бўлган. Илм боблари тўғрисида тўрт юз саккизта мажлисда имло қилган. Уларнинг ҳар бир имло мажлиси бир таълиф ўрнида бўлган.

Ўғиллари муҳаддис Баҳовуддин Қосим шундай деган: «Отам – Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин, – жамоат ва тиловатда бардавом эди. Ҳар ҳафтада бир марта Қуръонни хатм қиласарди. Рамазон ойида эса ҳар куни бир марта хатм қиласарди. Димашқ масжидининг шарқий минорасида эътикофда ўтирас эди. Нафл намозлари ва

*Вақтини зое қилишга жұрат қила олған
инсон умр қийматини англай олмабди.*

зикрлари күп эди. Шаъбон ойида ва икки ҳайитда кечанинг ярмини намоз ва зикр билан ўтказар эди. Ўтаётган ҳар бир лаҳза бўйича ўзини ҳисоб-китоб қилиб турарди! Қирқ йилдан бери, яъни шайхлари ривоят қилишга ва ҳадис айтишга изн берганидан бери ҳатто сафарларда ва дам олиш пайтларида ҳам илмларни жамлаш ва уларни эшилтириш билан машғул бўлди».

Хофиз Абульло Ҳамадоний айтади: «Закийлиги ва гўзал идроки кўзга ёрқин ташланиб тургани сабабли Абулқосим ибн Асокир Бағдодда «олов шуъласи» деб ном олганди». Абул Маваҳиб ибн Сосро айтади: «Мен у зотга саййидимиз ўзларидек кишини кўрганмилар, дедим. У зот: «Ундей дема, Аллоҳ таоло:

﴿فَلَا تُرْكُوا أَنفُسَكُمْ هُوَ أَعْلَمُ بِمَنِ اتَّقَى﴾

«Бас, сизлар ўзларингизни оқламай кўяқолингиз! У тақводор кишиларни яхши билувчидир»¹⁴, деб айтган-ку», дедилар. Шунда мен, Аллоҳ таоло:

﴿وَأَمَّا بِنِعْمَةِ رَبِّكَ فَحَدَّثْ﴾

«Раббингизнинг (Сизга ато этган барча) **неъмати ҳақида эса** (одамларга) **сўзланг!**»¹⁵ деб ҳам айтган-ку», дедим. У зот: «Агар бирор «кўзларим менинг мислимдекни кўрмаган», деса, албатта рост гапирган бўлади», дедилар.

Абул Мавоҳиб: «У зотнинг мислидек кишини кўрмаганман. Хислатларнинг у зотда жамланганидек бошқада жамланганини кўрмаганман. Қирқ йил битта йўлни

¹⁴ «Нажм» сураси 32-оят.

¹⁵ «Зухо» сураси 11-оят.

лозим тутди. Бирор узр бүлмаса, намозларда доимо биринчи сафда бүлди. Рамазонда ва зулхижжанинг ўн кунида эътикофда ўтириди. Мол-мулк жамлаш ва ҳовли қуришни ўйламадилар. Буларни ўзидан соқит қилган эди. Имом хатиблик мансабидан юз ўғирди. Таклиф қилишганида ҳам унамай ундан бош тортди. Ўзига амру-маъруф ва наҳий-мункарни лозим тутди. Аллоҳ йўлида қилаётган ишларида бирор маломатчининг ма-ломатига парво қилмади.

3. Ибн Асокир ўзини илмга бағишилагани, шайхларининг кўплиги ва аъло даражадаги қуввати

Имом Тожуддин Субкий «Тобақотуш шофеъиятил кубро»да бу зотнинг таржимаи ҳоллари ҳақида қўйидагиларни ёзган: «Бу зот буюк имом, уммат ҳофизи, Абул Қосим ибн Асокирдир. Боболари орасида бирорта-сининг Асокир деб номланганини билмаймиз, бу зот ушбу ном билан машҳур бўлган. Бу зот суннат ёрдамчиси ва ходими, ўз замонасида ҳадис аҳли имоми, буюк ҳофизларнинг охиргиси ҳамда толиби илмлар узок-узоқлардан излаб келадиган зот эди.

Турли илмларни эгаллаган эди. Илм ва амалдан бош-қасини тутмасди. Иккаласи доим бу зотга ҳамроҳ эди. Ҳифзлари кучли бўлиб, бирор нодир нарса ҳам у зотнинг назаридан четда қолмас эди. Жуда синчков бўлиб, кам учрайдиган нарсаларни ҳам, машҳур нарсаларни ҳам баробар синчиклаб ўрганар эди. Илмда мустаҳкам бўлиб, бу борада олдингилардан устун бўлмаса ҳам, тенг эди. Илмга шу қадар бой эдики, барча инсонларни илмларига муҳтоҷ қилиб кетди.

Кўплаб зотлардан ҳадис эшитган. Шайхларининг адади бир минг уч юзта бўлган. Саксондан ортиқ аёллардан ҳам ҳадис ривоят қилган. Илм йўлида Ирок, Макка,

*Барвақт қилинган ҳаракат,
Хосилга берар баракат.*

Мадинага сафар қилған. Булардан ташқари Асбақон, Найсобур, Марв, Табриз, Мийхана, Ябҳақ, Хусружирд, Бистом, Домигон, Рай, Занжон, Ҳамадон, Асадобод, Жай, Ҳирот, Баван, Бағ, Бушанж, Сарахс, Нуқон, Симнон, Абҳар, Маранд, Хувай, Жарбазақон, Мушкон, Рузровар, Ҳулвон ва Аржийш каби ажам шаҳарларига ҳам сафар қилиб ровийлардан ҳадис эшитган.

Шунингдек, Анбар, Роғиқа, Роҳба, Мордийн, Мокисийн каби ўлкаларда, узоқ шаҳарларда ва турли иқлиmlарда бўлиб, ровийлардан ҳадис тинглаган. Доим ҳовлисидан узоқда бўлар, уловлари билан олис сахроларда юради.

Шайхлари Хатийб Абул Фазл Тусий айтади: «Бугунги кунда бу лақаб, яъни ҳофиз лақабига ундан бошқа ҳақдор кишини билмаймиз. Ибн Нажжор айтади: «У зот ўз вақтида муҳаддислар имоми эди. Ҳадис илмларини тўлиқ билишда, ишончли ва моҳирлиқда, гўзал тасниф этишда ва тажвидда раислик бу зотда қолган эди. Ушбу шаън бу зот билан ниҳояланди».

Ибн Нажжор айтади: «Шайхимиз Абдулваҳҳоб ибн Аминнинг шундай деганини эшитганман: «Бир куни ҳофиз Абул Қосим ибн Асокир ва Абу Саъд ибн Самъоний билан бирга эдим. Биз ҳадис ўрганиш ва шайхларга учраш учун сафарга чиққан эдик. Бир шайхни учратдик. Ибн Самъоний уни тўхтатиб, ўзига бир нарса ўқиб беришини илтимос қилди ва сафар халтасининг ичидан ўзи эшитиб ёзиб олган бир жузни излаб қолди. Уни топа олмасдан юраги сиқилди. Ибн Асокир ундан: «Эшитиб ёзиб олганинг қайси жуз эди», деб сўради. У: «Ибн Абу Довуднинг «Ал-Баъс ван-Нушур» китоби эди, мен уни Абу Наср Зайнобийдан эшитган эдим», деди. Шунда у зот: «Хафа бўлма»,

Баҳорда бегам бўлган кузда пушаймон бўлар.

деди ва унинг ҳаммасини ё баъзисини ёддан ўқиб берди. Ибн Нажжор: «Бу ердаги шак шайхимизники», деган. – Яъни Ибн Асокир ҳаммасини ўқиб берганми ё баъзисини ўқиб берганми, буни Ибн Нажжорнинг шайхи аниқ билолмай қолган. –

Бу зот ҳақида Шайх Мухйиддин Нававий (мен у зотнинг ёзганларидан нақл қиласяпман): «У зот нафақат Шом ҳофизи, балки бутун дунё ҳофизи, мутлақ имом ва собит сиқадир (ишончли ровий)», деган.

Ибн Асокирнинг эшитган китоблари қолиб кетгани ва улар етиб келгунча ташвишга тушгани

Ўғиллари ҳофиз Абу Муҳаммад Қосим шундай ҳикоя қиласяпман: «Отам жуда қўп китоблардан дарс олган бўлиб, шериклари ҳофиз Абу Алий ибн Вазирнинг нусхаларига суюнгани учун улардан нусха йиғмаган эди. Ибн Вазир тўплаганларини отам йиғмайдиган, отам тўплаганларини Ибн Вазир йиғмайдиган бўлишган.

Бир кеча дўстлари билан масжидда ой ёруғида сухбатлашиб ўтирганида шундай деганди: «Сафар қилдим, гўёки сафар қилмагандекман! Йиғдим, гўёки йиғмагандекман! Шеригим Ибн Вазирни мен дарс эшитган «Саҳиҳул Бухорий», «Муслим», «Байҳақий»нинг китоблари ва олий жузларни олиб келади, деб ўйлаган эдим. У Марвда туриб ўша ерда яшаб қолди. Мен Юсуф ибн Фару Жайёний деган бошқа шеригим ва шеригимиз Абул Ҳасан Муродийнинг келишидан умид қилиб турибман». Менга шундай дерди: «Кўпинча Димашқقا бориб, ундан Андалус шаҳарларига сафарга чиқиб кетганман. Уларнинг бирортасини ҳам Димашққа келганини кўрмаяпман. Шундай экан яна учинчи марта сафарга

чиқиши лозим, катта-кичик муҳим китобларни қўлга киритиш керак.

Орадан кўп ўтмасдан дўстларидан бири келиб эшигини қоқди ва Абул Ҳасан Муродий келганини айтди. Отам унга пешвоз чиқди, қучоқ очиб кутиб олиб ўзининг ўрнига ўтқазди. У бизга отам дарс олган тўрт жомадон лиқ тўла китобларни келтирган эди. Отам бундан қаттиқ хурсанд бўлди ва дарс эшитган китобларига ҳеч бир қийинчиликсиз мұяссар қилиб қўйган Аллоҳ таолога шукроналар айтди. Олиб келган зотга сафар харажатларини тўлади. Ушбу китоблардан то мақсадларига етгунларича нусха кўчириб кўпайтирди. Уларнинг бирор жузини тайёрлаганида, гўё дунё мулкини ҳосил қилгандек бениҳоя хурсанд бўларди».

Мазкур маълумотлар буюк имом ҳофиз Ибн Асокир Димашқийнинг сийратидан ёрқин лавҳалардир. Кўриб турганингиздек, ажойиб, ғаройиб, ақлларни лол қолдирувчи, завқу шавқни келтирадиган лавҳаларга бой ҳаёт йўлидир. Агар вақтига бу қадар эътиборли бўлмаганида, дақиқалару лаҳзаларни ўзига ғанимат билмаганида бундай кенг манфаатли улкан асарларни ёзиш у зотга мұяссар бўлмас эди. Асарлари шу даражада кўпки, бугунги кунда фанлар академиялари улардек асарларни ёзиш у ёқда турсин, ҳатто нашр этишга ҳам ожизлик қилмоқда. Шундай экан, вақтлару лаҳзалар қадрига этиш ва улардан унумли фойдаланиш лозим. Улар хайру барака хазиналариdir.

Ҳар бир амални муносиб вақтга тақсимлаш

Вақт тўғрисида эътибор бериш лозим бўлган жиҳатлардан бири илмий ишларнинг уларга муносиб вақтларда бажарилишидир. Илмий ишларнинг баъзилари

енгил ва адо этиш осон бўлгани учун уларни барча вақтларда ва зеҳннинг турли ҳолатларида бажариш мумкин. Масалан, нусха қучириш, енгил мутолаа қилиш ва қисқа қироат қилиш каби илмий ишларда зеҳннин соғ ва тўлиқ уйғоқ бўлиши, ҳамда чуқур дақиқ фикрла шга эҳтиёж сезилмайди.

Шундай илмий ишлар борки, уларни тўлиғича ўз лаштириш учун зеҳнлар мусаффо бўлган, қобилияту фаҳмлар сергак бўлган, баракалару илҳом тухфаларига бой вақтлар лозим бўлади. Саҳар, тонг ва субҳ вақтлари кечанинг тонга яқин соатлари, тўлиқ хотиржамлини ҳамда дарс қиласидиган жойнинг тинч осуда пайтлари ана шундай вақтлар ҳисобланади. Ушбу мусаффо соатлар ва баракали вақтлардан тушунарсиз, қийин ва оғир мушкүлотларни ечиш, чигал масалаларни кўриб чиқиши нотўғри ёзилган ёзувларни тузатиш, ноаниқ ва чигал ибораларни ҳал этиш ҳамда очик-ойдин далилларни ёдлашда фойдаланиб қолиш лозим.

Ёдлаш учун энг афзал вақтлар ва ўринлар баёни

Хофиз Хатиб Бағдодий «Ал-фақих вал мутафаққиҳ» номли китобида ёдлаш учун энг афзал вақтлар ва унга ёрдам бўладиган энг яхши пайтлар ҳақида сўз юритган «Билгинки, бирин-кетин кўп нарсаларни ёд олишини мақсад қиласидиган киши риоя этиши лозим бўлган, ёдлашга хос соатлар ва лозим тутиши зарур бўлган ўринлар бор

Вақтларнинг энг яхшироғи саҳар пайти бўлиб, ундан кейингиси эса кундузнинг яримидағи пайтдир. Ундан кейингиси эрталаблардир. Тунда ёдлаш кундузи ёдлашдан кўра яхшироқдир. Ёд олиш учун қорин оч вақтлар тўқ вақтлардан кўра кўпроқ мақталган. Ёловчи ўзидан

очлик ҳолатини йўқотиши лозим бўлади. Чунки баъзи инсонларга қаттиқ очлик ва унинг машақвати етса, ёдлай олмайди. Шунинг учун қўп овқатланмасдан балки енгилгина тамадди билан буларни кетказиш лозим бўлади.

Ёдлаш учун энг яхши ўринлар: паст бўлмаган хона, ўйин-кулгудан узоқ бўлган барча жойлар, қалб чалғимайдиган, эътиборни тортиб, у билан машғул бўлиб қоладиган ёки ёдлашдан тўсиб қўядиган нарсалардан холи жойлар. Кишининг наботот ва ўт-ўланлар олдида, дарёлар қирғоғида, кўчалар ўртасида ёдлашга уриниши мақталган ишлардан эмас. Бу жойларда кўпинча қалб хотиржам ва хаёл бир жойда бўлмайди». Хатибининг сўзи тугади.

Айтаманки: «Жойлар тўғрисидаги бу йўл-йўриқдан ташқари Қози Ибн Халликоннинг «Вафаётул аъён»да Абу Наср Фаробийнинг таржимаи ҳоли ҳақидаги ҳикоясида ҳам келтирилган: у зот кўпинча ёлғиз бўлар, ҳеч ким билан ўтирмас эди. Димашқда турган пайтида кўпинча сув тўпланадиган жойларда, ё сўлим боғларда бўларди. Ўша жойларда китобларини ёзарди. У зот билан гаплашмоқчи бўлганлар навбатта туришарди».

Ёдлаш ва дарс қилиш вақтида шовқиндан узоқда бўлиш яхши экани

Толиби илмлар учун хилватда ва шовқин-суронлардан узоқда бўлиш яхши саналади. Чунки хилват фикрнинг соғ бўлишига ёрдам беради. Агар фикр соғ бўлса, маълумотларни излашда назар солиш ва фаҳмлаш тўғри бўлади. Улар илмни ақл мезонидан излар эдилар. Бу мезон ниҳоятда латиф бўлганидан озгина истак ё банд бўлишдан ҳам таъсирланади. Натижада тўғриликдан

чиқиб кетиши мүмкін. Шунинг учун улар дақық илм ва қийин масалаларни үрганишда замон ва маконни ҳисобға олишган. Бундан мақсад тұлиқ тушуниш, тасаввур тұғри бўлиши ва тұғри ҳукм чиқариш бўлган.

Мұхаддис, имом, фақих, адаб Абу Сулаймон Ҳамд ибн Мұхаммад Бустий Хаттобий¹⁶ раҳматуллоҳи алайх шундай ёзган:

اذا ما خلوتْ صفا ذهني و عارضني
 خواطر كطراز البرق في الظُّلم
 و إن تولى صياغ الناعقين على
 أذني عرْتني منه حُكْلَةُ العَجَم

Қачон холий бўлсам соф бўлди зеҳним,
Зулмат чақмоғидек келди фикрлар.

Қулогумга келгач шовқин бетиним,
Уларни йўқ қилди ноаниқ ҳислар.

Илмлар орасида фойдаси кам, уни үрганиш камолот, үрганмаслик айб бўлмаган, манфаати оз, камдан-кам эҳтиёж тушадиганлари ҳам бор. Бундай илмлар учун вақт сарфланмайди, зеҳнлар машғул қилинмайди. Чунки фазилатли бўлмаган илм билан машғул бўлиш, фазилатли ва афзал илмларни эгаллашга тұсик, вақтни йўқотиш ҳамда жисмни ҳоритишдир. Бундай илм билан машғул бўлиш кишини ўзи яхши кўриб хоҳлайдиган нарсасига эришишдан маҳрум қиласи. Солиҳ ибн Абдулқуддус шундай ёзган:

¹⁶ Ҳижрий 319 йилда туғилиб, 388 йилда вафот этганлар.

و إِذَا طَلَبْتَ الْعِلْمَ فَاعْلُمْ أَنَّهُ
جِهَلٌ فَأَبْصِرْ أَيْ شَيْءٍ تَحْمِلُ
و إِذَا عَلِمْتَ بِأَنَّهُ مُتَفَاضِلٌ
فَاشْغُلْ فُؤَدَكَ بِالَّذِي هُوَ أَفْضَلُ

Илмни изласанг билгин, у юkdir
Англагин, қай юкка урмоқдасан қўл.

Топган бўлсанг-да гар барида фазл,
Афзалроғига қил қалбингни машғул.

Шунга кўра оқил киши ғаниматларни ва намуна бўладиган илмларни қўлга киритиши учун кучли зехнини, қимматли вақтини энг афзал амалларга ва энг яхши илмларни ўзлаштиришга сарфлаши лозим.

Малолланган ва бўшашиб пайтда нафсини чалғитишга уриниш яхши экани

Абу Ҳилол Аскарийнинг «Ал-ҳассу ала толабил илм» китобида келтирилишича, Ибн Жарв Масилий шундай деган: «Инсон хабарлар ва шеърлар тўғрисидаги дарсларини малолланадиган вақтлари учун қолдириши лозим». Ибн Мароғий: «Инсон дарсда нафсини алдаши лозим», деган.

Айтаманки: яъни қачон инсонга бирор малоллик етса, ё бўшашиб қолса, нафсига бўйсуниб дарс қилишдан тўхташи дуруст бўлмайди. Балки бўшашибни муолажа қилиши ва то ғолиб келгунича малолликка қарши курашиши керак. Ана шунда бўшашиб ва малоллик кетиб тетиклик ва дадиллик келади.

*Вақыллаган вақтин ўтказар,
Күлидаги нақдин кетказар.*

Малолликни муолажа қиладиган ҳамда мудроқ ва дангасаликни қувадиган баъзи нарсалар

Бўшашиш ва малоллик қуидаги амаллар билан кетказилади:

1. Сақич чайнаш;
2. Хонадан ташқарига очиқ ҳавога чиқиш;
3. Бир хонадан иккинчи хонага кўчиб жойни алмаштириш;
4. Совуқ ёки иссиқ сув ишлатиб, енгил ҳаммом қилиш;
5. Ёқимли ичимлик ичиш;
6. Енгил таомланиш;
7. Дўсти ёки бирга ўтирган киши билан гаплашиш;
8. Шеър ўқиш;
9. Овоз чиқариб Куръон тиловат қилиш;
10. Ўтириш ҳолатини ўзгартириш;
11. Юриш ёки юқорига чиқиш;
12. Ўқилаётган китоб ёки мавзуни алмаштириш.

Шу каби амаллар билан малолланиш кетказилиб яна кўтаринкилик билан дарсда давом этиш мумкин. Ҳар бир жисмнинг салоҳияти ва ҳар бир тетикликнинг калити бор. Бу нарсалар оқил иштиёқмандларга сир эмас.

Муҳими билан машғул бўлиш ва уни муҳим бўлмаганидан муқаддам қўйиш лозимлиги

Хофиз Хатиб Бағдодий раҳматуллоҳи алайҳ шундай деган: «Илм – ўлчаш имконсиз бўлган денгизлар ва фойдалари тугамайдиган конлар кабидир, шундай экан

*Вақт ақчадур,
Фофил бўлма, қочадур.*

сен энг муҳими билан машғул бўлгин. Чунки муҳим бўлмаган ишлар билан машғул бўлган кишининг муҳим ишларга имконияти қолмайди».

Ушбулар Аббос ибн Ҳасан Алавий ишора қилган нарсалардир. Бу зот оқил, доно ва етук закий шоирлардан бири бўлиб, Ҳорун ар-Рашид ва ундан кейин Маъмуннинг яқин ҳамсухбатларидан бўлган. Ўзининг қимматли насиҳатларида мазкур маълумотларга ишора қилган. Мен чуқур фикрлар ва балоғатли сўзларни ўз ичига қамраб олган бу маълумотларни тўлиғича келтиришни мақсадга мувофиқ деб билдим.

Аббос Алавийнинг муҳимлар ичидан муҳимроғини муқаддам қўйиш ҳақидаги насиҳатлари

Аббос раҳматуллоҳи алайҳ шундай деган: «Билгинки, ақл-идрокинг барча илмларни ихота эта олмайди, шунинг учун вақтингни энг муҳимларига сарфлагин. Мол-давлатинг барча инсонларни бой қила олмайди, шунинг учун уни аҳли ҳақقا сарфлагин. Саховатинг ҳаммага етмайди, шунинг учун аҳли фазлларга саховат қилишга интилгин. Кеча ва кундуз жон-жаҳдинг билан ишласанг-да, барча ҳожатларингни раво қилишга етмайди. Шунинг учун ишларинг ва дам олишининг орасида иккаласини яхши тақсимлагин. Билгинки, ўз раъйингга кўра муҳим бўлмаган нарса билан машғул бўлишинг, муҳим нарсага эътиборсиз бўлишингдир. Молингни ботил йўлга сарфлаб қўядиган бўлсанг, ҳақ йўлга сарфлайман деганингда уни топа олмайсан. Мурувватинг билан аҳли фазл бўлмаганларга саховат кўрсатишинг аҳли фазлларга мурувват қилишдан сени ожиз

қолдиради. Кеча ва кундузингда зарур бўлмаган нарсалар билан машғул бўлишинг, зарур нарсаларга нисбатан эътиборсизлигингдир». Иқтиbos тугади.

Ушбулар уламолар ва фозил имомлар наздида вақтнинг қадри тўғрисидаги фикрлар ва қарашлардир. Мен уларнинг баъзиларинигина келтириб ўтдим, холос. Бузотлар нафақат исломнинг, балки бутун инсониятнинг фахри бўлганлар.

أولئكَ قومٌ شَيَدَ اللَّهُ فَخْرَهُم
فَمَا فُوقَهُ فَخْرٌ وَإِنْ عَظِيمٌ الْفَخْرُ

Аллоҳ у қавмнинг улуғлигин кўтарган,
Бошқаси улуғлик ҳар қанча юқори бўлмасин
ундан устун бўлолмас.

Хурматли ўқувчи! Ушбу маълумотлардан сўнг фалон олим юздан ортиқ китоб ёзган, унинг барча илмларга тегишли асарлари бўлган, деган гапни эшитсангиз ё ўқисангиз, ҳайрон бўлиб ўтирмайсиз. Чунки бунинг асосий сабаби вақтни тежаганлари, ғафлат билан ўтадиган ортиқча фурсатлари бўлмагани ҳамда лаҳзалар, дақиқалар ва соатларда ошиқиб ҳаракат қилганлариdir. Натижада улар ана шундай боқий асарлар қолдиришга муваффақ бўлганлар.

Эллик, юз ва ундан ортиқ асарлар таълиф этган уламолар баёни

Хижрий 1352 йилда вафот этган устоз Жамил Азим Димашқий бир китоб ёзиб, уни « Уқудул жавҳар фитарожими ман лаҳум хомсууна таснийфан фамиатан

фааксар» (эллик, юз ва ундан ортиқ асар тасниф этган зотларнинг таржимаи ҳоллари ҳақидаги жавҳар шодалари) деб номлаган. Ушбу асарларида кўп таълиф ва тасниф этиш билан танилган жуда кўплаб зотларни зикр қилганлар.

Иbn Жарир Тобарий, Иbn Жавзий, Нававий, Иbn Сино, Фаззолий, Иbn Ҳажар Асқалоний, Бадриддин Айний, Суютий, Алий Қорий, Муновий, Абдулғаний Набулсий, Абдулҳай Лакнавий каби юздан ё элликдан ортиқ китоб ёзган кўплаб уламоларнинг номлари келтириб ўтилган.

Агар сиз буюк фозиллар ва уларга үхшаган зотларнинг таржимаи ҳолларидан воқиф бўлсангиз, уларнинг таржимаи ҳоллари сизни ўтаётган вақтларнинг қийматини ҳис этишга ундейди. Натижада сиз ҳам ахли ҳимматлардан бўлсангиз, бу дунёдан кетар пайтгача орtingизда ўттиз, қирқ ва элликдан ортиқ асарлар қолдириш имкониятига эришасиз. Аллоҳ ҳалойиқидан хоҳлаганига зиёда қилиб беради, раҳматига хоҳлаган бандасини хослайди. Аллоҳ кенг қамровли ва билувчидир.

Вақтдан ютишга ва ундан фойдаланиб қолишга кўмак берувчи нарсалар баёни

Вақтни эҳтиёт қилиш ва ундан фойдаланиш учун олдинлари қобилиятли ва илмда юксак мавқеларни эгаллаши умид қилинган толиби илмларнинг сифатларини шундай зикр қилишган: бундай толиби илм тез ёзадиган, тез ўқийдиган ва тез юрадиган бўлиши лозим.

Тез юрадиган бўлиши оз вақт ичida кўплаб шайхлар хузурида бўлиши учун бўлса, тез ёзиши ва тез ўқиши эса қисқа вақт ичida бошқа амалларга ҳам улгуриши ва ил-

мини зиёда қилиши учундир. Ушбу сифатлар ҳеч шак шубҳа йўқки, озгина вақтда, қисқагина умрда кўп илм эгаллашга ва кўп шайхларнинг илмларидан баҳраманд бўлишга сабаб бўлади.

Мен бу сифатларга тўртинчи сифатни ҳам қўшган бўлар эдим. У тез овқатланадиган бўлишидир. Чунки толиби илм бундай бўлмаса, секин егани туфайли узоқ вақт овқатланишга сарфланиб кетади! Таомнинг кириб чиқиши узун муддат олгани сабабли тез ўқиб, тез ёзиб тез юриб қўлга киритган вақтини бой беради! Натижада вақтини яхши тасарруф қилмаган бўлади ва бу борадаги қилинган насиҳатлардан бирор наф ололмайди.

Толиби илм учун овқатланиш, уйқу ва дам олиш зарурат миқдорида бўлиши лозим экани

Имом Нававий раҳматуллоҳи алайҳ «Мажмӯъ» номли буюк китобларининг муқаддимасида қўйидагиларни айтган: «У таълим олишга ҳарис бўлиши, барча вақтлари да кечаси-ю кундузи, муқимлигу сафарда таълим олиш да бардавом бўлиши лозим. Бирор вақтини илмдан холи ўтказмаслиги, ейиши, ухлаши ҳамда малолланишни кетказиш учун енгил дам олиши ва шу каби зарурий ишлари зарурат миқдоридагина бўлиши лозим».

Абулвафо ибн Ақийл «овқатланишимга кетадиган вақтни имконим борича қисқа қиласман», дегани

Юқорида имом Абулвафо ибн Ақийл Ҳанбалий ҳақи даги хабарда у зотнинг қўйидаги сўзлари баён қилинган эди: «Овқатланишимга кетадиган вақтни имконим борича қисқа қиласман, ҳатто ораларида чайнаш фарқи

бўлгани сабабли мутолаа ёки ҳали идрок этолмаган бирор нарсани ёзишга кўпроқ вақт бўлиши учун нон ўрнига талқонни сув билан ҳўллаб ичиб қўя қоламан. Албатта оқил кишилар наздида қўлга киритиладиган нарсаларнинг энг улуғи уламолар ижмосига кўра, вақтдир. Вақт-фурсатларидан фойдаланиб қолинадиган ўлжадир. Масъулиятлар кўп, вақтлар эса қисқадир».

Суютийнинг вақтни бой бермаслик тўғрисида толиби илмга лозим бўладиган икки байти

Сўнгра ҳофиз имом Суютий раҳматуллоҳи алайҳнинг иккита латиф байтларини кўрдим. Бу байтларда толиби илмнинг вақтни бой бермаслик учун тез юриб, тез ёзишдан ташқари тез овқатланиши ҳам лозим экани баён қилинган. Улар қуйидаги байтлардир:

حدثنا شيخنا الكنانى
عن أبى صاحب الخطابة
أسرع أخا العلم في ثلاث
الأكل و المشي و الكتابة

Шайхимиз Киноний деди бизларга,
Хатиб отасининг пурмаъно сўзин:

Талаба шошилгин учта нарсада,
Тез егин, тез юргин ҳамда тез ёзгин.

Бу ерда ишора қилинган шайх Киноний, имом қозијол қуззот (қозилар қозиси)Иzzуддин Аҳмад ибн

*Вақти етса, құш ҳам боласига уя қурап.
Вақти келса, фил ҳам сичқондан құрқар.*

Иброҳим Киноний Мисрий Ҳанбалий раҳматуллоҳ алайхдир.

Үтиб кетган вақт ҳеч қачон қайтмайды

Эй ҳурматли закий, оқил ва фаросатли дүстим, вақтингизни бекор ва беҳуда үтказищдан сақланиш үзингиз учун керак. Чунки сиз яшаётган вақт янгиланмайды ган, қайтиб келмайдиган, үтиб кетувчи бир фурсатдир Айтишган-ку:

*ما مضى فات و المؤمل غيب
و لك الساعة التي أنت فيها*

*Үтмиши үтиб кетди, келажак орзу
Шу турган онингга қиласавер ружу.*

Ўзингни, амалларинг ва вақтларингни тартибла вақтдан фойдаланиб қолгин. Үтаётган вақтни таълим олиб, ё таълим бериб, ё таълиф этиб, ё мутолаа қилиб дарс тинглаб, тиловат қилиб, ибодат қилиб үтказишига вундан фойдаланиб қолишга интилгин. Вақтни бой берриб, ҳаётинг соатларини ва борлиғинг лаҳзаларини соvuриб ўзингга зулм қилмагин! Умрингни паст баҳолаб фойда күрмасдан үтказмагин! Роҳату дангасаликка талпиниб, фазилату олий мақомлардан юз ўгираётганингни англаған етгин!

Дангасалик энг ёмон одат экани ва роҳатни яхши күриш надомат пайдо қилиши

Имом мураббий Абулфараж ибн Жавзий раҳматуллоҳи алайх фарзандига насиҳат қилиб ёзған «Лафта

тул кабад фий насиҳатил валад» номли рисолаларида қуидагиларни келтирган: «Фазилатли амалларни касб қилишда дангасалик энг ёмон одатдир! Роҳатни яхши кўриш ҳар бир лаззат ортидан келиб чиқадиган надоматни пайдо қиласди. Огоҳ бўлгин ва ўзинг учун ҳаракат қилгин. Ўтказиб юборганларингга надомат қилгин, модомики имкон бор экан, улуғлар ортидан етишга интилгин. Модомики намлиги бор экан, шохларингни сугоргин. Зое кетган соатларингни эслагин. Уларнинг ўзи сенга ваъз-насиҳат учун етарлидир. Ўша соатлардаги дангасалик лаззатларидан ҳеч нарса қолмади, фазилатлар мартабалари ҳам кўлдан кетди!

Албатта баъзи вақтларда ҳимматлар паст бўлади. Агар у рағбатлантирилса, юксалади. Ҳиммат ерга урилгани учун паст бўлади! Шунга кўра ҳиммат олий бўлса, асло пастга қаноат қилмайди.

إذا ما علا المرء رام العلا
و يقنع بالدون من كان دونا

«Олий бўлса киши, олийлик истар пастга қаноат қилса, қуига кетар».

Кишининг фазилатлару камолотга интилиши олийлиги белгиси экани

Билингки, тиришқоқлар кўзлаган нарсаларнинг ниҳояси ҳам фазилатларни талаб қилишдан ҳисобланади. Фазилатлар ҳар хил бўлади. Шундай инсонлар борки, фазилатларни дунёдан юз ўгиришдир, деб ҳисоблайдилар. Яна шундайлар борки, фазилатларни ибодат билан машғул бўлишдир, дейишади.

Ҳақиқатда эса етук фазилатларга эришиш илм ва амал орасини жамлаш орқали ҳосил бўлади. Агар икка-ласи жамланар экан, буларни жамлай олган киши юксак мақомларга кўтарилади. Бу эса кўзланган мақсаддир. Азму-қарорлар ният қилувчининг ҳолига кўра бўлади. Шунинг учун ҳимматингни баланд қилишинг лозим. Баъзи одамлар зуҳднинг ўзи билан чекланиб қолади, баъзилари эса илм билан чекланиб қолишади. Етук илм ва етук амал орасини жамлаганлар жуда озчиликни ташкил қиласидилар. Зеро, ҳамма ҳам хоҳлаган нарсасига эришавермайди, мақталган ишларни бошловчилар кўп, лекин бошлаганини тўлиқ якунига етказувчилар жуда оз! Бу ҳақида Абу Тоййиб шундай деган:

و ما كل هاو للجميل بفاعل
و لا كل فعال له بمتّم

Яхшилик истовчи кўп, лек адo этгувчи кам,
Ишга киришганлар бисёр, поёнига этгувчи кам.

Лекин банданинг зиммасида интилиш мажбурияти бор. Барча ўзи учун яратилган нарсага мусассар бўлади. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло кўмак сўраладиган Зотдир.

Вақтни ғанимат билишга ёрдам берадиган энг муҳим нарсалар баёни

Вақтни ғанимат билишга ёрдам берадиган энг муҳим нарсалар сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин:

1. Ишларни тартиблаш;
2. Бекорчи ва беҳуда ўтиришлардан узоқлашиш;
3. Барча ишларда ортиқчаларидан воз кечиш;

4. Вақту дақиқаларни қадрлайдиган оқил, закий ва тиришқоқ кишилар билан дўст бўлиш;
5. Таржимаи ҳоллари кишини рағбатлантирадиган буюк уламолар ҳақидаги хабарларни ўқиш;
6. Илмий ютуқларга эришишда вақтга эътибор бериш лаззатини туйиш;
7. Мутолаадан лаззатланиш;
8. Маърифат ва хабардорлигини оширишда бардавом бўлиш;
9. Маълумотларни таҳқиқ қилишда тўлиқ банд бўлиш ва ҳоказолардир.

Буларнинг бари сизга вақт қадрини ҳамда уни муҳофаза қилишни англаради. Сизни вақтни йўқ қилувчи эмас, уни касб қилувчи қилиб, вақтни зое қилувчи эмас, уни муҳофаза этувчи қилиб тарбиялади.

Вақт ҳаётдир

Насиҳатгўй устоз, тўғри йўлга йўлловчи муршид Ҳасан раҳматуллоҳи алайҳ қуидагиларни айтганлар: «Кимки вақтнинг ҳақини таниган бўлса, у ҳаётни идрок этибди. Вақт ҳаётдир». Қози Ибн Халликоннинг «Ва-фаётул аъён» китобида фақих, шоир, адаб Умора Яманий¹⁷ раҳматуллоҳи алайҳнинг таржимаи ҳоллари келтирилган. Бу таржимаи ҳолда у зотнинг қасидалари ҳам бўлиб, уларнинг бирида қуидагича ёзган:

إِذَا كَانَ رَأْسُ الْمَالِ عَمْرَكَ فَاحْتَرِزْ
عَلَيْهِ مِنَ الْاِنْفَاقِ فِي غَيْرِ وَاجِبٍ

¹⁷ Ҳижрий 569 йилда вафот этган.

Деңқон бұлсанг, куз ҳайды,
Куз ҳайдамасанг, юз ҳайды.

فَيْنِ اخْتِلَافُ الْلَّيلِ وَ الصَّبَحِ مَعْرِكٍ يَكُرُّ عَلَيْنَا جِيشُهُ بِالْعَجَائِبِ

Умринг дастмоянгдир, қилгин эътибор,
Зарурмас ўринга сарф қилма зинхор.

Туну тонг жанглари тинмайди сира,
Бизларга беришар ғаройиб зарба.

Шоир адаб Мисрий Аҳмад Шавқий шундай деган:

دَقَاتُ قَلْبِ الْمَرْءِ قَائِلَةُ لَهُ:

إِنَّ الْحَيَاةَ دَقَائِقٌ وَ ثَوَانٌ

فَارفع لنفسك بعد موتك

فالذكر للانسان عمر ثانٍ

Киши қалби уриши унга шундай дер:
Хаёт дақиқа-ю лаҳзалар эрур.

Ўзингга ортингдан эслатма қолдир,
Эслатма инсонга иккинчи умр.

Ҳафса бинти Сийрийннинг амал ёшлик чоғидагидир, дегани

Амаллар қиладиган ҳақиқий умр йигитлик ёшидир. Чунки йигитлик ишлаш ва манфаат келтириш майдони бүлганидек амал ва илм таҳсил қилиш майдони ҳамдир. Йигитликда қувват тұлық ва ҳиммат юксак бўлади. Турли касалликлар ва ташқи алоқалар оз бўлгани учун халал берувчилардан узоқ бўлади. Буюк то-

беъин аёллардан бири Ҳафса бинти Сийрийн шундай деган: «Эй йигитлар жамоаси, оладиганларингни йигитликда олиб қолинглар. Мен йигитликдаги амални амал деб ҳисоблайман».

Имом Нававий раҳматуллоҳи алайҳ «Мажмӯъ» номли машхур китобининг муқаддимасида қуидагиларни айтган: «Таълим оловчи бўш ва тетик, йигитлик ва бадани қувватли, хотири жам ва машғулотлари кам вақтларини, халал берувчи омилларга йўлиқмасдан олдин ганимат билиши лозим».

Имом Аҳмаднинг йигитликни енгимдан тушиб қолган нарсага ўхшатдим, дегани

Узун умр кунма-кун тугаб боради. Кўпинча унинг тез ва қайтмас бўлиб ўтиб кетаётганини унутиб ҳам қўясиз. Натижада уни узундан-узоқ ва секин ўтади, деган ўйда амал қилиш ва манфаат олишдан ғафлатда қоласиз. Ҳақиқатда эса ундей эмас. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳ шундай деган: «Йигитликни енгимдан тушиб қолган нарсага ўхшатдим!» Бу зот етмиш етти йил умр кўрган. Шунинг учун йигитлик узоқ вақтга ўхшаб туюлса-да, аслида оздир, умр узунга ўхшагани билан аслида қисқадир.

Аллоҳ раҳматига олсин, ориф зотлардан бири шундай ёзган:

أذان الماء حين الطفء يأتى
و تأخير الصلاة إلى الممات
دليل أن محياه يسير
كما بين الأذان إلى الصلاة

Азон айтилади келганды гүдак,
Үлими ортидан ўқилар намоз.

Бу умр ҳақида беради дарақ,
У азон ва намоз орасидан оз.

Бошқа бири эса қуидагича ёзган:

و ما بين ميلاد الفتى و وفاته
إذا نصح الأقوام أنفسهم عمر
لأن الذى يأتي شبيه الذى مضى
و ما هو إلا وقت الضيق النَّزَر

Туғилишдан то этгунча вафот,
Умр деб аталаар билсингел қавминг.

Келувчи кетгандан ўзгамас ҳайжот,
Билгинки, бу сенинг оз ва кам умринг.

Бугунги кунда толиби илмлар сафида ақлий дангасалик тарқалгани

Афсуслар бўлсинки, бугунги кунда толиби илмлар сафларида ақлий дангасалик кўпайди. Уларда шижаот ва ғайрат билан дарс қилиш ўрнига лаззат ва дангасаликни устун қўйиш кенг тарқалиб бормоқда. Кўнгил хушликлар ва турли-туман ортиқча ишлар улар учун ҳаётий мақсадга айланиб улгурди. Лаззатлар кетидан қувиш уларнинг асосий талабларидан бири бўлиб қолди. Натижада дарс қилиш ва илм ўрганишларига вақтлари етмай қолмоқда. Бу ҳолатлари луғат олими имом Аҳмад

Ёзни қўйиб, қиши дема,
Қишида қишилик ишинг бор.

ибн Форис Розий¹⁸ раҳматуллоҳи алайҳ назарда тутган кимсаларнинг ҳолига ўхшаб қолди:

إِذَا كَانَ يَؤْذِيْكَ حَرُّ الْمَصِيفِ
وَ يُبْسِيْسُ الْخَرِيفَ وَ بَرْدَ الشَّتَاءِ
وَ يُلْهِيْكَ حَسْنَ زَمَانِ الرَّبِيعِ
فَأَخْذُكَ لِلْعِلْمِ قُلْ لِيْ: مَتَىْ؟

Ёзнинг ҳарорати халақит берса,
Кузнинг ҳазони-ю, қишида қаҳратон.

Баҳор гўзаллиги ром этаверса,
Айтгин-чи илмни ўқийсан қачон ?!

Олусий Ҳафид, унинг дарс ва илмга қаттиқ ҳарислиги

Катта аллома, адаб Абулмаолий Маҳмуд Шукрий Олусий Бағдодий раҳматуллоҳи алайҳ ҳижрий 1342 йилда вафот этган. Қаттиқ интилишлари ва вақтга ҳарисликлари билан ажралиб турган. Бу зотни дарсларидан ёзнинг жазирамаси ушлаб қола олмас, қишининг қаҳратони кечиктира олмасди. Кўпинча дарс вақтига кеч келган шогирдлари у зотдан танқид ва гап эшишиб олишарди.

У зотнинг шогирдларидан бири аллома шайх Баҳжа Асарий шундай деган: «Мен бўрон бўлган бир куни у зотнинг дарсларига кела олмай қолганимни эслайман. Ўша куни кучли шамол бўлиб, жуда кўп ёмғир ёқкан,

¹⁸ Имом Аҳмад ибн Форис Розий ҳижрий 329-санада туғилиб, 395-санада вафот этган.

ҳамма ёқ лой бўлиб кетган эди. Мен ўзимча у зотни мадрасага келмасалар керак, деб ўйлабман. Иккинчи куни дарсга ҳозир бўлган пайтимда жаҳллари чиқсан оҳангда: «Иссик ва совуқ халақит берган кишида яхшилик бўлмайди», деганди.

Ёшингиз улғайган пайтда йигитлик ва ёшлик вақтингиздагидан кўра ташвишингиз кўпроқ ва заифҳол бўласиз

Баъзилар келажакда машғулотлардан фориғ бўлиб, халал берадиган ҳар хил нарсалардан қутуламан, ўша пайтда йигитлик кунларидан кўра бўш вақтларим кўпроқ бўлади, деб хаёл қиласидар. Лекин ҳурматли дўстим, мушоҳада қилинган воқелик бунинг аксидир. Сизга кексалик ёшига етиб, уни билган кишининг хабарини айтиб бераман: ёшингиз улғайиб боради. Ташвишларингиз кўпайиб, вақт тобора чекланиб боради. Тоқатингиз олдингидан кўра камайиб боради. Қарилиқда вақт тор ва жисм заиф бўлади. Соғлиқ кам ва тетиклик оз бўлади. Қилиш керак бўлган ишлару машғулотлар кўп ва қатъий бўлади! Шунинг учун фурсат борида умр соатларига шошилаверинг. Номаълум ва яширин нарсага осилманг. Ҳар бир вақт ўзига тегишли машғулотлари, вазифалари ва тасодифлари билан лиқ тўладир. Бунга хурсандчилик кунларнинг камлиги ва қийин кунларнинг кўп бўлиши ҳақидаги гап билан ҳам ишора қилганлар:

يقولون إن الدهر يومان كله
في يوم مسرات و يوم مكاره

Йүқолған олтин топилар,
Йүқолған вақт топилмас.

و ما صدقوا و الدهر يوم مسرا
و ايام مکروه كثير البدائه

Одамлар айтарлар замон икки кун
Бир куни шодлигу, бир куни қийин.

Ростин айтишмабди, аслида замон,
Шодлиги бир куну, күп куни қийин.

Йигитлик интилиш ва лаззатлар манбаси, қарилек заифлик ва қийинчиликлар манбасидир

Амал ва интилиш, қувватли ва имконияти бор бўлиш, мақсадларга эришиш, лаззатларнинг соф бўлиши, буларнинг барчаси йигитлик ёшида бўлади, қарилек ёшига етганда эмас. Чунки қарилек вақти касаллик-лар, хижолатчиликлар ва қийинчиликлар майдонидир. Ҳа, ҳақиқатан тўғри айтишган: йигитликда бажарилган ишларнинг натижалари улуф бўлади. Йигитлик чоғларида лаззат оламиз, қарилекда бундай лаззатлар йўқдир.

Машхур адаб Абу Усмон Жоҳиз қарив, касал бўлиб қолганда заифлик ва хасталиклардан азият чекиб, ҳасрат билан ушбу таъсирли икки байтни айтган экан:

أَتْرَجُوْ أَنْ تَكُونُ وَ أَنْتَ شِيخٌ
كَمَا قَدْ كُنْتَ أَيَّامَ الشَّبَابِ
لَقَدْ كَذَبْتُكَ نَفْسِكَ لَيْسَ ثُوبٌ
دَرِيسٌ كَالْجَدِيدِ مِنَ الثِّيَابِ

Умид қиласанми, бўлсангда кекса
Йигитлик ҳолатинг ҳали ҳам ҳамон.

Сени нафсинг алдаб қўйибди роса,
Эски кийим янгидек бўлмас ҳеч қачон.

Дунё ишида ҳам, дин ишида ҳам бепарво бўлма

Хайрли ишларга муваффақ қилинган оқил инсон умрининг барча вақтини лаҳза-ю сонияларигача фойда олиш ҳамда солиҳ амаллар билан тўлдиради. Саййидимиз Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу бекорчилик, ишсизлик ва вақтни беҳуда зое қилишни ёмон кўрган! У зот шундай деган: «Мен сизлардан бирортангизни на дунё иши ва на охират иши билан шуғулланмай бепарво юрганингизни кўришни ёмон кўраман!»

Вақт мулкнинг энг қиммати ва энг арzon сарфланадиганидир!

Ҳижрий 449 йилда туғилиб, 560 йилда вафот этган солиҳ вазир, фақиҳ аллома, улуғ адиб Яҳё ибн Ҳубайра Бағдодий раҳматуллоҳи алайҳ шундай деган:

وَالْوَقْتُ أَنفُسٌ مَا عَنِيتُ بِحْفَظِهِ
وَأَرَاهُ أَسْهَلٌ مَا عَلَيْكَ يَضْعِيْعُ

Вақт асрашинг керак бўлган энг нафис нарсангдир
сен эса уни осонгина зое қилмоқдасан.

Устоз Аҳмад Аминнинг вақтни асраш ва уни зое қилиш белгилари ҳақидаги мақоласи

Ҳижрий 1373 йилда вафот этган Мисрий адиб, ко-тиб устоз Аҳмад Аминнинг «Файзул хотир» китоби-

да келтирган «Авқотул фароғ» номли мақоласи билан танишиб чиқдим. Мазкур мақола маъқул бўлиб, уни қисқартириш ва бироз ўзгартериш билан ушбу рисоланинг охирида келтиришни лозим топдим. Бу ишнинг манфаатли бўлишидан умидворман.

У зот шундай деган: «Илм масканларининг мингминглаб талабалари ёзги таътилда тўрт ё беш ойни уйларида ўтказишади. Оталари улар билан бу узун вақтни қандай қилиб жисмларига, ақлларига, хулқларига ва шаҳарларига манфаат келтирадиган тарзда ўтказишлиари ҳақида савол-жавоб қиласдиларми? Умматнинг ярмини ташкил қиласдиган аёллар уйларида ўтирибдилар, улар бўш вақтларини қандай ўтказишишмоқда?

Агар мол-мулқдан фойдаланиш, илм ҳосил қилиш, соғлиқни тиклашнинг асосий замини вақт бўлса, буларнинг қанчаларини зое қилиб юбордик? Қанча умрлар на дунё иши, на охират ишига сарфланмасдан беҳуда нарсаларга зое қилинди экан?!

Қанчадан-қанча бойлик манбаларининг зое бўлиши вақтни зое қилиш натижасида келиб чиқсан. Агар уларни ишлатишида вақтга бепарволик ва жоҳиллик қилинмаганида эди, улардан фойдаланиш мумкин бўларди. Бўш вақтнинг бир қисмидагина қанчадан-қанча ўзлаштириш мумкин бўлган ташландик ерлар, ташкил этиш мумкин бўлган ширкатлар, тиклаб ишга тушириб юборса бўладиган хилма-хил муассасалар бор.

Бугунги кунда ҳам вақтни зое қилиш натижасида китоблар касод бўлиб ўқилмасдан қолмоқда, жоҳилликка рози бўлинмоқда. Бу ерда жаҳолатдан оғринадиган кишилар эмас, роҳатланишга батамом шўнғиган таналар бор. Мол-давлат оламининг ҳоли ҳам китоблар олами ҳолига ўхшаш. Бу ерда озга қаноат қилиб, камга рози

бўлиб ўтириш бор. Вазифасида ҳам, белгиланган ишида ҳам интилмасдан, тафаккур қилмасдан хотиржам ўтириш бор. Сўнгра бу ерда яна дармонсиз фикр ва вактидан қандай фойдаланишни биладиган тиришқоқ ажнабийга йўл бериш ҳам бор.

Вақтни асраш керак деган сўзимни тўғри тушуниш лозим. Мен бу билан барча вақтни амал билан тўлдириш керак, ҳаёт тўлиғича жиддийлик ва қатъийликдир, унда умуман роҳатланиш ва қўнгилхушлик йўқ, унда қовоғини солиш бор, кулгую табассум йўқ, демоқчи эмасман. Бу сўзим билан бўш вақт иш вақтига ошиб ўтмасин, бўш вақт ҳаётнинг асли бўлиб, иш вақти унинг ҳошияси ва чеккаси бўлиб қолмасин, демоқчиман.

Балки бундан ҳам кенгроқ маънода бўш вақтлар ҳам иш вақтлари каби ақлга бўйсунсин, чунки биз ишлаётганимизда бирор мақсад учун ишлаймиз, бўш вақтларимизни ҳам худди шундай бирор мақсад сари буришимиз лозим. Бўш вақтимиз ё соғлигимизга наф келтирадиган бўлсин, масалан шариатда рухсат бери-лган бадан тарбия ўйинларини ўйнаш, ё нафсий лаззатлар учун бўлсин, масалан илмий мутолаалар қилиш, ё руҳий озуқа учун бўлсин, масалан Қуръон тиловати, ҳадиси шарифлар ўқиши, нафл тоат-ибодатлар қилиш каби, демоқчиман.

Аммо вақтни ўтказишни мақсад қилиш бу шаръий мақсад эмас. Чунки вақт ҳаёт демакдир. Вақтни йўқотиш ҳаётни йўқотишдир! Узун вақтларини нарда, ё бошқа бирон бир беҳуда нарсаларга сарфлаётганлар бу ишларини ақл рози бўладиган мақсадда қилаётганлари йўқ. Шунингдек, қаҳвахоналар, клублар ва йўлларда тентираб юрадиганлар ҳам вақтни қандай бўлса-да йўқотиш пайдалар, гўё вақт уларнинг душманларидан бири!

Ушбу мушкулотнинг давоси шуки, инсон яхши кўрган ва ёмон кўрган нарсаларини хоҳлаганидек ўзгартира олади, хоҳишини истаганидек ўзгартиришга қодир, деб эътиқод қилишдир. Натижада олдин ҳис қилиб кўрмаган нарсалар ҳақида хоҳишини машқ қилдиришга, олдин яхши кўрган нарсаларини ёмон кўришга эришади. Агар иродалари кучли бўлса, кўп инсонлар бўш вақтларини соғлиқлари, ақллари ва динларига фойдали ишларга тақсимлашга қодирдир.

Афсуслар бўлсинки, кўпчилик ақлларига озуқа бўлиши учун енгил қиссаларни ва савияси паст газеталарни ўқишининг ўзи кифоя қиласи, деб ҳисоблайдилар. Уларда ёзилган, таклиф этилган нарсаларни мутлақ қабул қилишиб, ақлларини лаззатлантирадилар. Ваҳоланки, улар ақлларни сусайтирувчи, ё жинсий майлларни уйғотувчи нарсалардир, холос. Озгина сабр ва қувватли ирода таълим олувчини жиддий дарслар қилишига ва фойдали нарсаларни ўқишига сабаб бўлади.

Ҳар бир маълумотли киши илмнинг бирор турига ўзида истак уйғотиши мумкин. Уни дарс қилиб ўқииди, у ҳақидаги маълумотларини кенгайтиради ва унга чукур кириб боради. Бу илм адабиёт тўғрисида, ё ҳайвонот тўғрисида, ё гуллар тўғрисида, ё механика тўғрисида, ё бирор аср тарихи тўғрисида ёки инсоний маърифатларнинг бирор тури ҳақида бўлиши мумкин. Аввало унга рағбатини қўзғатади, сўнгра кунининг муайян бир қисмини уни дарс қилиб ўқишига эътибор беради: қачонки у бошқа бир инсонга айлангач, энди унинг алоҳида қуввати бўлади, муҳтарам шахсияти бўлади, ўзига, фарзандларига ва бошқаларнинг фарзандларига манфаати етадиган бўлади.

Қачонки жамият илм, маърифат ва фаннинг турли соҳалари бўйича ўз фарзандларига эга бўлса, ихтисосликлари бўйича ҳаётнинг турли жабҳаларида уларга суянади.

Уларнинг суҳбатлари туфайли инсонларнинг онглари ўсади, фикрлари юксалади, ҳаётлари гуллаб-яшнайди. Бир-бирларидан маданиятни, илмни, адабни, йўл-йўриқни ва вақтни қадрлашни ўрганадилар.

Агар маданият юксалса, ақллар кенгайса, ҳаёт тараққий этса, қувват зиёда бўлса, яшаш тарзи гуллаб-яшинаса, шунда барча инсонлар ошқозонларига озуқа берганлари каби ақлларига ҳам озуқа беришлари лозимлигини, озуқасиз ҳаёт йўқлигини тўлиқ англайдилар. Озуқа эса вақтни асрамасдан, ундан етарли тарзда истифода қилмасдан ҳосил бўлмайди. Ана шунда бутун жамиятнинг ҳолати, фикри, касбу кори, ишлаб чиқариши, саховати ва манфаати тараққий этади.

Ушбу сўровни ўзингизга доимий шиор қилиб олинг: «Бўш вақтимда нима қилдим, соғлигимни тикладимми, ё мол топдимми, ё илм ўргандимми, ё ўзимга ёки бошқага наф келтирдимми?».

Эътибор беринг, бўш вақtingиз ақлингизга бўй-суняптими? Сизнинг яхши мақсадингиз бор, унинг учун вақtingизни сарфляяпсизми? Агар шундай бўлса, сиз зафар топибсиз. Агар шундай бўлмаса, то муваффақиятга эришгунча ҳолатингизни ўзгартиришга уринаверинг.

Ҳожатингиз раво бўлиши йўлида сабр қилувчиларнинг хулқларини шиор қилиб олинг ва мақсадингизга эришиш учун доимо эшикни тақиллатиб киришга интилиб турувчилик ҳаракатда бўлинг.

Камдан-кам вақт барча кунлар муайян бир нарсага хосланиб қолади. Гоҳо қаршингиздаги ҳаёт йўли сизни

ўзгартириб, ўйлаганингиздан кўра собитқадамроқ ва хаёл қилганингиздан кўра юқорироқ қилиб қўяди.

Жамиятимиздаги инсонлар ҳозирда ҳаёт кечиришлари лозим бўлган яшашнинг ўндан бирини яшамоқдалар! Ёки бундан ҳам озроқ! Бу молиявий ишлаб чиқаришда бўладими, ақлий маданиятда бўладими, ё сихат-саломатликда бўладими, барibir. Ҳаётларининг қолган қисми дангасалигу ҳафсаласизликлар орасида йўқ бўлиб кетмоқда! Ёки нардаю беҳуда ўйин кулгулар билан йўқотилмоқда! Ёки ҳеч нарса қилмасдан бой берилмоқда! Бахтли яшашлари учун етишмай турган нарса вақтни тўлдириш йўлларини ўрганишлари ҳамда уни шариат ва ақл ҳукмига бўйсундиришлариdir». Иқтибос тугади.


Вақт ҳаётдир, ҳаёт эса олтиндан қимматдир

Ҳасан раҳматуллоҳи алайх «Вақт ҳаётдир» мақоласида қуидагиларни ёзган: «Айтиладики, вақт олтиндир! Бу борлиқни моддий қийматлар билан қиёс қиласиганлар учун тўғри, аммо бундан ҳам узоқни кўрадиганлар учун вақт ҳаёт демақдир.

Эй инсон, сенинг бу борлиқдаги ҳаётинг вафот этиш ва туғилиш орасида ўтказган вақтдан бошқа нарсами? Олтин қўлдан кетиши, тугаши мумкин. Лекин сен йўқотганингдан бир неча баробар кўпроғини топишинг ҳам мумкин. Аммо кетган вақтни, ўтган замонни қайтара олмайсан, ортга ҳам суро олмайсан! Шундай экан, вақт олтиндан ҳам, олмосдан ҳам ва бошқа барча жавоҳирлардан ҳам қиммат туради. Чунки у ҳаётдир.

Муваффакият қозониш фақатгина бирор бир мақонга ҳам, бирор бир шароитга ҳам боғлаб қўйилган

эмас. Лекин у худди ўшандай муносиб лаҳзага боғлиқ. Олдингилар хом фикрдан ҳам, кейин келган фикрдан ҳам эҳтиёт бўлганлар. Зеро муваффақият қозониш амал муносиб лаҳзаларида адо этишдир.



«Кеча ва кундуз (миқдори)ни Аллоҳ белгилар»
(Муззаммил сураси, 20-оят).

Шунинг учун ҳам энг катта зиёну зарар кўрадиган инсонлар анави ғофиллардир!

﴿ وَلَقَدْ ذَرَانَا لِجَهَنَّمَ كَثِيرًا مِنَ الْجِنِّ وَالإِنْسِينِ لَهُمْ قُلُوبٌ لَا يَفْقَهُونَ بِهَا وَلَهُمْ أَعْيُنٌ لَا يُبَصِّرُونَ بِهَا وَلَهُمْ أَذْانٌ لَا يَسْمَعُونَ بِهَا أُولَئِكَ كَالْأَنْعَمِ بَلْ هُمْ أَضَلُّ أُولَئِكَ هُمْ ﴾



«Жаҳаннам учун жинлар ва инсонларнинг кўпчилигини яратганмиз. Уларда қалблар бор, (лекин) улар билан «англамайдилар». Уларда кўзлар бор, (лекин) улар билан «кўрмайдилар». Уларда қулоқлар бор, (лекин) улар билан «эшиitmайдилар». Ана ўшалар ҳайвонлар кабидирлар. Балки, улар (янада) адашганроқдирлар. Айнан ўшалар ғофиллардир»
(Атроф сураси, 179-оят).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қимматли вақтнинг қадрини энг гўзал сувратда тасвиirlаб берганлар:

ما من يوم ينشق فجره الا و ينادي: يا ابن آدم أنا خلق
جديد و على عملك شهيد فتزود مني فإني لا أعود إلى يوم
القيمة

«Тонги отган бирор кун йўқки, шундай нидо қилмаса: «Эй одам боласи, мен янги кунман, амалингга шоҳидман, мендан фойдаланиб қол, мен қиёмат кунигача асло қайтмайман»¹⁹.

Шундай экан, борлиқда вақтдан кўра қимматлироқ нарса йўқ. Вақт эса хайру баракаларга эришиш, муваффақиятлар қозониш ва баҳт-саодатга интилиш мавридларида тафовутли бўлади. Бир соат бошқа бир соатдан баракали бўлади. Бир кун Аллоҳ ҳузурида бошқа бир кундан афзалдир. Бир ой бошқа бир ойдан эҳтиромлидир:

هو الجُدُّ حتى تفضل العين أختها
و حتى يكون اليوم لليوم سَيِّدا

У насибадир, ҳатто афзал бўлди кўз ҳам ён кўздан
Ҳатто афзал бўлар кун ўзга кундан.

¹⁹ Муалиф ушбу лафзни топа олмаганларини айтганлар. Шунга яқин маънодаги лафзлар ҳақида куйидагиларни баён қилганлар: Суютийнинг «Жамъул мавомиль»сида» Қуёши чиққан бирор кун йўқки, шундай нидо қилмаса: «Кимки менда бирор яхшиликни қилишга қодир бўлса, уни қилиб қолсин. Мен қиёмат кунигача сизларга қайта келмайман...» маъносидаги лафз келган. Бу лафзни Байҳақий «Шуъабул иймон»да Усмон ибн Мухаммад ибн Муғирия Ахнасадан мурсал ҳолатда ривоят қилган. Дайламий Саъийд ибн Мусайабдан, у эса Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган.

Дарҳақиқат, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларида вақтни қадрлашга ва ундан фойдаланишга эътиборимизни тортганлар. Қуйидаги сўзларида бунгаг ишора бор:

الْمُؤْمِنُ بَيْنَ مَخَافَتَيْنِ: بَيْنَ عَاجِلٍ قَدْ مَضَى لَا يَدْرِي مَا اللَّهُ صَانِعٌ فِيهِ وَ بَيْنَ آجِلٍ قَدْ بَقِيَ لَا يَدْرِي مَا اللَّهُ قَاضٍ فِيهِ²⁰

«Мўмин икки хавотир орасида бўлади: тез ўтиб кетган кеча ва ҳали келмаган эрта орасида, кечада Аллоҳ таолонинг нима қилганини (яъни ундан амалларини қабул этган ё этмаганини) билмайди, эртага Аллоҳ таолонинг нима ҳукм қилишини билмайди»²⁰

Шунга кўра банда ўзи учун ўзидан фойдаланиб қолсин, охирати учун дунёсидан фойдаланиб қолсин. қаришидан олдин ёшлигидан фойдаланиб қолсин, ўлимидан олдин ҳаётидан фойдаланиб қолсин!

Шундай экан эй азиз дўстим, вақтни ғанимат билди. Вақт қилич кабидир. Етар! Бўлди, энди кейинга қолдириши ташла, ундан кўра заарарлироқ нарса йўқ. Аллоҳ таолодан мақбул амал ва фазилатли вақтга эришиш учун тавфиқ беришини сўрагин.

Ҳурматли ўқувчи, Аллоҳ таоло бизни ҳам, сизларни ҳам вақтга риоя қилишга ва уни солиҳ амаллару фойдали илмлар билан тўлдиришга муваффақ қилсинг. Барчамизни замон ва ҳаётнинг қадрига етадиганлардан қилсинг. Зеро, омонат умрнинг қадрига етадиган

²⁰ Муаллиф ушбу ҳадис ҳақида Ҳофиз Ироқийнинг «Тахрийжу ихё» даги сўзларини келтирган: «Бу ҳадисни Байҳақий «Шуъабул иймон»да Ҳасан Басрийдан у Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам нинг саҳобаларидан бўлган бир кишидан ривоят қилган. Бунда узилиш бор». Ушбу ҳадис заиф ҳисобланади.

Вақтни зое қилиш ўлимдан ҳам ёмонроқдир. Чүнки вақтни зое қилиш Аллоҳдан ва охиратдан узуб қўяди. Ўлим эса дунё ва унинг аҳлидан узади.

зотлар ўзларини ҳам, миллатларини ҳам, юртларини ҳам манфаатлардан маҳрум қилмайдилар. Ана ўшалар тўғриликда юрувчилардир.

Муаллиф ушбу асарни шундай якунлаганлар: Ожиз бандАбдулфаттоҳ Абу Фудда айтади: китобнинг ушбу бешинчи нашрини ҳижрий 1409–йилнинг Робиъул аввал ойида кўриб тузатиб, чиқдим. Ундан манфаат олганларнинг хайрли дуоларидан умидворман. Оламлар Роббиси Аллоҳга ҳамдлар бўлсин.



МУНДАРИЖА

Сўзбоши.....	3
Вақтнинг аҳамияти	5
Ўтиб кетган вақт ҳеч қачон қайтмайди ва унинг ўрнини тўлдириб бўлмайди	6
Кунлар жуда тез ўтиб кетади.....	7
Умр ўлчаб берилган.....	9
Вақт инсон эга бўлган энг нафис, энг бебаҳо неъматдир.....	11
Энг бебаҳо неъматнинг қадрига етмайдиганлар кўпчилиkdir	12
Муаллиф ҳақида	18
Муаллиф муқаддимаси	19
ВАҚТНИНГ ҚАДРИ.....	26
Аслий ва фаръий неъматлар	27
Аслий неъматлар	27
Энг катта аслий неъмат.....	28
Вақт неъматини билдирувчи оятлардан намуналар	29
Умрларини зое қилган коғирларга Аллоҳ таолонинг ғазаб қилиши	32
Олтмиш йил умр берилган кишига узр учун ўрин қолмагани	33
Аллоҳ таолонинг вақт билан қасамёд этгани унинг улуғворлиги ва аҳамиятини баён қилишидир.....	34

Фахриддин Розийнинг вақт қиймати ва шарафини баён қилгани	36
Вақт қиймати ҳақида суннатда келган хабарлар	37
Вақтга надомат обид ва оқилнинг наздида ҳалок қилувчи надоматдир	38
Манфаатларнинг вақтдан келиб чиқиши, уни зое қилган кимса ҳеч қачон ўрнини тўлдира олмаслиги.....	41
Ўтган солиҳларнинг вақтдан ютишга ва уни яхшилик билан тўлдиришга астойдил интилишлари	42
Күёшни тўхтатиб тур, шунда сен билан гаплашаман...	42
Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анхунинг умридан ўтган бир куни учун надомати	43
Кеча ва кундуз устингда ишламоқда сен ҳам уларда ишлаб қолгин!.....	43
Эй одам боласи, сен кунлардан иборатсан!.....	43
Ҳаммод ибн Салама ё ҳадис айтарди, ё Қуръон ўқирди, ё тасбех ёки салавот айтарди.....	43
Халил ибн Аҳмадга энг оғир вақт таомланишга кетган вақт экани.....	44
Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳнинг вафот этаётган вақтда ҳам фиқҳий масала ҳақида баҳс қилгани	45
Абу Юсуфнинг ўғли вафот этган пайтда ҳам дарсга ҳозир бўлиш учун кафанлаш ва дафн этишни бошқаларга топширгани	46
Мұҳаммад ибн Ҳасан тунда озгина ухларди	46
Исом Балхийнинг эшитган нарсасини ўша заҳоти ёзиб олиши учун бир динорга қалам сотиб олгани.....	47
Мұҳаммад ибн Салом Пойкандийнинг: битта қаламга бир динор бераман, деб нидо қилгани	47

Убайд ибн Яъийшнинг ҳадис ёзиши учун кечки овқатини ўттиз йил синглиси оғзига солиб тургани	48
Иbn Maъyinnинг шайхига: «Менга ҳозироқ имло қилинг, сизга йўлиқмай қолишимдан қўрқаяпман», дегани.....	49
Иbn Maъyinnинг ҳадисда имом экани	49
Иbn Maъyinnинг миллионта ҳадисни қўлида ёзгани ва битта ҳадисни эллик марталаб ёзиши.....	51
Иbn Maъyin билмаган ҳадис ҳадис эмас	51
Иbn Maъyinnинг «Агар ёzsанг йиғгин, агар сўзлассанг, текширгин» дегани	52
Иbn Maъyin қолдирган китобларнинг кўплиги.....	52
Аллоҳнинг элчисини тухматдан ҳимоя қилган зот	52
Иbn Maъyin ва шайхи Muҳammad ibn Fazl ораларида бўлиб ўтган воқеанинг шарҳи	53
Жоҳиз, Fatҳ ibn Hoқон ва Ismoil қозиларнинг илмга иштиёклари.....	55
Иbn Suҳнунга кечки овқатини жорияси едириб қўйгани ва унинг китоб ёзиш билан машғул бўлгани сабабли буни сезмагани.....	56
Наҳв олими Saъlabning чақирилган жойга китобини ўқишга имкон беришлари шарти билан бориши.....	57
Саълабни кўчада китоб ўқиб кетаётганда бир ҳайвоннинг тутиб кетгани ва вафот этиши	57
Иbn Jariрнинг вақтини асрashi ва Қуръонни ўттиз минг варақда тафсир қилишга азму қарор қилгани.....	58
Иbn Jariрнинг тарихни ўттиз минг варақда ёзишга азму қарор қилгани.....	58
Иbn Jariр ҳар куни қирқ варақ асар ёзган	59

Иbn Жарирнинг таснифотлари 358 минг варак атрофида бўлган	59
Иbn Жарирнинг вақтни ва амалларни тартиблаши ...	60
Иbn Жарирнинг вафотидан бир соатгина олдин ҳам маълумот ёзиб қўйгани	61
Иbn Жарирнинг номи китоблари ва ўлмас асарлари тургунича боқий қолиши.....	62
Наҳв олими Иbn Хайётнинг кўчада дарс қилиши ва чуқурга йиқилиб тушиши	62
Ҳоким Шаҳид таълиф этиш билан машғул бўлгани сабабли зиёратига келганларга гапирмасди.....	63
Ҳофиз муҳаддис Иbn Шаҳин таълиф этган асарларнинг кўплиги.....	64
Иbn Шаҳиннинг сиёҳ пулига етти юз дирҳам сарфлагани.....	64
Наҳв олими Мунзир Марвазийнинг наҳв музокарасига қаттиқ киришганидан «Музокара» деб лақаб олгани ...	64
Абу Нуъайм Асфаҳонийга шогирдлари йўлда кетишда дарс топшириб боришгани.....	65
Берунийнинг жон таслим қилиш вақтида ҳам фароиздан бир масалани таълим олгани.....	65
Сулайм Розий ё нусха кўчирап, ё дарс берар, ё ўқир, ё тиловат қиласидан, унинг бўш вақти бўлмаган	67
Хатиб Бағдодийнинг кўчада ҳам китоб мутолаа қилиб юриши	68
Имомул Ҳарамайннинг овқатланиши ва ухлаши одатий бўлмаган, балки заруратан бўлган.....	68
Имомул Ҳарамайннинг эллик ёшида наҳв олимига шогирд тушгани.....	69

Яъқуб Нажиромий китобини йўлда юриш асносида ўқирди.....	69
Ибн Ақийл ва Ибн Жавзийларнинг вақтни сақлашда намуна эканлари	70
Ибн Ақийл Одам болаларининг энг закийларидан бири	70
Ибн Ақийл умрининг бирор соатини ҳам зое қилмасди.....	71
Ибн Ақийлнинг вақтдан ютиш учун нон ўрнига ивтиилган толқонни танлагани	71
Ибн Ақийл турли илмларни эгаллагани ва асарлари хилма-хил экани	72
Саккиз юз жилдли «Фунун» китоби у зотнинг кўплаб китобларидан бири экани	72
Вақт сарфланадиган ва у билан Аллоҳга муқарраб бўладиган нарсаларнинг энг яхшиси илм излашdir	72
Ибн Ақийл вафот этаётган вақтда: «Мени тинч қўйинглар, Аллоҳга йўлиқишдан роҳатланаман».....	73
Оз-оздан кўп бўлур, томчи-томчи йиғилиб кўл бўлур....	74
Ибн Жавзий вақтни тежагани сабабли беш юздан ортиқ асар ёзган	75
Вақт қадр-қийматини билиш ва униэнг яхши амаллар билан безатиш	75
Кўпчилик инсонлар вақтни бефойда нарсаларга сарфлаб юборишади.....	76
Ибн Жавзийнинг бекорчилар сухбатидан паноҳ сўрагани	76
Зиёратчилар билан сухбат чоғида сухбатга халал бермайдиган ишларни бажариб ўтирганлари	77

Вақтнинг қадрини муваффақ қилингандаргина биладилар.....	77
Ўтган азизларнинг вақтни авайлашлари ва уни зое қилишдан ҳазар қилишлари.....	78
Ўтган азизларнинг вақтни муҳофаза қилишларидан гўзал намуналар.....	79
Вақтни ғанимат билишга ёрдам берадиган омиллар баёни	80
Ўтган уламоларнинг ҳимматлари олий бўлгани ва таснифларининг кўплиги.....	81
Ибн Жавзийнинг илмга рағбати ва китобларга қаттиқ, муҳаббати.....	82
Ҳар бир нафас ҳазинадир, сен ҳазинанг бўш бўлишидан ҳазар қилгин	83
Ибн Жавзий бир кунда тўрт рисола асар ёзарди.....	83
Ибн Жавзийнинг вақтни тежагани сабабли қўли билан икки минг жилд асар ёзгани.....	84
Ибн Жавзий вафот этганда уни ювиш учун қаламларининг қириндилари билан сув иситишгани ва қириндиларнинг ортиб қолгани	84
Заҳабийнинг Ибн Жавзийдек тасниф қилган бирор кишини билмайман, дегани	85
Абдулғоний Мақдисийнинг вақтни муҳофаза қилиши ва тартиблаши.....	85
Фахриддин Розий овқатланишга кетган вақтидан афсусланарди.....	86
Ибн Сурайнанинг вақтини муҳофаза қилиши, тартиблаши ва солиҳ амаллар билан безатиши.....	87
Ибн Сурайнанинг шогирдларига: «саломлашишга қўшимча (бирор гапни) қўшманлар», дегани.....	88

Хофиз Мунзирийнинг таснифларидан ташқари тўқсон жилд ва етти юз жуз ёзгани	88
Хофиз Мунзирий овқатланаётган вақтда ҳам илм билан машғул бўларди	89
Хофиз Мунзирий мадрасадан азага ҳам, дам олишга ҳам чиқмас эди	90
Хофиз Мунзирийнинг суюкли ўғли вафот этганида уни мадраса эшигидан кузатиб қўйгани	90
Ибн Молик намоз ўқирди, ё тиловат қиласарди, ё китоб ёзарди, ё ўқирди	90
Ибн Моликнинг вафот этиши олдидан унга айтиб туришган саксон байтни ёдлагани	91
Имом Нававий икки йил атрофида ёнбошини ерга қўймаган	92
Нававий ҳар куни ўн иккита дарсни аниқлаб, изоҳлаб ўқирди	92
Нававий кечаю кундузда фақат бир марта овқатланар эди	93
Нававийнинг парҳезкорлиги, еб-ичиш, кийиниш ва яшашдаги мashaқатли ҳаёти	93
Табиб Ибн Нафис тибда, фикҳда ва вақтни муҳофаза қилишда имом бўлган	94
Ибн Нафийснинг Ибн Восил билан тонггача илмий сухбат қургани	95
Ибн Нафиснинг баъзи тиббий тадқиқотларни чўмилиш асносида ёзгани	96
Ибн Нафис қон айланишини етти аср олдин кашф қилган эди	97
Шамсиддин Асбаҳоний кириб чиқишлар сабабли вақт зое бўлмаслиги учун кам овқатланар эди	97

Шавконийнинг бир кеча-кундуздаги дарслари ўн учтага етган.....	98
Олусий тунда тафсир ёзарди, кундузи эса ўн учта дарс ўтарди.....	99
Абдулҳай Лакнавий 39 ёшда вафот этган, асарлари эса 110 та дан ортиқ бўлган	101
Уммат ҳакими Таҳонавийнинг асарлари мингдан ортиқ бўлган	101
Ўтган азиз имомларнинг таълифлари вақтларини авайлаганларига далолат.....	102
Ўтган азизларнинг тафсир ва тафсир илмларидаги баъзи улкан асарлари.....	102
Кўп асар ёзган имомлар.....	104
Иbn Жарир кўп таълиф этиш ва гўзал тасниф қилишда Исломдаги буюк муаллифdir	104
Боқиллоний ўттиз беш варақ ёзмагунича ухламас эди	105
Иbn Абу Дунё, Иbn Асокир ва Иbn Шоҳийнларнинг асарлари кўплиги	105
Иbn Ҳазм ва Иbn Абу Ҳотим Розийларнинг асарлари кўплиги	106
Ҳоким Найсобурийнинг асарлари кўплиги	106
Абул Ҳасан Ашъарийнинг асарлари кўплиги	106
Муҳаммад ибн Суҳнун Моликийнинг асарлари кўплиги	106
Абу Бакр ибн Арабий Маъорифийнинг асарлари кўплиги	107
Абу Жаъфар Таҳовийнинг асарлари кўплиги	107

Абу Убайда, Ибн Сурайж ва Ибн Хубайб Андалусийнинг асарлари кўплиги	107
Олдинги уламоларнинг умумий асарлари кўплиги .	108
Кейинги уламоларнинг асарлари кўплиги олдингиларнига ета олмаслиги	108
Вақтдан унумли фойдаланиш умрни узайтиради ва асарларни кўпайтиради.....	109
Ислом кутубхоналарига Хофиз Ибн Асокир тақдим қилган асарларнинг улкан ҳажми	110
Ибн Асокирнинг эшиятган китоблари қолиб кетгани ва улар етиб келгунча ташвишга тушгани.....	116
Ҳар бир амални муносиб вақтга тақсимлаш	117
Ёдлаш учун энг афзал вактлар ва ўринлар баёни...	118
Ёдлаш ва дарс қилиш вақтида шовқиндан узоқда бўлиш яхши экани.....	119
Малолланган ва бўшашган пайтда нафсини чалғитишга уриниш яхши экани.....	121
Малолликни муолажа қиладиган ҳамда мудроқ ва дангасаликни қувадиган баъзи нарсалар	122
Муҳими билан машғул бўлиш ва уни муҳим бўлмаганидан муқаддам қўйиш лозимлиги	122
Аббос Алавийнинг муҳимлар ичидан муҳимроғини муқаддам қўйиш ҳақидаги насиҳатлари.....	123
Эллик, юз ва ундан ортиқ асарлар таълиф этган уламолар баёни.....	124
Вақтдан ютишга ва ундан фойдаланиб қолишга кўмак берувчи нарсалар баёни	125
Толиби илм учун овқатланиш, уйқу ва дам олиш зарурат миқдорида бўлиши лозим экани	126

Абулвафо ибн Ақийл «овқатланишимга кетадиган вақтни имконим борича қисқа қиласман», дегани	126
Суютийнинг вақтни бой бермаслик тұғрисида толиби илмга лозим бўладиган икки байти.....	127
Ўтиб кетган вақт ҳеч қачон қайтмайди	128
Дангасалик энг ёмон одат экани ва роҳатни яхши кўриш надомат пайдо қилиши.....	128
Кишининг фазилатлару камолотга интилиши олийлиги белгиси экани	129
Вақтни ғанимат билишга ёрдам берадиган энг муҳим нарсалар баёни	130
Вақт ҳаётдир.....	131
Ҳафса бинти Сийрийннинг амал ёшлиқ чоғидагидир, дегани.....	132
Имом Аҳмаднинг йигитликни енгимдан тушиб қолган нарсага ўхшатдим, дегани	133
Бугунги кунда толиби илмлар сафида ақлий дангасалик тарқалгани.....	134
Олусий Ҳафид, унинг дарс ва илмга қаттиқ ҳарислиги	135
Ёшингиз улғайган пайтда йигитлик ва ёшлиқ вақтингиздагидан кўра ташвишингиз кўпроқ ва заифхол бўласиз.....	136
Йигитлик интилиш ва лаззатлар манбаси, қариллик заифлик ва қийинчиликлар манбасидир	137
Дунё ишида ҳам, дин ишида ҳам бепарво бўлма....	138
Вақт мулкнинг энг қиммати ва энг арzon сарфланадиганидир!.....	138

Мундарижә

Устоз Аҳмад Аминнинг вақтни асраш ва уни зое қилиш белгилари ҳақидаги мақоласи.....	138
Вақт ҳаётдир, ҳаёт эса олтиндан қимматдир.....	143

Абдул Фаттоҳ Абу Ғудда

**УЛАМОЛАР
НАЗДИДА
ВАҚТНИНГ
ҚАДРИ**

Иккинчи нашр

Ғафур Ғулом номидаги
нашириёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2018

Мұхаррір: А. Назар

Бадий мұхаррір: Ф. Собиров

Техник мұхаррір: И. Нуруллох

Мусақхұх: Д. Боймирзаева

Сағифаловчы: Х. Абдулқодирова

38000

Нашр. лиц. АI № 290. 04.11.2016.

Босишга 2018 йил 23 ноябрда рухсат этилди.
Бичими: 60x90 $\frac{1}{16}$. PT Serif гарнитураси. Офсет босма.
10,0 шартли босма тобоқ. 8,52 нашр тобоги.
Адади 8000 нусха. 578-рақамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа
ижодий уйида чоп этилди.
100128. Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.
www.gglit.uz. e-mail: info@gglit.uz